

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

ЯНВАРЬ-МАРТ
2019 ЁИЛ
№1 (12)



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2019 йил №1 (12)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Ҳамкорларимиз: Андижон вилоят ҳокимлиги,
Андижон давлат университети

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

Таҳрир хайъати:

Абдулҳамид Анорбоев – т.ф.д.

Азизбек Миркомиллов – Андижон вилояти
ҳокимияти қотибияти мудири

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Бахтиёр Ҳасанов – т.ф.д., профессор

Геннадий Богданович – катта ўқитувчи

Жамшид Журазода – т.ф.д., профессор

Мамбёт Койгелдиев – т.ф.д., академик

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Музробжон Абдуллаев – т.ф.д., доцент

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нуриддин Холиқназаров – Андижон вилояти бош
имом-хатиби

Нурмонжон Ғафуров – т.ф.д., профессор

Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Мусахҳиҳ:

Тулқин Сиддиқов

Техник муҳаррир:

Дилшодбек Хомидов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам
билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри,
Университет кўчаси, 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 60x84 1/16. Босма тобоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 600 дона.

Баҳоси келишилган нархда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва ҳолислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет

«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr NMM» МЧЖ босмаҳонасида

чоп этилди. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани

20^а-мавзе 42-уй

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Крематорийда куйдирилган ўзбек давлат арбоби ҳаётидан 2

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

М.М.Исҳоқов, Б.С.Ғойибов

«Паранжи» нима? 9

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

Ж.Ш.Ҳайитов

XX аср бошида Андижон тажриба майдонининг ўлкада янги

экин навларини тарқатишдаги фаолияти 12

Большевикларнинг Туркистондаги мустамлакачилик

сиёсатидан кичик бир лавҳа 16

Р.Ш.Темиров, Х.Мўминов

Ҳинд миллатпарвари профессор Муҳаммад Баракатулло

большевикларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсати тўғрисида 24

Андижон фашизм босқинига қарши кураш йилларида

(1941 – 1945) (ҳужжатлар ва материаллар) 30

БУЮК ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

Р.Т.Шамсутдинов, Д.И.Хомидов

Усмон Юсупов 55

ДАВРА СУҲБАТИ

Т.Кененсариев

Туркестанцы в годы Отечественной войны: вклад в тылу врага... 63

А.Д.Казакбаев

Кыргызы в «Туркестанском легионе»: коллаборационисты

по выбору и без... 68

А.Д.Казакбаев

«Туркистон легиони»даги қирғизлар 73

Ш.А.Ҳайитов

Туркистонлик ҳарбий асирлар тақдири ҳақида 76

«КАТТА ҚИРҒИН» ҚОМУСИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

Маҳбус Расулжон Раҳимовнинг Амур лагерида йўллаган хати 84

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

М.Ғ.Абдуллаев

Амири лашкар Алимқул ҳаёти ва фаолияти Андижондаги

Қатағон қурбонлари хотираси музейи экспонатларида 95

ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

Отрывки из воспоминаний Гафура Хайдарова 98

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Б.М.Расулов

Қадимий Кармана тарихига бағишланган китоб 105



КРЕМАТОРИЙДА КУЙДИРИЛГАН ЎЗБЕК ДАВЛАТ АРБОБИ ҲАЁТИДАН

(Давоми, боши журналнинг 2018 йил 4-сониди)

1907 йил ёзидан бошлаб Иномжон Андижон уезди Бозорқўргон райони Ғова қишлоғида катта рус бойи Степанов қўлида хизматкорлик қилади. Ундаги қобилятни, русча ва ўзбекча саводхонликни, тадбиркорликни сезган Степанов Бозорқўргон пристави билан келишиб Иномжонни пристав хизматкорлигига таклиф қилади. Бозорқўргон пристави Поляков анча ўқимишли, ўзбекчани ҳам яхши биладиган инсонлардан эди. Ўша вақтда болалар ўртасида чечак касали кенг тарқалганди. Иномжон амбулаторияда ишлаб, районнинг Ғова, Чорбоғ, Арслонбоб, Моси, Сайдиқум, Қайирма қишлоқларида бўлиб, кўпдан-кўп болаларни чечак касалидан сақлаб қолган. Кўп хайрли ишлар қилган. Пристав канцеляриясида мирзалик, хат ташувчилик қилган. Сўнгра Жалолобод, Қорасув, яна Бозорқўргон, Ўш, охири Қўргонтепа ҳокимларида мирзалик, тилмочлик қилиб кун кечирган.

Унинг бирдан-бир мақсади тақдирига қулик муҳри босилган, мустамлакачилик азобидан фарёд чекаётган ерли аҳолининг ҳақ-ҳуқуқи йўлида ҳалол хизмат қилиш, ўз имконияти даражасида аҳолининг оғирини енгиллатишга ҳисса қўшиш эди. Бу вазифани ўша ҳукмдорлар идораларида тилмочлик қилиб бажармоқчи бўлади. Ўз халқининг рус амалдорига келиб айтадиган арз-шикоятларини мустамлакачи мансабдорларга ўзбекчадан русчага ўтириб бериш, русчадан умуман хабари бўлмаган авом аҳолига рус тўраларининг рус тилидаги кўрсатмаларини ўзбекча қилиб тушунтириб бериш ниҳоятда хайрли, лекин қалтис иш эди. Иномжон Хидиралиевдек русча ва ўзбекча ўқиш ва ёзишни билган хат-саводли кишилар у вақтда жуда оз эди, шу боис бундайлар ҳам мустамла-

качи тўралар, ҳукмдорлар, ҳам маҳаллий аҳоли учун жуда керак эди. Келгинди ҳукмдорлар билан ерли халқ ўртасида тилмочлик қилиш ўта масъулиятли вазифа бўлган. Тилмоч, аynи вақтда, дипломат ҳам бўлиши керак эди.

Масаланинг ижобий ёки салбий ҳал этилиши кўп жиҳатдан тилмочнинг ақлу фаросатига, одамийлигига, халқпарварлигига, диёнатига боғлиқ эди. Арз қилиб келган, бирор ҳолатини чиқармоқчи бўлган фуқароларнинг илтижоларини фаҳмлаш ва уни приставга усталик билан тушунтириш, масалани ижобий ҳал этишга қўмаклашиш тилмочдан катта маҳорат талаб этарди. Шундай шарафли ишни бажариб Иномжон эл-юрт олдида катта обрў топган эди.

Ниҳоят, Февраль инқилоби юз берди. Россия императори Николай II тахтдан улоқтирилди. 300 йил ҳукмронлик қилган романовлар сулоласи кулади. Мамлакатда қўшҳокимиятчилик юзга келди. Бир томонда ишчи ва деҳқонларнинг революцион-демократик диктатураси – Советлар, иккинчи томонда буржуазия диктатураси – Муваққат ҳукумат майдонга келди. Ҳамма жойларда Советлар ташкил этила бошлади, партия ташкилотлари яширин ҳолатдан чиқиб, ошкора, очиқ фаолият кўрсатишга ўтди. Мамлакатда 1917 йил октябрида юз берган тўнтаришнинг туб моҳияти ва мазмунини Туркистоннинг ерли, маҳаллий аҳолиси бирдангина тушуниб етмаганди. Мустамлака халқ Октябрь тўнтаришидан кўра Февраль инқилобини тезроқ тушуниб, уни идрок қилганди. Кўплар қатори И.Хидиралиев ҳам даставвал Петроградда содир бўлган воқеани тушуна олмаган. Кейинчалик 1924 йили у ўзининг «Правда» газетасида чоп этилган мақола-сида бу ҳақда шундай эслаган:



«Пахта ватани» узра, «оқ олтин» чаманзорлари ва пахтакор қишлоқлар узра ҳалокатли воқеалар шарпаси кезиб юрибди: империалистик уруш давом этмоқда, одамлар фронт орқасига бетиним жўнатилиб турибди, отлар урушга келяпти, пахтакор районларида нон, асбоб-ускуна, хомашё камайиб кетди. Пахтага эҳтиёж йўқ, пахталик буюмлар ерда қолди...

Ҳаммани очлик ютиб юбораман дейди, даҳшат солиб ишсизлик, ялпи қирилиш бостириб келяпти. Чор тарафдан таҳликали, ҳазин, мудҳиш садолар эшитилади:

– Россия подшо билан капиталистдан мангу жудо бўлди. Шунинг учун энди пахтани ҳеч ким сотиб олмайди.

– Россияга аскарлар керак, тўплар ва қурол аслаҳа керак, лекин пахтанинг ҳожати йўқ.

Ўшанда... қишлоқма-қишлоқ, бозорма-бозор, карвонсарою чўллар узра, олис даралар ва бекатлар бўйлаб одамларни гоҳ умидвор қилиб, гоҳ ваҳимага соладиган бир овоз янгради. Ҳокими мутлақ тўралар, мустамлакачилар, сотқин бойлар ва уларнинг югурдаги бўлмиш зиёлилар тўдаси ҳар ён жар солиб, халойиққа бу хабарни маълум қилдилар: «Бир гуруҳ сафсатабоз ва хоинлар туркумига бошчилик қилиб, урушни тўхтатиш ва душман билан келишиш шиори остида ҳаракат қилаётган Ленин инқилоб номи билан инқилоб сотқини деб эълон қилинди».

Энди большевиклар енгилди. Ленин гоёиб бўлган... Шунда Фаргонанинг жабрдийда, талон-торож қилинган турли элат халқлари биринчи марта нотаниш бир одамни дуо қилдилар. Ўшанда биринчи бор қишлоқларда, овулларда, бозорларда, чойхоналарда карвонсаройларда – ўнлаб лаҳжаларда муҳаббат билан, эзгу умид билан галати от янгради:

– Лен?

– Ланин?

– Лелин?

– Леннин?

– Ленин! Улуғ ўртоғимиз-да, ҳақиқий дўстимиз Ленин...»

Рўй берган воқеалар мустамлака Туркистонини ҳам ўз гирдобига тортганди. Бу ерда ҳам Советлар, Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий органлари – жамоат хавфсизлиги қўмитала-

ри ташкил бўлди.

Аҳолининг миллий қисми жойлашган ерларда кўплаб инқилобий-демократик йўналишдаги ташкилотлар, жамиятлар тузила бошланди. Фақат Андижоннинг ўзида бундайларнинг умумий сони 47 га етганди. Улар орасида «Маориф ҳаваскорлари», «Шўрои Исло»,

«Шўрои Уламо», «Турон», Мусулмон ишчилар Шўролари, Мусулмон ишчилари Иттифоқи ва ҳоказолар алоҳида аҳамиятга эга эди.

Бу вақтда И.Хидиралиев уезднинг Султонобод участкасида сиёсий-ижтимоий фаолиятда бўлган. Участка қарамоғида Қўргонтепа, Ойим, Қорасув, Жалақудуқ волостлари бўлиб, уларга волост бошқарувчилари раҳбарлик қиларди. 1917 йил 3 мартда Қўргонтепада жамоат хавфсизлик қўмитаси ташкил этилди. Унга И.Хидиралиев аъзо бўлди. Митингда приставни лавозимидан бўшатишга қарор қилинади. Унинг ўрнига И.Хидиралиев ва Бойбеков номзоди кўрсатилади. Уезд қўмитасининг қатъий талаби билан уюштирилган митингда ва жамоат хавфсизлик қўмиталари район қурултойида приставни ўзгартиришга қарор қилинди. И.Хидиралиевни вақтинча комиссар этиб тайинладилар.

Султонобод участка комиссари И.Хидиралиев 7 июнда Андижон уезди маъмуриятига 1444-сонли хат йўллаб, унда участка бўйича волостлар бошқарувчиларининг маълумотлари асосида йирик ва майда хўжаликлар миқдори ҳақида маълумот берганди. Қўргонтепадаги 2706 хўжаликдан 1243 таси йирик, 1253 таси майда, Ойим волостидаги 4332 хўжаликдан 70 таси йирик, 4162 таси майда, Қорасувдаги 3284 хўжаликдан 2000 таси йирик, 1284 таси майда, Жалақудуқдаги 2345 хўжаликдан 112 таси йирик, 2233 таси майда, жами 12567 хўжалик бўлиб, ундан 3435 таси йирик, 9132 таси майда эди.



Иномжон Хидиралиевнинг Қўргонтепа райони приставида тилмочлик қилган кезлари



И.Хидиралиев Қўргонтепа райони комиссари бўлиб бор-йўги 24 кун хизмат қилди. Уезд қўмитаси гимназиянинг 6-синфи даражасида маълумотга эга бўлмагани учун уни комиссар қилиб тасдиқлашдан бош тортади. Шундан сўнг у барча сайлов йўли билан хизмат қиладиган лавозимлардан воз кечиб, Ўш шаҳрига келади. Ўшда 1917 йил ноябрида шаҳар думасига аъзо бўлиб сайланиб, 1918 йил апрелига қадар хизмат қилади. Касаллиги туфайли бу ишни ҳам тарк этади. Соғайгач 1919 йил январидида Андижон шаҳрига келади. Бу вақтда Андижоннинг Эски шаҳарида коммунист (большевик)ларнинг мусулмон фракцияси фаолиятда эди.

1919 йил 7 февралда И.Хидиралиев шу эски шаҳар партия ташкилоти томонидан партия сафига қабул қилинади.

1919 йил майида Андижонга Туркистон Марказий Ижроқўми, Халқ Комиссарлари Советининг фавдулодда комиссияси келади. Бу нуфузли, ваколати катта орган Халқ Комиссарлари Советига К.Е.Сорокин раис, Турор Рыскулов, Сайдулла Турсунхўжаев, Ҳаққул Ҳусанбоев аъзо эди. Комиссия ташаббуси билан Жоме масжидидаги катта митингга инқилобий комитет сайланди. Шундан шўролар ҳокимияти сиёсатида Андижон уездида кескин бурилиш бошланди. Бунинг маъноси шу эдики, ҳокимият органига кўплаб маҳаллий аҳоли вакиллари жалб этиладиган бўлди, босмачи тўдаларининг совет ҳокимияти томонига ўтиши бошланди. И.Хидиралиев инқилобий комитет томонидан мусулмонлар армияси штабининг котиби этиб тайинланади. Июнь охирида бу штаб тугатилади. 1919 йил 1 июлда Андижон уезд-шаҳар инқилобий қўмитасидаги миллатлар бўйича бўлимнинг турк шўбасига мудир қилиб тайинланади.

Ўша йил 26 июлда И.Хидиралиев коммунистларнинг умумий йиғилишида фавқулодда комиссияга сайланади. У вақтда партия ташкилотлари аҳолининг миллий таркибига қараб тузиларди. Андижоннинг янги шаҳар қисмида европалик аҳоли учун алоҳида партия ташкилоти, эски шаҳардаги мусулмон аҳолиси учун алоҳида партия ташкилоти тузилганди. Эски шаҳардаги коммунистлар мусулмон фракция-

сида Маҳмудбек Битбеков, Мухтор Олимов, Қўчқор Олимов, Санжарбек Қосимбеков, Жумабек ҳожи Парпибоев, Ёқубжон Исақулов ва бошқалар фаолият кўрсатган. Ерли аҳоли вакили сифатида у Андижон фавқулодда комиссиясида коллегия аъзоси бўлиб хизмат қилади. 1919 йил июнида революцион комитет қарори билан И.Хидиралиев мусулмон ҳарбий қисмлари штабидида котибликка тайинланади, июлида эса уни партия ишига ўтказишади. Энди у уезд-шаҳар партия комитетининг мусулмонлар секциясига мудирлик қилади.

Туркистон Компартиясининг ўзида ички партиявий кураш кучайган, турли хил фикрлар тўқнашуви бўлаётган эди. Бундай ҳолат Бокудаги Шарқ халқлари I съездида ҳам кузатилган эди. Бу ҳақда Иномжон Хидиралиев Туркистон Компартияси VI съездидаги чиқишида рус тилида шундай деган эди: «... Я хотел отметить неустойчивость и неопределенность линии Рыскулова. Для совершения перелома над мелкобуржуазной с одной стороны и колонизаторской с другой идеологиями надо было созвать V съезд истинных пролетариев, а для этого надо было устранить элементы возглавляющие эти идеологии.

Вот это уstraшенная мусульманская так называемая мелкобуржуазная интеллигенция собралась в Баку вокруг Рыскулова (их было около 200 коммунистов) и подняли целую бугаду на съезде. Жалуясь на политику в Туркестане и чуть не сорвали этот мировой съезд, на котором пролетариат всего Востока давал демонстративный отпор мировой буржуазии. Когда же их надежды не оправдались, когда им московские товарищи сказали, что в Туркестане есть Турккомиссия, с которой они могут и разобраться, главари этой группы обращаясь из Баку на станцию Самарканд определенно агитировали говоря, что мы знаем теперь что такое Москва и что такое Ташкент, и нам единственной опорой может явиться Ферганское басмачество, путем усиления которого мы достигнем своей цели. Правда, тогда я в Баку физиономию Рыскулова точно определить не мог, ибо он держал себя очень осторожно. Но в Москве перед X съездом РКП (б) на совещании Рыскулов определенно



обвинял и Турккомиссию и ЦК КПТ в том, что «Вы в Туркестане проводите красный империализм», а со стороны призывал к пантуркизму. А сегодня тов. Рыскулов говорить, что между нами и политикой V съезда (Компартии Туркестана – Р.Ш.) никаких разногласий нет...»¹

Иномжон Хидиралиев Туркистонга Ленин томонидан юборилган ва Туркистон fronti қўмондони этиб тайинланган Михаил Васильевич Фрунзе билан бир сафда ишлаган. Бу ўзбек арбоби СССР Ҳарбий Революцион Совети аъзоси, «Военная мысль и революция», «На аграрном фронте» номли Иттифоқ журналининг таҳририят аъзоси бўлган. Бу журналларда ва «Правда», «Известия» газеталари саҳифаларида И.Хидиралиев ўзининг хилма-хил публицистик мақолалари билан чиқиш қилиб турган. И.Хидиралиев Андижон уезд-шаҳар партия комитетининг масъул секретари, Султонобод партия комитети ва район революцион комитети, Фаргона област партия комитети раиси лавозимида ишлаётган даврида М.В.Фрунзе билан кўп марта учрашган ва бирга бўлган. 1925 йили М.В.Фрунзе вафот этиши муносабати билан Иномжон Хидиралиев унинг мотам маросимида нутқ сўзлаган. Нутқни айнан рус тилида келтирмоқдамиз: «Из личных моих наблюдений, когда я еще был работником областного масштаба, могу засвидетельствовать будучи умелым руководителем Красной Армии Михаил Васильевич в то же время был талантливым национальным политиком и помню когда нужно было разоружить ранее сдавшуюся банду Ахунджана, не менее 100 чел., тов. Фрунзе несколько раз приезжал не только в Фергану, но в самый Андижан, где советовался с местными работниками и произвел разоружения только после того, как уговорился с местными товарищами о том, что эта банда вредна, что ее нужно ликвидировать и изолировать от местного населения. Теперь разрешите в нескольких словах передать Вам мои личные впечатления о товарище Фрунзе по совместной работе в Революционном Военном Совете СССР.

Товарищ Фрунзе состоял тогда командующим войсками Украинской республики, членом



Москва. 1924 йил. Неглинная кўчаси, 8-уй. Туркистон АССРнинг РСФСР ҳукуматидаги мухтор ваколатхонаси. Ваколатхона раиси Иномжон Хидиралиев. Ушбу суратда И.Хидиралиевнинг аёли, ўғли Акбар, қизи Маҳфиратхон ўқитувчисининг кучоғида

Реввоенсовета и не был еще назначен заместителем председателя реввоенсовета. Но и тогда уже он принимал деятельное участие в строительстве Красной армии. Я не помню ни одного заседания Пленума Реввоенсовета, где бы не участвовал М.В.Фрунзе и где бы не занимал решающую позицию в разработке вопросов, касающихся строительства Красной Армии.

Когда тов. Фрунзе был назначен заместителем председателя реввоенсовета, это совпало с тяжелой болезнью председателя и товарищ Фрунзе все время сам лично руководил всей работой реввоенсовета и следовательно нес всю тяжесть работы по строительству Красной Армии, по организации военного аппарата сверху донизу.

Мы всегда имели доступ к Михаилу Васильевичу и по таким вопросам, как например принятие какого либо узбека в высшую военную академию...»²

1922 йил 12 майдаги Туркистон Компартияси Марказий Комитети Пленумида иштирок этаётган Марказнинг вакиллари Ш.З.Элиава, С.И.Гусев, Г.К.Орджоникидзе олдида Туркистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси Иномжон Хидиралиев Марказдан келган ва фаолият кўрсатаётган Туркистон Комиссияси аъзоларининг ўлкадаги маҳаллий шароитни эътиборга олмасдан, миллий кадрларнинг фикрлари билан ҳисоблашмасдан, ҳаддан ташқари инқилобий шиорлар билан машгул бўлиб совет ҳо-

¹ РГАСПИ. Фонд 61, опись 1, дело 40, листы 22 – 23.

² ЎзР ПДА. 86-фонд. 1-руйхат, 171-иш, 15-варақ.



Чалдан биринчи. Ақром Хидиралиев, офицер,
Орёл-Курск ёйида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

кимиятини мустаҳкамлаш ва «босмачилар»ни тугатиш ишига маълум зарба бераётганлигини, Турккомиссиянинг айрим аъзолари томонидан йўл қўйилаётган хатоликларни дадиллик билан айтган эди: «... Дальше нужно отметить безобразие в отношении оскорбления шариата, медресы превращаются в казармы, похороны погибших с басмачами происходят без религиозных обрядов. Все это вызывает возмущение местного населения. Заявление работников о том, что это порождает возмущение туземцев (местного населения – Р.Ш.), вызвали обвинения в национализме и преследование, по этому они вынуждены были уйти от советской власти к басмачам ... Нужно отметить, абсолютное недовольство не только к коренному населению, но и ответственным работникам. Местные полки созданные для борьбы с басмачеством были расклассированы. Тов. Зиновьев даже объявил, что он не дает не одной винтовки туземному населению для борьбы с басмачеством. Затем имя Петерса (Ян Христович – Р.Ш.) приобрело в Туркестане определенное известность. Отряд Петерса зарубил пашками 130 человек мирных жителей, тоже самое в Андижанском уезде. После ухода басмачей были вырезаны 45 человек мирных жителей. В то же время, когда отряд Петерса занимал такими действиями по распоряжению тов. Эйхманца

в политотделе были заведены дела на ответственных работников. Это известно Ташкенту и Центру. Теперь политическими уступками мы расплачиваемся за сделанные тогда ошибки. С басмачами мы будем воевать, а населению делаем уступки, чтобы искупить прежние ошибки. Населения уже не сочувствует к басмачам, а сочувствует нам...»³

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши-ни ўтказиш, Ўзбекистон ССР ташкил этилиши-да ҳам И.Хидиралиев фаол иштирок этган.

Москвадан 1924 йил 1 октябрда РКП (б) Марказий Комитетининг Бухоро Халқ Совет Республикасидаги мухтор вакили, СССР Ташқи ишлар вазирлигининг Ўрта Осиё ва Ўзбекистон бўйича вакили А.А.Знаменскийнинг РКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси раиси ўринбосари номига йўллаган «Ўзбекистон учун кадрлар танлаш тўғрисида»ги хатида бўлгуси Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети раислигига номзод қилиб Иномжон Хидиралиев, унга муқобил номзод қилиб эса Бухородан Порсо Хўжаев номзоди, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раислигига Файзулла Хўжаев номзоди кўрсатилганини хабар қилганди.² 1924 йил 18 октябрда Файзулла Хўжаев раислигида Ўзбекистон инқилобий қўмитаси тузилди, унинг аъзоларидан бири янги республика ер-сув ишлари халқ комиссари И.Хидиралиев эди. Инқилобий қўмита Ўзбекистон Советларининг Биринчи қурултойи тайёрлади ва бу қурултой ўтказилди. Айни вақтда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи съезди ҳам бўлиб ўтди. Ҳар икки қурултойда И.Хидиралиев қурултой вакилларининг нутқларини ўзбекчадан русчага, русчадан ўзбекчага таржима қилиб турди.

Советлар қурултойида Марказий Ижроқўм раислигига номзод кўрсатишда гуруҳлараро кураш юзага келади. Зарафшон ва Тошкент вилоятлари вакиллари И.Хидиралиев номзодига қарши чиқиб, ахир И.Хидиралиев Туркистон Республикаси Марказий Ижроқўми раиси бўлган-ку, янги Ўзбекистонга яна уни давлат бошлиги қилиб кўтариш мақсадга мувофиқ эмас деган маънода баҳслашадилар. Вазиятни фаҳмлаган И.Хидиралиев ўз номзодини раисликка

³ РГАСПИ. Фонд 61, опись 1, дело 26, листы 42 – 43.



Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш масаласига бағишланган кенгаш. Чапдан ўнгга. Ўтирган В.Иванов, 2-Абдулла Раҳимбоев, 4-Иномжон Хидиралиев (дупплик), 5-Файзулла Хўжаев, жағини ушлаб турган, телпаклик Қори Йўлдош Пулатов ва бошқалар. Тошкент. 1924 йил

қўймасдан қайтариб олади, М.И.Калининга бу лавозимга бошқа бир шахсни қўйишликни тавсия қилади. Шунда М.И.Калинин: «Сиз, ўртоқ Хидиралиев, фарғоналиксиз, фарғоналиклар сардорисиз, Ўзбекистон давлат бошлиғи лавозимига деҳқонлар ҳаётини биладиган айти Фарғонадан номзод топиш керак, бу ишни сизнинг ўзингиз уддалайсиз», – деб айтади. Шунга мувофиқ И.Хидиралиев қурултой вакиллари-дан бири, Маргилон уезди «Қўшчи» уюшмаси раиси Йўлдош Охунбобоев номзодини кўрсатади. Таклиф М.И.Калинин ва қурултой аҳлига маъқул бўлади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети раислигига Йўлдош Охунбобоев сайланади. И.Хидиралиев эса ЎзССР давлати ва ҳукумати таркибига республика ер-сув ишлари халқ комиссари сифатида киритилади.

Бухорода бўлиб ўтган партия ва Советлар қурултойлари гуруҳбозлик руҳида ўтганлиги РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленскийнинг И.В.Сталинга ўша кунлари ёзган баённомасида ҳам ўз ифодасини топганди. Марказқўм ва унинг аппаратини тузиш чоғида оқимлар, гуруҳларнинг ўзаро кураши юз берган, Файзулла Хўжаев билан Абдулла Раҳим-

боев ўртасида таъсир доираси борасида кураш кетган. «Сўллар» аппаратни эгаллаб олиш учун курашадилар. А.Раҳимбоевга ҳам қарши турдилар. Улар, айти вақтда, И.Хидиралиевга ҳам қарши курашганлар.

Қуйида Париждаги «Дни» газетасининг 1923 йил 28 октябрь, 4 ноябрь ҳамда 9 ноябрь сонларида эълон қилинган И.Хидиралиев номи билан боғлиқ иккита, Фарғона водийсидаги халқлар ҳақидаги битта хабарни келтиришни лозим топдик.

ФЕРГАНА В РАЗВАЛИНАХ

Выборг, 26 октября (Соб. корр.)

Официальная комиссия, обследовавшая положение Ферганской области, представила следующий доклад СТО (Совет труда и обороны): «Ирригационная система Ферганы, являющаяся основой земледельческого хозяйства, разрушена местами до 70%. Отсутствие надзора, ремонта, ветхость основных сооружений, запущенность и засоренность каналов свели орошаемую площадь до 315 000 десятин вместо 980 000 дес. В текущем году весенние паводки разрушили головные сооружения, давно не ремонтировавшиеся, и затопили несколько десятков тысяч десятин, совершенно уничтожив посевы. Целые районы за разрушенностью распределительных резервуаров лишились воды и 150 000 десятин погибли из-за отсутствия воды. В 1923 году 80% орошаемой земли осталось незасеянной. Земледельцы, распродают на базарах имущество и часть скота, переселились в китайский Туркестан. Сейчас обеспеченность населения хлебом достигает лишь 1/10 фунта в сутки на едока. Уезды Наманганский, Андижанский, Кокандский и Маргеланский объята сплошным голодом. По данным Туркестанского ЦИКа в настоящее время буквально голодает 480 000 человек, а нуждающихся в правительственной помощи достигло до 635 000 человек. Хозяйственные органы области не функционируют, предприятия заброшены, госторговля отсутствует. Налоговые поступления сократились на 95%. Местная власть не в состоянии бороться с разрухой края и не проявляет должной инициативы в борьбе



с голодом и с разрухой. Смертность среди голодающих достигла 20%, а среди малолетних 50%. Приютов и общественных столовых даже в крупных населенных пунктах не имеется, один врач приходится на 80 000 человек местного населения. Хлопковые плантации сохранились только в 15% против 1914 г. В заключение доклад предлагает срочно принять ряд энергичных мер к восстановлению хозяйственной жизни Ферганы и повести борьбу с голодом и его последствиями на планомерных началах, командировав в Фергану из центра ответственных хозяйственников во избежание полного умирания области.

Дни. Париж. 1923 г. 28 октября

СОВЕТИЗАЦИЯ ТУРКЕСТАНА

Туркестан, а в особенности, Фергана непочатый край сказочных богатств. При старом режиме началась было разработка огромных естественных богатств этого далекого и забытого края.

«Великий Октябрь» оборвал на первых же шагах этот путь использования щедрой природы. Прошло шесть долгих лет – и вот что получилось. Председатель Туркестанского ЦИКа Хидыр-Алиев рассказывает сотруднику «Известий»:

«Громадные богатства, напр., медные, свинцово-серебряные и другие руды совершенно не разрабатываются. Ценнейшие месторождения радия, имеющие мировое значение, только недавно начаты разработкой. Недостаточно (!) высоко поставлена культура единственного в мире лечебного растения – сантонина, а также культура опия».

А вот, как работает добывающая промышленность, в свое время налаженная: нефти добывается 1 200 000 пудов против 7 миллионов мирного времени, угля – 4 миллиона вместо 12-ти.

Что касается хозяйства, то общий баланс составляет всего лишь 30 до 35% баланса 1915 г. (это уже не «довоенное время»), между тем на каждого плательщика государственных налогов в сельских местностях Туркестана приходится 2 руб. 8 коп. против 2 руб. 95 коп. мирных лет, т.е. сумма налогов упала на 30% при падении сельскохозяйственного баланса на 70%, и сам председатель ЦИКа вынужден признать это обложение «чрезвычайно тяжелым».

Туркестанский Калинин пытается убедить своего доверчивого собеседника, что «сельское хозяйство – на пути к расцвету» (даже – к расцвету!), но сам спохватывается и просит не «обольщать себя надеждами на возможность быстрого его восстановления»: ведь, в одной только Фергане 280 000 голодающих, да и 70% скота погибло, на пять хозяйств – одна лишь лошадинка, а, к тому же, посевная площадь сократилась ... вдвое («на пути к расцвету»!).

С дензнаками тоже плохо: просим 33 миллиона, ассигновали 11, а дали – 3, и на будущий год не прибавляют ни копейки. Приходится экономить. На чем? Естественно на школах: в 1921 г. их было 2680, а ныне – 1708.

Бытовая картина тоже недурна: голодная милиция занимается поборами, судьи нищенствуют и, очевидно, работают соответственно получаемому содержанию, т.к. на почве «бедственного положения судебного аппарата» развиваются суды, действующие «на основании религиозных (очевидно, комсомол работает плохо) и бытовых традиций».

Словом, советизация идет полным ходом.

Дни. Париж. 1923 г. 4 ноября

СУРОВАЯ ДЕЙСТВИТЕЛЬНОСТЬ ТУРКЕСТАНА

Камни заговорили ... О тяжелом положении Туркестана мы писали уже давно, а теперь это подтверждает такое официальное лицо, как председатель ТурЦИКа Хидыр-Алиев.

От его доклада третьей сессии ВЦИКа 1 ноября делается жутко. В Туркестане хозяйственная разруха и голод. Последний особенно сильно ощущается в Фергане, где в нынешнем году засеяно только 270 тыс. десятин против 886 тыс. засеянных в 1915 году. Совершенно без посевов осталось в Фергане 280 000 человек. Правда, советских служащих сократили с 95 000 на 16 000 человек. Но из 3000 больничных коек, переведенных на местные средства, не функционирует ни одна. Из 700 000 туземных детей школьного возраста в школах обучаются сейчас во всем Туркестане только 31 000, т.е. одна двадцатая часть.

Хидыр-Алиев просил оказать помощь.

Дни. Париж. 1923 г. 9 ноября



«ПАРАНЖИ» НИМА?

(Бир кийим тарихидан)

М.М.ИСҲОҚОВ, тарих фанлари доктори,
Б.С.ҒОЙИБОВ, тарих фанлари доктори

Тарихдан маълумки, ҳар бир кийимнинг келиб чиқиш тарихи ва ўз номи бор. Баъзи ҳолларда унинг номланиши қисман бузиб бошқачароқ талқин этилган ва шу асосда вужудга келган вақти ҳам нотўғри даврлаштирилган. Жумладан, «паранжи» кийимининг ҳам айнан қандай маъно англатиши ва унинг тарихи борасида аниқ бир тўхтамга келинмаган. «Паранжи» атамасининг қайси тилдан олинганлиги ва унинг Марказий Осиё халқлари ҳаётига кириб келган даврини аниқлаш муҳим масаладир.

«Паранжи» тўғрисида махсус тадқиқот йўқ. Соҳага оид луғат ва энциклопедияларда мазкур сўзни арабча *فرجية* – фаражийя, яъни «кенг кўйлак» деб келтириб, унинг араблар даврида Марказий Осиёда тарқалганлиги таъкидланади ва унга қуйидагича таъриф берилади: «... исломда одатга кирган аёллар ёпингичининг ўзбеклар ва тожиклар орасида тарқалган тури. Аёлларнинг гавдасини, юз-кўзини яшириб туришга хизмат қилган. «Паранжи» уйдан ташқарида ёпинилган. Паранжининг олд томони тўрсимон чачвон (чиммат, тожикча, чашмбанд – кўзтўсар) билан беркитилган».¹

М.Асомиддинова «паранжи» сўзи арабча *фаражия, фарожат* сўзидан олинган бўлиб, атама арабларда дин аҳллари, уламолар, султонларнинг қимматбаҳо матодан кенг қилиб тикилган устки кийими эканлигини таъкидлаб, Ватанимизда яшовчи уйғурларнинг айрим этник гуруҳлари орасида яқин ўтмишгача *перезе* номи билан юритилган мазкур кийим эркакларнинг энги узун кийими бўлганлигини келтиради. Олима паранжи атамасини туркманлардаги *пўренчек // бўрунчак – бурканмоқ* феълига боғлашга ҳаракат қилади ва далил сифатида «Девони луғотит турк» асарида учрайдиган

бўрунди – кийди, бурканиб олди, ёпинди феъллини келтиради. Айни тадқиқотчи этнограф Н.П.Лобачеванинг фикрлари асосида қуйидагиларни келтиради: «қадимда уст кийим вазифасини ўтаган туркманча *пўренчек* кейинчалик кийимлик вазифасидан чиқа бориб, оддий бир ёпинчикқа айланиб, унинг енглари ингичкалашиб, оддий бир безак ҳолатига кирган. Унинг ўмизи (енг ўрни, енг ўтказиладиган ўйма) танага тикилиб, қўлтиқ қисмидаги қулпаги сақланган ва шу шаклдан паранч(ж)и келиб чиққан».²

Бизнингча, «паранжи» сўзининг морфологик таркиби уни арабча ёки уйғурча талқин қилишга имкон бермайди. Зеро, бу сўз икки қисмдан иборат: биринчи қисми *par-* [пар-]. Этимологик жиҳатдан *par-* > *ipari*. Яъни қадимги эроний, хусусан, қадимги форс тилида *ipari* – «устигади», «бирор нарсанинг устига ишорат» қилувчи олд кўмакчи маъносига эга. Бу кўмакчи биз таҳлил қилаётган «паранжи» сўзида шакллантирувчи компонент вазифасини ўтаган. Сўзнинг иккинчи қисмидаги *-anj* [-анж] ўрта эроний тиллардан бири сугдий тилли ёзма ёдгорликларда икки хил орфографик шаклда: бири *'unc*, иккинчиси *unch* шаклида «аёл» маъносида³ Муг тогидан топилган сугд ҳужжатла-

² Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.49.

¹ Исмоилов М., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.322; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. Т.6. – Б.681.

³ Аслида, «аёл» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, тахминан «оила одами» («аҳли оила») маъносига тўғри келади. Бу ҳақда Қуръонда ҳам келтирилган. Масалан, Оли Имрон – Имрон оиласи.



ри архивининг Nov 3, Nov 5, A-5 рақамли ҳужжатларида учрайди.⁴

-у^{нс} сўзи ёшга нисбатан аёл кишининг вояга етган босқичини кўзда тутди. Турмуш қурган босқичдаги аёл суғдий манбаларда *vaδi(h)* [ва-дух] деб кўрсатилган.⁵ Бу сўздаги -*th*- олд қатор тиш оралиги сиргалувчи товушдир. Бу товуш ҳозирги эроний тилларда -*δ*- товушига мос келади. Сўз охиридаги -*h* грамматик аёллик жинсига ишорат қилади.⁶

-у^{нс} сўзининг ишлатилиш доираси, фикримизча, кенгроқ бўлган. Масалан, чорванинг ёшига нисбатан ҳам ишлатилади. Ургочи қорамолнинг биринчи ёши *бузоқ*, иккинчи ёши *аўнажун* дейилади.⁷ Бу сўздаги ўзак қисми *гўнан*-, яъни икки ёшли ҳайвон демакдир. Бунга тарихий -у^{нс} [инж-], аёлликка (ёки ургочиликка) ишорат қилувчи сўз қўшилганда *аўнан*- сўзининг охиридаги -*н*- товуши тушиб қолган. Натижада *аўнажун* шакли барқарор лугат бирлигига айланган.

Мазкур мулоҳазалардан кейин *паранжи* сўзига қайтиб, бу сўзнинг икки қисмдан иборатлигини кўриш мумкин. Бу эса сўзнинг арабча эмас, балки суғдий асосга эга эканлигини кўрсатади. Яъни «паранжи» аёлларнинг устки кўчалик кийими демакдир. Тарихий, хусусан, археологик манбаларда аёлларнинг паранжи кўринишидаги кийимда тасвирланган намуналари мавжуд. Масалан, эфталлийлар даврига (V – VI асрлар) оид Болаликтепа (Сурхондарё воҳаси) ёдгорлиги деворий суратларида зиёфат манзарасида иштирок этаётган аёлларнинг елкасига ёпилган енгсиз парчабоф матодан тикилган кийим айна биз кўзда тутган паранжининг ўзидир (Қаранг: 1-, 2-, 3-, 4-, 5-расмлар).

Дарвоқе, паранжи шаклидаги устки кийим билан Европа македониялик Искандар даври-

дан бошлаб таниш. Бунга қадар Европада ёпингич кийим учрамайди. Римни вайрон этган варварларга бу каби кийим бегона. Қадим карвон йўллари, кейинчалик Буюк ипак йўли амал қилган даврлардан бошлаб Европада ипак матодан тикилган елкага ёпиб кийиладиган от минган ҳолда отнинг сарисини ёпиб турадиган ёпингич кийим пайдо бўлди. Фикримизча, шу даврдан бошлаб *паранжи* сўзи ҳам Европага таниш бўлган. Бу сўз кейинчалик *fringues* (кийим-кечак, уст-бош)⁸ шаклига кирди. Бироқ сўзнинг луғавий изоҳи «французларга тегишли» *fringues* сўзига тасодифий ўхшашлиги сабабли асл маъно Европада унутилган. Қолаверса, Европада ўрта асрларда эркакларнинг кенг маълум бўлган расмий кийимларидан бири френч деб аталгани ҳам бежиз эмас.

Демак, тожик ва ўзбек тилларида ҳозиргача мавжуд⁹ бўлган «паранжи» сўзига ўзбек тили изоҳли лугати ва турли бошқа лугатларда берилган изоҳлар этимологик жиҳатдан ўзини оқламайди. Чунки бу сўзнинг негизиди суғдий асос бор.

Паранжининг аёллар кўчалик устки кийими маъносидаги вазифаси Ўрта Осиёда ислом маданияти доирасида ўзгаришга учраган. Бунга аёлларнинг эркаклар жамиятидан ажратилиши сабаб бўлган. Паранжи аёл кишининг очик юзини кўрсатмаслик шартига биноан елкадан бошга кўтарилиб, аёл юзининг «номаҳрам» назаридан беркитилишига хизмат қила бошлаган. Шу сабабли «паранжи» деганда бошга ёпиладиган енгсиз кийим тушуниб келинади. Ҳозирда ҳам Ўзбекистондаги баъзи вилоятларда аза маросимларида паранжи ёпинишади. Лекин бугунги жамиятда аёлларнинг эркинлиги таъминлангани сабабли паранжи асосан тарихий-этнографик реликт (лот. *relictum* – қолдиқ) сифатида музейлардагина қолди.

⁴ Согдийские документы с горы Муг. Вып. II / Чтение, перевод и комм. В.А.Лившица. Юридические документы и письма с горы Муг. – М., 1962. – С.21, 23, 181; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб., 2008. – С.257; Исхоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.44 – 45; Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. – Teheran: Farhang Publications, 1995, XLII. – P.87.

⁵ Согдийские документы с горы Муг. Вып. II... – С.29; Исхоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.45.

⁶ Gershevitch I. A grammar of Manichean Sogdian. – Oxford, 1954. – I – X, 2-ed. – Oxford, 1961. – P.73 – 79.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. Бешинчи жилд. – Б.460.

⁸ Fransuzcha-o'zbekcha lug'at. Dictionnaire francais-ouzbek. – Тошкент: IFEAC, 2008. – Б.238.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. Учинчи жилд. – Б.218; Фарҳанги тафсири забони тоҷикӣ (ибораи 2 ҷилд). ҶИЛДИ 2 (О-Я). – Душанбе: Пажӯишгоҳи забон ва адабиёти Рудаки, 2008. – С.42.



1-расм
Болаликтепа. Жанубий девор.
3-гурух. 6-, 7-, 8-фигуралар



2-расм
Болаликтепа. Жанубий девор.
4-гурух. 9-, 10-, 11-фигуралар



3-расм
Болаликтепа. Жанубий девор.
2-гурух. 4-, 5-фигуралар



4-расм
Болаликтепа. Шимолий девор.
2-гурух 24-, 25-, 26-, 27-, 28-, 29-фигуралар



5-расм
Болаликтепа. Шимолий девор.
3-гурух. 30-, 31-фигуралар

Тақризчи: т.ф.д., проф. Ш.Камолиддин



XX АСР БОШИДА АНДИЖОН ТАЖРИБА МАЙДОНИНИНГ ЎЛКАДА ЯНГИ ЭКИН НАВЛАРИНИ ТАРҚАТИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ж.Ш.Ҳайитов, БухДУ таянч докторанти

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигини интенсив асосда йўлга қўйиш, пахтачилик, дончилик, мевачилик, полизчилик ва сабзавотчиликда инновацияларни қўллаш давр талаби бўлиб қолмоқда. Юртимиздаги иқлимий имкониятлар ва географик муҳитнинг деҳқончилик ва богдорчилик учун қулайлиги исбот талаб қилмайди. Ҳозирда экологик таъсирларга бардошталаб янги экин навлари ва турларини яратиш, чидамли ўсимликларни танлаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

«2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да: «2016 – 2020 йиллар давомида бошоқли дон етиштириш ҳажми 1195,0 минг, картошка 931,0 минг, сабзавотлар 3002,2 минг, мевалар 648,6 минг ва узум 273,9 минг тоннага кўпаяди ва бу мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга замин яратади... илгор агротехнология, техника, машиналар ва сугоришнинг замонавий усулларини қўллаш натижасида экинлар ҳосилдорлигини пахтада 26,1 дан 26,9 ц/га (+0,8), бошоқли донларда 54,9 дан 66,4 ц/га (+11,5), картошкада 218,9 дан 230,5 ц/га (+11,6), сабзавотларда 277,1 дан 224,0 ц/га (+16,9), меваларда 123,9 дан 140,4 ц/га

(+16,5), токзорларда 126,7 дан 137,1 ц/га (+10,4) ошириш кўзда тутилган. Кўрсатилган йилларда картошка майдонини 36 минг, сабзавотлар майдонини 91 минг, интенсив боглар майдонини 18 минг, озуқа экинларини 50,3 минг, мойли экинларни 14 минг ва узумзорларни 112 минг гектарга кенгайтириш режалаштирилган» [2. 130].

Мазкур эзгу мақсадларни амалга оширишда республикада бир қатор илмий марказ ва махсус институтлар, уруғчилик ва мевачилик тажриба станциялари фаолият юритмоқда.

Ушбу кичик тадқиқотда XIX аср охири – XX аср чегарасида Туркистон ўлкасида «Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси» (ТҚХТС) ва унинг тасарруфида вужудга келган Андижон тажриба майдонининг фаолияти ҳақида фикр юритилади. 1899 йили Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази – Тошкент шаҳрида ТҚХТС ташкил этилиб, ўлканинг вилоят ва уездларида 1900 – 1908 йилларда тажриба майдонлари ҳамда тажриба участкалари фаолият юрита бошлади. XX аср бошида генерал-губернаторликнинг бешта вилоятида (Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Каспийорти, Еттисув – Ж.Ҳ.) бешта тажриба майдони ва бешта тажриба участкаси фаолият юрита бошлаган.

XX аср бошларида ўлканинг Дашт чўл, Андижон, Кушка, Ашхобод, Жиззах, Ўратепа, Жували, Кўгарт, Копаль шаҳар ва уездларида тажриба майдонлари ҳамда участкалари мавжуд эди. Тажриба майдонлари учун махсус ер



фондлари ажратилганди. Улар олдига ўлкада пахта ва бошқа экинларнинг янги навларини иқлимлаштириш, кўчатзор (питомник)лар ташкил этиш, ҳар бир экин учун талаб қилинадиган сув сарфини аниқлаш, тупроқ таркибини ўрганиш, ўғитлар ва уларни ҳар бир экинга қўллашни тажрибадан ўтказиш, алмашлаб экишни синаш, мунтазам илмий-метрологик кузатишлар олиб бориш, фенологик кузатиш (мавсумий ўзгаришлар), қишлоқ хўжалигига янги техника ва машиналарни жорий этиш, экинлардаги касаллик ва зараркундаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш каби кўпдан-кўп вазифалар юклатилган [4. 122; 6. 48-49].

Андижон тажриба майдони ТҚХТСдан икки йил кейин (ТҚХТС 1898 йили ташкил топган – Ж.Х.), 1900 йили очилиб, дастлаб унга ажратилган ер майдони 4 десятина (1 десятина – 1,09 гектар – Ж.Х.)ни ташкил этган, ушбу ер участкаси беҳи, нок, ўрик, гилос каби мевазорлардан иборат бўлган. 1912 йилга келиб ушбу қадимий мевали дарахтлардан фақат 50 донаси тажриба майдонида сақланиб қолган. Тажриба майдони дастлаб пахтачилик тажриба майдони сифатида вужудга келган, унинг зиммасига асосан Америка ва Миср пахта навлари экишни синовдан ўтказиш вазифаси юклатилганди. Тажриба майдонида 5 нафар Европа миллати вакиллари фаолият юритар, 1906 йилга келиб унга ажратилган ер майдони 27 десятинага кенгайтирилганди. Андижон тажриба майдонида бўлим бошлиғи хонаси, лаборатория бўлими, янги техника сақланадиган омборхона, деҳқончилик илмига оид китоблар сақланадиган хоналар ташкил этилган [5. 452].

Андижон тажриба майдонига Тошкентдан ТҚХТСдан нок ва олма ҳамда қароли ва ўрикнинг янги навли кўчатлари келтирилиб, янги шароитда иқлимлаштириш ишлари 1906 – 1907 йилларда кенг йўлга қўйилган. Айниқса, нок ва олманинг бир йиллик, икки йиллик

кўчатлари олиб келиниб парваришланган. Серҳосил, пакана (карлик) мевали дарахтлар Европа, Россия, Крим, Кавказ навларининг кўчатхоналарини яратиш устида станцияда ибратли тажриба-синов ишлари олиб борилган. Андижон тажриба майдонида олманинг 20 дан ортиқ янги нави, нокнинг эса 18 та нави тажрибадан ўтказилган, уларнинг кўчатлари ижарачи деҳқонлар ва «ҳаваскор богбонлар» орқали Фарғона вилояти хўжаликларига тарқатилган. Жумладан, олманинг Кальвиль Красный Зимний, Астраханское Красное, Желтый Бель Флерь, Зимний Золотой Пармень, Доктор Фиш, Кандиль Синап, Астраханское белое, Апорт, Апи Розовое, Ренет Орлеанское, Ренет Канадский, Петинь Ньютона, Ренет Семеренко, Ренет Бреда, нокнинг Дюшес де Ангулем, Маргарита Марина, Жозефина Михельнская, Деканка Зимняя, Доктор Жюль Гюйо, Айдего, Пасс-Кольмар, Масляная Напольон, Оливе Десерр, Бергамот Эсперена, Пасс Кольмар, Масляная Древосветная, Бере Диль каби Европа навлари тажриба станциясида парваришланган [3. 60].

Андижон тажриба майдонида етиштирилган олма ва нокнинг янги навлари 4-5 йилда ҳосил бериб, улардаги ҳар бир тупдан 7 пуддан 10 пуд (1 пуд – 16 кг)гача ҳосил олинган. Об-ҳаво гармселли, мевачилик учун ноқулай келган йилларда ҳосилдорлик 2-3 баробарга пасайиб, ҳосил чўғи ҳар тупдан 3 – 5 пудга тушиб қолган. Станция лабораториясида экин навларига тушадиган касалликларни барта раф этиш борасида кузатув-тажриба ишлари олиб борилган. Тажриба станцияси ўз эҳтиёжи учун бир қисм маблагларни ўзи топиши керак эди. Шу мақсадда бир қисм боглар (асосан ўрик ва беҳизорлар – Ж.Х.) деҳқонларга ижарага берилган. 1910 – 1912 йилларда тажриба станция ер участкасида энг юқори ҳосил олманинг Ренет Семеренко, нокнинг эса Любимица Клаппа навларидан олинган бўлиб, бу ҳар бир дарахтдан 10 – 12 пуд (160 – 192 кг)ни



ташкил этган. Станциянинг ижарага берилган ҳудудидан 60 рубль даромад олинган, 1908 йили 860 сажен ер майдонида етиштирилган турли навдаги олма ва нокдан 37 руб. 50 коп., 1909 йили 120 руб. 17 коп., 1910 йили 140 руб. 49 коп., 1911 йили эса 403 руб. 0,3 коп. ҳисобида фойда олинган [3. 62; 63].

Андижон тажриба майдонида узум кўчат-зорларини ташкил этиш 1907 йилдан бошланган. Мурғоб ҳамда Байрамалидан маҳаллий ва Европа навли узум кўчатлари Андижонга олиб келиниб, 1460 кв/сажин майдонда 781 та узум кўчат тупи ўтказилган, шундан 243 тупи вино олинадиган Европа навлари бўлган. Узумнинг Каберне Совинионь, Мускат Венгерский, Пти-Вердо, Рислингъ, Саперани, Гре-Вердо, Мадера Верснал, Лакрима Кристи, Педро Клименсь, Бордо, Португизарь каби Европа навлари ҳамда 438 туп Хусайни, Маска, Ҳалилий, Оқ кишмиш, Беҳишти, Султони, Шакараки маҳаллий навлари кўчатларини тажриба станцияда учратиш мумкин эди. Узумнинг маҳаллий ва Европа навларидан юқори ҳосил олиш учун кўрилган чора-тадбирлар, қўлланилган агротехник воситалар кутилган натижани берган.

Андижон тажриба майдони қошида 1905 йили Фаргона вилоятини замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун Тошкент омборхонаси бўлими очилган. Омборхонага плуг, белўроқ, ўроқ машиналари, айникса, Аксай плуглари, «Диринг», «Маккорлик» ўроқ машиналари кўплаб олиб келинган.

Андижон омборхонаси Фаргона вилояти уездларига замонавий техника етказиб бера бошлаши билан уларнинг нарх-навоси анча пасайган. Жумладан, иккита отга қўшиладиган плуг 30 рублдан 17 – 18 рублга, дон совуриш машинаси 55 – 60 рублдан 45 – 47 рублга, бричка (4 гилдиракли арава) 160 – 170 рублдан 140 – 150 рублга, юритгичлар 130 – 140 рублдан 100 – 120 рублга тушган. Ҳолбуки, бу техникаларни деҳқонлар 10 – 20 фоиз қиммат нархда

хусусий савдогарлардан олар эди [8. 175-176]. Андижон омборхонасидаги техникалар Россия ва хорижнинг Саратов, Аксай, Гольденберг, Кудель фабрикаларидан, буг билан ишлайдиган плуг АҚШдан келтирилганди.

Андижон тажриба майдони омборхонасида «Форздан» маркали ер ҳайдайдиган тракторлар, мевани буглаш ва қуритишда ишлатиладиган «Ридер» аппарати, мева ва сабзавотларни касалликдан сақлашда фойдаланиладиган «Сжигалка» («Ёндиргич») [8. 24] кабилар бўлиб, уларни харид қилишга кўпинча деҳқонларнинг моддий имконияти етмасди. Омборхона бутун Фаргона вилоятида қишлоқ хўжалигини янги техника билан тўла таъминлаш қувватига эга бўлмаса-да, XX аср бошларида Фаргонада деҳқончиликни модернизация қилишда муҳим роль ўйнаган, унинг Андижон шаҳрида бўлганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Андижон тажриба майдони ўзининг деҳқончилик соҳасидаги ютуқларини Санкт-Петербург, Тошкент, Москва кўргазма, ярмарка (выставка)ларида намойиш қилиш орқали тарғиб қилган.

1907 йилнинг 12 – 13 декабрь кунлари Тошкентда Туркистон агрономлари съезди (қурултойи) бўлиб, унда Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси аъзолари, тажриба майдонлари ва участкаларнинг бошлиқ ва ходимлари «ҳаваскор богбон»лар, Туркистон деҳқончилик бўлими маъмурлари қаторида Андижон тажриба майдони бошлиги М.М.Бушев ҳам иштирок этганди. М.М.Бушев қурултойдаги ҳисоботида Андижон тажриба майдонида маҳаллий пахта уругларида кўк чигит, қора чигит, малла чигит тажриба-синовдан ўтказилганлиги, «Кинг», «Опс Boll» чет эл пахта навлари ҳам экиб кўрилганлигини қайд этган. У янги пахта навларини сурункасига 7-8 йил синаб кўриш, ёввойи ва маҳаллий пахта уруглари чатиштириш тажрибасини кенг қўллаш кутилган натижа беришини қайд эт-



ган [5. 453; 1. 139]. Шунингдек, Андижон тажриба майдонида пахта ҳосилдорлигини оширишда 2-3 йилда уни беда билан алмашлаб экиш юқори натижа берган, ўғитларни экинларга қўллашда танлаш тажрибаси биринчилардан бўлиб синовдан ўтган.

1909, 1911, 1912 йилларда ўтказилган қишлоқ хўжалик экинлари ва «ҳаваскор деҳқон»ларнинг Тошкент кўргазмаларида Андижон тажриба станцияси ўз хўжалик майдонида

мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари намоёниши билан қатнашган. Уларда станция уругчилик, селекция ишларидаги ютуқлари учун кумуш ва бронза медаллар ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланган.

Хуллас, XX аср бошларида фаолият юритган Андижон тажриба майдони фаолиятини ўрганиш, унда тўпланган деҳқончилик тажрибасидан фойдаланиб иш кўриш аҳамиятли бўлиши шубҳасиз.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Агрономический съезд в Ташкенте // Туркестанский сборник. Том 500.
2. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича махсус илмий-услубий рисола. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 244 б.
3. Краткий очерк развития и состояния садоводства и виноградарства в Андижанском опытном поле по хлопководству в 1911 году // Туркестанское сельское хозяйство. 1912. №2. – С.60 – 62.
4. Прошин Л., Тимаев К. Экскурсия на сельскохозяйственную опытную станцию // Туркестанский сборник. Том 506. – С.48 – 51.
5. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – Санкт-Петербург, 1908. – 512 с.
6. Шредер Р. Туркестанская сельскохозяйственная опытная станция // Туркестанский сборник. Том 495. – С.121 – 125.
7. Орудие труда и техники (новости и сообщений) года // Туркестанское сельское хозяйство. 1913. №3. – С.23 – 24.
8. Шодмонова С. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Фаргона вилояти қишлоқ хўжалигига янги техниканинг кириб келиши // «Фаргона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзuidaги республика илмий анжумани материаллари. – Фаргона, 2009. – Б.174 – 178.

Тақризчи: т.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов



БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИДАН КИЧИК БИР ЛАВҲА

«Водийнома»нинг 2018 йил 1-, 2-, 3-сонларида Бош муҳаррир минбари рукни остида «Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб» номли мақола берилган эди. Унда Мустафо Чўқаев ва Аҳмад Заки Валидий Тўгон Каспийорти матбуоти орқали советларнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва амалиётини фош этишига ҳаракат қилганликлари, Тифлисдаги «Тбилиси», «Вольный горец» газеталарида босилган «Разговор с туркестанским коммунистом» (От нашего бакинского корр.), «Советская власть в Туркестане», «Энвер, съезд народов Востока и Туркестанский вопрос» номли мақолалар берилган эди. Журналимизнинг бу сониди эса ўзбек тилидан рус тилига ўғирилган ва Тифлисда чиққан «Вольный горец» газетасининг 1920 йил 19 июль (№45), 26 июль (№46), 2 август (№47) сонларида эълон қилинган ҳамда Мустафо Чўқайнинг «Шығармаларының толық жинағы: Он екі томдық. II том» китобиға киритилган «В советском Туркестане» номли мақолани Сиз мухтарам ўқувчиларға ҳавола қилмоқдамиз. Бизнингча, бу мақола Туркистон, Ўзбекистон тарихининг ўқилмаган саҳифаларини ёритишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унинг муаллифи Бокуда 1920 йил 1 – 8 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Шарқ халқларининг биринчи съездиға Туркистондан келган таниқли жадидлардан бири бўлса керак. Бу масалани келажакда аниқлаш мумкин. Мазкур мақола Туркистондаги миллий масала билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун ҳам қизиқарли бўлишиға ишончимиз комил.

В СОВЕТСКОМ ТУРКЕСТАНЕ

(перевод с узбекского)

Трудно жить в «красном» Туркестане.

Трудно, как только можно представить себе жизнь в стране, где организованное доноительство и шпионаж возведены в государственную систему, где обыватель (иного термина для граждан «красного» Туркестана трудно подобрать) должен верить людям партии даже тогда, когда те скажут, что «отелился бык».

Жутко становится жить, когда уважение к личности человека, не принадлежащего к партии большевиков, считается буржуазным предрассудком, беспощадную борьбу с которым советская власть считает альфой и омегой всей своей государственной деятельности.

Жутко до кошмарности жить в среде, где люди партии, т.е. коммунисты, то же, что, по толкованию религиозных фанатиков, люди писания, для которых только и открыт путь познания Бога. Разница в том, что эти люди надеются получить вознаграждение за праведную жизнь на том свете, где нет человеческих страстей и потребностей, а большевики вознаграждают себя здесь среди моря людских несчастий.

Жить в «красном» Туркестане – это значит находиться все время на канатном мосту «Сырат» («тоньше волоса и острее меча»), протянутом через «джаханнам» (геенну), по которому перед Судным Днем ангелы прогоняют людей. Одни, избранные (применительно к «красному» Туркестану – красноармейцы и



апрелидан октябригача Тошкент шаҳар партия комитети котиби, 1941 йил октябридан 1942 йил ноябригача Тошкент обком котиби, 1942 йил ноябридан 1944 йил октябригача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби, 1944 йил октябридан Андижон область партия комитетининг котиби. ЎзКомпартия Марказий Комитетининг 1945 йил 16 мартдаги бюро қарори билан Андижон область партия комитетининг биринчи секретарлигига тасдиқланади.³

Андижон халқи 1941 – 1945 йиллар мобайнида фашистлар Германияси ва япон милитаризмига қарши курашда жуда катта синовдан ўтди. Бу мудҳиш уруш андижонликларнинг ҳам тинч, бунёдкорлик ҳаётини издан чиқарди. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ барча йирик корхоналарда, колхоз ва совхозларда «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса галаба учун» шиори остида ватанпарварлик йигинлари, митинглари бўлиб ўтди. Уларда вилоят халқининг душманга қарши курашиш учун маънавий, сиёсий бирлиги намойиш этилди. Ҳамма нарса фронт учун, галаба учун сафарбар этилди. 22 июндан 29 июнгача биргина Андижон шаҳридан 200 киши, жумладан, 94 та аёл кўнгилли бўлиб фронтга кетишга ариза берди. Бундай аризалар кун сайин ортиб борди. Вилоятнинг бутун иқтисодий имкониятлари Ватан мудофаасига сафарбар қилинди. Эвакуация қилинган саноат корхоналари ўз вақтида жойлаштирилди, уларда мудофаа учун зарур бўлган қурол-аслаҳа, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Барча завод-фабрикаларда кечаю кундуз меҳнат қиладиган фронт бригадалари ва звенолар ташкил этилди. Биргина Андижон шаҳрида 150 та фронт бригадаси тузилди. Уруш бошланиши олдида вилоятда 22 та саноат корхонаси, 48 та артель, 14 та саноат комбинати ишлаган бўлса, 1944 йил охирига келиб 30 та давлат саноат корхонаси, 64 та артель, 17 та комбинат ишлаб турди. Уруш йиллари нефть саноати бир неча баробар ўсди.

Андижонликлар бир тан, бир жон бўлиб фашистлар босиб олган ҳудудларни босқин-

чилардан озод қилишда, Европани, аслида, бутун инсониятни фашизм балосидан сақлаб қолишда фаол иштирок этдилар. Урушнинг биринчи кунлариданоқ Андижон ёшларидан 9000 нафари қўлга қурол олиб фронтга жўнаб кетган. Андижон вилоятидан ҳаммаси бўлиб 97 минг киши урушга сафарбар қилинган. Бутун Ўзбекистон Москва ҳимояси учун оёққа турган 1941 йил ноябридан 1942 йил мартига қадар Ўзбекистонда ҳарбий қисмлар ташкил этилди. Фашистларни Москва остоналаридан улоқтириб ташлашда қаҳрамонлик кўрсатган ўзбекистонлик жангчилардан 1753 киши «Москва мудофааси учун» медали билан тақдирланди. Улардан бири Андижон вилояти Қўргонтепа райони Хонобод қишлоғида 1924 йил 1 апрелда туғилган Мадаминжон Ҳасановдир. У Москва-ни мудофаа қилган 159-полкда хизмат қилган. Москва мудофаасида кўрсатган жасорати шарафига «Москва мудофааси музейи»га унинг портрети қўйилган. Москва остонасидан фашистлар қувиб чиқарилгандан сўнг М.Ҳасанов Подольскдаги снайперчилар мактабига юборилади. 40 кун ҳарбий тайёргарлик кўрган ёш жангчи 3-Белоруссия фронтига тайинланади. Белоруссиянинг ўрмон ва ботқоқликларидаги энг огир жангларда Ҳасанов душманга қарши мардонавор кураш олиб боради. Ҳарбий қисм Болтиқбўйига чиққанида Каунас, Вильнюс учун бўлган огир жангларда фаол қатнашади. Польшани фашистлардан озод қилишда ҳам иштирок этади, «Варшавани озод қилиш учун» медали билан тақдирланади. Мадамин Ҳасанов 1946 йилнинг ёзида она юрти Хонободга катта лейтенант ҳарбий унвони билан қайтади. Хонободдаги Тарон заводида лаборант, бош ҳисобчи муовини бўлиб ишлайди.

Ортдошимиз Мадамин Ҳасанов катта ҳаёт йўлини босиб ўтган ажойиб миллатпарвар, ватанпарвар инсондир. Унинг 89 йиллик умридан 14 йили болаликка, қолган 75 йили қизгин меҳнатга тўғри келади. Шундан 7 йил Андижон вилояти миқёсида, 23 йил республика миқёсида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Бу туғма қобилият соҳиби 14 йил «Ўзбекбирлашув» раиси, 9 йил республика савдо вазири лавозимларида намунали фаолият кўрсатди. Россия Фе-

³ Ўзбекистон Республикаси Президент Девони архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 3-руйхат, 327-иш.



дерацияси Президенти Владимир Путиннинг шахсан ўзи 2005 йил 11 майда Мадаминжон Ҳасанович Ҳасановни фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва Ғалаба юбилейини тайёрлаш ва ўтказишга қўшган катта ҳиссаси учун «1941 – 1945 йиллардаги Улуг Ватан уруши Ғалабасининг 60 йиллиги» хотира медали билан тақдирлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари билан давлатимизнинг фахрий ёрлиги, «Жасорат» медали, «Меҳнат шўхрати» ордени, «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. У эл-юрт ардоғида бўлиб Тошкентда яшади, 2018 йил 22 декабрь куни 94 ёшида вафот этди. Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни Мадаминжон ота хонадонига ташриф буюриб, унинг фарзандлари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди. Қуръон тиловат этилиб, марҳумнинг ҳақиға дуо қилинди.

Андижонликлар Москва оstonаларидаги жангларда, оламшумул аҳамиятга эга бўлган Сталинград жангида, Орёл-Курск, Украина, Белоруссия фронтларида, Берлин операциясида қатнашдилар ва қахрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Дардоқлик Қўчқор Турдиев ўзбеклардан биринчи бўлиб қахрамонлик унвонига сазовор бўлди. Уни шахсан Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Усмон Юсупов кутиб олган ва биргаликда Андижонга олиб келган. Бу ерда аҳоли билан қатор учрашувлар ўтказилган.

Андижонликлар Сталинград мудофааси учун бўлган жангларда қахрамонлик намуналарини намоиш этишган. 95-ўқчи бригаданинг 4-батальони андижонликлардан ташкил топган эди. Взвод командири, андижонлик зиёлилардан Шамсутдинов, бўлим командири Боротбоев, бригада командири полковник Краснов, унинг комиссари Раҳматуллин эди. Сиёсий бошқарма бошлиғи этиб узоқ йиллар давомида Йўлдош Охунбобоев котиби бўлиб ишлаган А.Муродхўжаев тайинланганди.

1942 йили Шаҳрихонда ўқитувчилик қилган, кейинчалик Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, 10 йил Андижон вилоят суди раиси, 15 йил Андижон вилояти прокурори бўлиб ишлаган, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси (генерал-майор), Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган юрист, ҳозирда нафақахўр Абдулхай Рўзиев билан 2013 йил 28 июндаги суҳбатимизда мана буларни эслади:

– 1942 йили Ўзбекистон КП МК биринчи котиби Усмон Юсупов ташаббуси билан Андижон вилояти Шаҳрихон районида ўзбек дивизияси шаклланди. Унинг таркибида республиканинг бошқа вилоятларидан ҳам армияга чақирилган юртдошлар бор эди. Боёвут совхозидан бобурийзода Насриддин Мавлоновнинг ўғли Аслиддин Мирзо ҳам Андижон шаҳрига келиб, мазкур дивизияда ҳарбий машқни ўтаб фронтга кетган, урушда ҳалок бўлган. Дивизия ўзбек номи билан аталгани учун унга миллийлик тўси берилган эди. Ўша йиллари шаҳрихонликлар (кейинчалик Андижон вилоятининг бошқа районларида ҳам) қизил рангли бўздан тикилган тўн кийишарди. Бу тўн «Байтил тўн» деб аталарди. Оқ бўз мато махсус бўёқ билан бўялганлиги учун қорамтил-қизғиш рангда бўлган. Қайрагоч гузарида бўёқчилар маҳалласи бўлиб, мато шу жойда бўяларди. Ўзбек дивизияси аскарлари учун Шаҳрихон пичоғи, тулки терисидан қилинган телпак, иккитадан белбоғ, оёқларга огдарма кўн этик тайёрлашган. Буларнинг ҳаммаси Шаҳрихон артеллари ишчилари томонидан тайёрланган. Бу ишларга район партия комитетининг биринчи котиби Ёдгоров раҳбарлик қилган. Аскарларнинг ҳаммаси бир кунда Шаҳрихондан поездга ўтказилиб фронтга олиб кетилган.

Бригаданинг жанговар тайёргарлиги Ўзбекистон ҳукумати назоратида бўлиб, жангчилар ўша даврдаги замонавий ҳарбий қуруллар билан бекамикўст таъминланган эдилар. Машқлар юқори савияда олиб бориладди. 1942 йилнинг август ойи бошларида бригадага республиканинг биринчи раҳбари Усмон Юсупов ташриф буюради. Усмон ака аскарлар билан санимий суҳбатлар ўтказади, уларнинг жанговар тайёргарлиги, маиший аҳволи ҳамда сиёсий савияси билан яқиндан танишади. Бригада Усмон акани қутлаш учун саф тортиб турганида у ўзининг халқчил, оммабоп тили билан ўзбек жангчиларини қутлади, сафдагилар «Ура!» садолари билан жавоб бердилар. Усмон ака бригада жангчиларига қарата шундай деди:



«Сизлар ўзбек халқининг асл фарзандларисизлар. Ватан озодлиги учун душман билан жанг қилиш муқаддас иш. Бу жангда душманни ўлдирганлар гозий, ўлганлар эса шаҳид бўладилар. Шаҳидларнинг қабрларини, уруш тугагач, топиб, чечаклар билан безаймиз. Халқимиз ватан озодлиги учун жон фидо қилганларни абадулабад самимий миннатдорчилик туйғуларини билан ёдда сақлагай. Сизлар буюк бобомиз Амир Темур наслидансизлар! Бу номни эшитса Гитлер саросимага тушиб қолади. Мен Сизларга ўзбек халқи номидан Гитлернинг калласини, ҳеч бўлмаганда, Риббентропнинг бошини олиб келишларингизни буюраман. Сизларга доимо галаба ёр бўлсин!»

Республика раҳбарининг бу даъвати жангчиларни ниҳоятда руҳлантириб юборди. 1942 йил ноябрь ойида 94-ўқчи бригада фронтга отланди ва декабрнинг бошларида 3-гвардиячи армия сафига қўшилди, фашистларнинг Дон frontiда қуршовга тушган 6-армиясини қутқаришга интиланган итальян-немис қисмларига қарши жангга кирди. Бригада анча талафот кўришига қарамай, душманнын Астахово, Бонновская, Кушара, Кружилин, Морозовск станцияларида жойлашган қисмларини ўраб олиб, тор-мор этишда фаол қатнашди. Олий бош қўмондоннинг 1943 йил январидаги буйруғи билан 3-гвардиячи армиянинг жанговар таркибига ташаккурнома эълон қилинди. Бригаданинг бир гуруҳ аскар ва зобитлари жанговар орден ва медаллар билан мукофатландилар.

Сталинград жанг майдонларида курашган андижонликлардан Ўринбой Абдиев, Турсунхўжа Ҳожиев, Гани Абдуллаев каби 59 нафар жангчи уруш фахрийси деган шарафли номни яқин-яқинларгача мағрур кўтариб юрган эди.

Барча жойда бўлганидек, Андижон облаstdан ҳам уруш даврида фронтга, биринчи навбатда, коммунистлар, раҳбарлик лавозимларида хизмат қилаётганлар, офицерлар, ёшлар сафарбар қилинган.

Қуйида фронтга олинган, лекин номлари мавжуд «Хотира» китобларига киритилмаган андижонлик жангчилардан бир гуруҳи ҳақидаги маълумотларни архив ҳужжатлари асосида келтирамиз:

1941 йил

1. Область партия комитети кадрлар бўлими ўринбосари **Усачёв Иван Семёнович** қизил армияга олинган туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Фомихин Кирилл Иванович** тайинланган (1 июль).

2. **Хўжабод район** партия комитети ҳарбий бўлим мудирини **Титеев Ибрагим** қизил армияга олинган туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Абдурахмонов Обиджон** тайинланган (1 июль).

3. **Избоскан район** партия комитети ҳарбий бўлим мудирини **Сайкин Кирилл Дмитриевич** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига область партия комитети ҳарбий бўлим мудирини **Тошматов Йўлдош** тайинланган.

4. Область партия комитети ташкилий бўлим инструкторини **Исақов** қизил армияга олинганлиги туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Қурбонов Отажон** тайинланган (20 сентябрь).

5. Область ҳарбий бўлим инструкторини **Рожанский Анатолий** қизил армияга олинган туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Ленин район партия комитети инструкторини **Самсонов Константин Иванович** тайинланган (20 сентябрь).

6. Область суди аъзосини **Иброҳимов Восит** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Саидов Сулаймон** тайинланган (20 сентябрь).

7. **Ойим район** партия комитети секретарини ёрдамчисини **А.Алимғулов** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Исмоилов Маллабой** тайинланган.

8. **Ленин район** партия комитети тарғибот бўлими мудирини **М.Қодиров** армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Холибоев Усмон** тайинланган (25 сентябрь).

9. **Сталин район** партия комитети кадрлар бўлими инструкторини **Ортиқов** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Мўминжон Раҳмонов** тайинланган.

10. **Ленин район** партия комитети 1-МТС директорини ўринбосарини қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Салаев Ақчи** тайинланган (4 ноябрь).



11. Область прокурори ўринбосари **Чабан** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Долинина Людмила Михайловна** тайинланган (4 ноябрь).

12. **Андижон шаҳар** партия комитети кадрлар бўлими инструктори **Скриппин** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Умнова Нина Иосифовна** тайинланган.

13. **Андижон шаҳар** партия комитети ҳарбий бўлим инструктори **Шмойилов** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Каримов** тайинланган (4 ноябрь).

14. **Ойим район** партия сектор мудир **Ваганов Андрей Андреевич** қизил армия сафига олинганлиги туфайли унинг ўрнига **Миронова Марфа Андреевна** тайинланган (4 ноябрь).

15. Область партия комитети молия-хўжалик сектори мудир **Тектярев Наум Владимирович** қизил армияга олингани туфайли унинг ўрнига **Трухин Владимир Петрович** тайинланган (4 ноябрь).

16. Область ер бўлими кадрлар бўлими бошлиги ўринбосари **Умаров** армияга олингани туфайли унинг ўрнига **Абдурахмонов Отақўзи** тайинланган (4 ноябрь).

17. Область партия комитети кадрлар бўлими мудир **Ўринбосари Фомихин Кирилл Иванович** қизил армияга олингани туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Попов Филипп Иванович** тайинланган (22 – 24 декабрь).

18. **Андижон шаҳар** прокурори **М.Умаров** қизил армияга олинганлиги туфайли унинг ўрнига **С.Мухтаров** тайинланган (22 – 24 декабрь).

1942 йил

19. **Жалақудуқ район** партия комитетининг биринчи секретари **Г.Гайдельшинов** қизил армияга олинган (13 – 15 январь).

20. **Ворошилов район** партия комитетининг кадрлар бўйича секретари **Шамсутдинов** қизил армияга олинган.

21. **Андижон шаҳар** партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудир **Кузнецов Семён Абрамович** 1942 йил 27 январдан қизил армия сафига олинган.

22. **Андижон область** партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими лектори **Абдулма-**

нов 1942 йил 3 февралда қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган.

23. **Балиқчи район** партия комитети 2-секретари **Т.Я.Манучурин** 1942 йил 17 февралда армияга олиниши муносабати билан вазифасидан озод этилган.⁴

24. **Андижон области** Скотзаготовке контораси бошқарма ўринбосари **Елисеев Михаил Данилович** 1942 йил 10 апрелда армияга олиниши муносабати билан вазифасидан озод қилинган.

25. **Ойим район** партия комитети биринчи котиби **Тошбоев** 1942 йил апрель ойида армияга олиниши туфайли лавозимидан бўшатирилган, унинг ўрнига **Акбар Мамадалиев** тайинланган.

26. **Пахтаобод райкоми** тарғибот ва ташвиқот бўлими мудир **Султон Хонкелдиев** армияга олинган, унинг ўрнига **Қосимжон Раҳматуллаев** тайинланган.

27. **Пахтаобод район** партия комитети тарғиботчиси **Б.Раҳимов** армияга олинган.

28. **Пахтаобод район** партия комитети партия кабинетини мудир **Раҳматуллаев** армияга олинган. Унинг ўрнига **Солиев Ҳабиб Дўсма-тович** тайинланган.

29. **Жалақудуқ** партия комитети тарғиботчиси **Ҳасанов Имом** армияга олинган.

30. **Хўжаобод райком** секретари ёрдамчиси **Онуфриенко** армияга олинган.

31. **Пахтаобод район** партия комитети инструктори **М.Қодиров** армия сафига олинган. Унинг ўрнига **Михайлов Антон Степанович** тайинланган.

32. **Андижон шаҳар** партия комитетининг инструктори **Константин Иванович Мирош-ненко** қизил армия сафига олинган (15 декабрь).

33. **Ойим район** партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудир **Умурзақов Раҳмонали** қизил армия сафига олинган.

34. **Балиқчи район** комсомол комитети секретари **Саминов Дилоба** армия сафига олинган.

35. **Марҳамат район** партия комитети ҳарбий бўлими мудир **Сергей Иванович Ломакин**.

⁴ ЎЗР ПДА Андижон вилояти бўлими. 106-фонд, 1-руйхат, 137-иш. 4 – 5-варақлар.



36. **Хўжаобод район** партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудир **Собиров Мурод**.

37. **Хўжаобод район** партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудир **Абдурашидов Абдукарим**.

38. 2-Сталин МТС комсомол бўйича сиёсий бўлим бошлиғи ўринбосари **Умаров Саиджон**.

39. Ўзбекистон комсомол марказий комитети ташкилий бюросининг **Андижон области** бўйича биринчи котиби **Исмоилов Рустам**.

40. **Хўжаобод район** комсомол комитети секретари **М.Аҳмедов** қизил армия сафига олинганлиги учун эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилади.⁵

41. 1942 йил 21 декабрдаги йигилишда **Андижон райони** тайёрлов бўлими вакили **Ф.Ф.Черенков**.

42. Область маҳаллий саноат бошлиғи ўринбосари **П.Б.Казаченко**.

43. **Ойим район** партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудир **Азизов Тоштемир**.

44. Область пахтачилик трести тайёрлов бошлиғи **Александр Иванович Андреев**.

45. **Хўжаобод райони** Осо-Авиахим райсовети раиси **Х.Рўзиев**.

46. **Ворошилов райони** Осо-Авиахим ташкилотининг раиси **В.А.Чесноков** ҳам қизил армия сафига олинган.⁶

47. **Андижон шаҳар** партия комитетининг инструктори **М.Адюхин** лавозимидан бўшатилиб, унинг ўрнига **Конобеева Мария Филиппова** тайинланган.

48. **Ленин район** партия комитети секретари ёрдамчиси **Мукаррамхўжаев Акбар** вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Исааков Айрапетович Арустамов** тайинланган.

49. **Ленин район** партия комитети кадрлар бўлими инструктори **М.Ғозиев** армияга олиниши туфайли унинг ўрнига **Биявев Праскофью Михайловна** тасдиқланган.

50. **Ленин район** партия комитети партия статистикаси сектор мудир **Бисеров** армияга

олиниши муносабати билан унинг ўрнига **Жданова Наталья Викторовна** тайинланган.

51. **Ленин район** партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори **Содиқов** армияга чақирилиши туфайли унинг ўрнига **Алимов Абдурахим** тайинланган.

52. **Ленин райони**дан **Юнусов Иброҳим** армияга чақирилиши муносабати билан **Осо-Авиахим район** кенгаши раислигидан озод қилинган, унинг ўрнига **Ражаб Турсунов** тайинланган.

53. Область партия комитети молия-хўжалик мудир **Файншрайдер Яков Самойлович** армияга олиниши муносабати билан лавозимидан бўшатишган, унинг ўрнига 1929 йилдан партия аъзоси, область партия комитети саноат бўлими инструктори бўлиб ишлаётган **Николай Фёдорович Корнинов** қўйилган.⁷

54. **Балиқчи район** партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудир **Янгибой Дадабоев** қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Абдуллажон Тўхтабоев** тайинланган (23 сентябрь).

55. Область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими инструктори **Николай Морозов** қизил армияга олиниши муносабати билан вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига 1939 йилдан партия аъзоси **Иван Яковлевич Сидоров** тайинланган.

56. **Сталин район** партия комитети секретари **Кимсанбой Ҳасанов** қизил армияга олиниши муносабати билан унинг ўрнига **Евдокия Борисовна Народецкая** тайинланган.

57. **Сталин район** партия комитети партия кабинети мудир **Алексей Семенович Котов** қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган. Унинг ўрнига 1931 йилдан партия аъзоси **Дионис Григорьевич Мартынюк** тайинланган.

1943 йил

58. **Ленин шаҳри** халқ маорифи бўлими мудир **И.В.Олейниченко** қизил армияга олиниши муносабати билан вазифасидан озод қилин-

⁵ ЎзР ПДА Андижон вилояти бўлими. 106-фонд, 1-руйхат, 134-иш, 262 – 268-варақлар.

⁶ ЎзР ПДА Андижон вилояти бўлими. 106-фонд, 1-руйхат, 134-иш, 280 – 284-варақлар.

⁷ ЎзР ПДА Андижон вилояти бўлими. 106-фонд, 1-руйхат, 133-иш, 79 – 90-варақлар.



ган, унинг ўрнига **Любовь Ароновна Юдицкая** тайинланган (2 январь).

59. **Избоскан райони** савдо бўлими мудир **И.Тўхтабоев** қизил армияга олиниши муносабати билан лавозимидан бўшатишган, унинг ўрнига район савдо бўлими мудир **Ҳожимирза Ҳосилов** тайинланган.

60. **Жалақудуқ райони** савдо бўлими мудир **Бозорбой Умирзақов** қизил армияга чақирилиши муносабати билан лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига **Абдулла Хайруллин** тайинланган.

61. **Хўжаобод райони** ер-сув бўлими бош агрономи **Ашурали Юнусов** қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Пётр Афанасьевич Мельник** тайинланган.

62. **Жалақудуқ район** ипакчилик мудир **Абубақр Сулаймонов** армияга кетиши туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Ибодатхон Мамадалиева** тайинланган.

63. **Избоскан 1-МТС** сиёсий бўлим бошлиги ўринбосари **Фозилжон Қаҳҳоров** қизил армияга чақирилиши туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Зокиржон Абдуллаев** тайинланган.

64. **Олтинкўл район** ипакчилик бўлими мудир **Аминжон Тожибоев** қизил армияга чақирилиши туфайли унинг ўрнига **Махфират Шамшиддиновна Саттарова** тайинланган.

65. **Избоскан район** комсомол комитети секретари **Абдумалик Болтабоев** қизил армияга чақирилиши туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Абдуллажон Эгамбердиев** тайинланган.⁸

66. **Олтинкўл район** партия комитети кадрлар бўлими инструктори **Олейниченко Иван Анисимович** қизил армияга олинганлиги туфайли лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига **Ориненко Иван Митрофанович** тайинланган.

67. **Олтинкўл район** партия комитети тарғиботчиси **Ҳамрақул Қодирқулов** қизил армияга чақирилиши муносабати билан унинг ўрнига **Қодирали Тохиров** тайинланган.

68. **Марҳамат район** матлубот жамияти раиси **Ҳ.Темиров** қизил армияга чақирилиши туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Н.Сайфутдинов** тайинланган.

69. **Ленин район** комсомол комитети секретари **Ҳусан Мамасодиқов** қизил армияга олиниши туфайли унинг ўрнига **Ҳусан Йўлдашев** тайинланган.

70. **Ленин район** партия ташкилоти ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори **Абдуллажон Алимов** қизил армияга олиниши муносабати билан лавозимидан олинган, унинг ўрнига **Жалил Абдуллаев** тайинланган.

71. **Андижон район** ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори **Асранов Араббой** қизил армия сафига чақирилганлиги туфайли унинг ўрнига **Абдуллаева Адолат** тайинланган.

72. **Пахтаобод район** кадрлар бўлими инструктори **Баҳриддин Темиров** қизил армияга чақирилганлиги туфайли унинг ўрнига **Тожиҳон Қосимова** тайинланган.

73. **Сталин район** тарғиботчиси **Ёқуб Аминов** қизил армияга чақирилганлиги туфайли унинг ўрнига **Абдуқодир Шокиров** тайинланган.

74. **Избоскан район 2-МТС** комсомол сиёсий бўлими бошлиги **Бўри Каримов** қизил армияга чақирилганлиги туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Қурбонов Жўра Машшоқович** тайинланган.

75. **Ленин район 2-МТС** сиёсий бўлими бошлигининг комсомол бўйича ёрдамчиси **Нозир Мадаминов** қизил армияга чақирилганлиги туфайли унинг ўрнига **Абдулҳамид Абдулжабборов** тайинланган.

76. **Ленин район 1-МТС** сиёсий бўлими бошлиги ўринбосари **Нишонов Шокиржон** қизил армияга чақирилганлиги туфайли унинг ўрнига **Ҳошим Мамажонов** тайинланган.

77. **Сталин район 1-МТС** сиёсий бўлими бошлиги **Ҳ.Қурбонов** қизил армияга чақирилганлиги туфайли унинг ўрнига **Шарофиддин Раҳимов** тайинланган.

78. **Андижон район** ер-сув бўлими агрономи **Голдаевич** қизил армия сафига олингани туфайли ўрнига **Троадий Никитович Китьян** тайинланган (12 март).

⁸ ЎзР ПДА Андижон вилояти бўлими. 106-фонд, 1-руҳат, 295-иш. 1 – 8-варақлар.



79. 6-ёғ заводининг партия ташкилоти котиби **С.С.Чернер** қизил армия сафига олингани туфайли унинг ўрнига **Иван Филиппович Мазуренко** тайинланган (20 май).

80. **Ворошилов район 2-МТС** комсомол бўйича сиёсий бўлим бошлиги ёрдамчиси **Давронов** армияга чақирилиши туфайли унинг ўрнига **Хўжамбердиев Ашрафжан** тайинланган (1 июнь).

81. **Ворошилов район 1-МТС** комсомол бўйича сиёсий бўлим бошлиги ёрдамчиси **Х.Алиев** армияга чақирилиши туфайли унинг ўрнига **Мадяров Ҳасан** тайинланган (1 июнь).

82. **Андижон район** партия комитети тарғиботчиси **Абдуллаев Қамбар** армияга олингани туфайли унинг ўрнига **Ўтбосаров Фозилжон** қўйилган (4 ноябрь).

83. **Андижон район** ЎзЛКСМ 2-секретари **Мансуров Ёқуб** армияга олингани туфайли унинг ўрнига **Жалилова Озодахон** тайинланган (21 ноябрь).

84. **Андижон район** партия комитети тарғиботчиси **Мансуров Тўйчи** армияга олингани туфайли унинг ўрнига 1932 йилдан партия аъзоси **Исомиддинов Мамажон** тайинланган.

85. **Қўргонтепа район** «Савай» совхози сиёсий бўлим бошлиги **Бегенқулов** армияга олинганлиги совхоз партия ташкилоти ҳужжатларида қайд этилган.

1944

86. Область партия комитети бюросининг 1944 йил 15 апрелдаги қарори билан **Андижон** вилоят матлубот жамияти раиси **И.Ч.Чимбарисов** қизил армияга олиниши туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Сайдилов Шароф Аҳмедович** тайинланган.

87. Область партия комитети бюросининг 9 майдаги қарори билан **Ленин район** ҳарбий хизматчилар оилаларини давлат томонидан таъминлаш бўйича ижроия комитети раиси ўринбосари **Ф.И.Сенаторов** қизил армияга олиниши муносабати билан вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Ҳакимов Шагид** тайинланган.

88. Область партия комитети 30 майдаги қарори билан **Ленин** шаҳри бўйича марказий статистика бошқармаси инспектори **Н.Ҳамра-**

лиев қизил армияга олиниши туфайли унинг ўрнига **Шишдьянникова Вера Алексеевна** тайинланган.

89. 30 майда область партия комитети бюроси қарори билан **Ленин район** матлубот жамияти раиси **Пўлатов** қизил армияга чақирилиши туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Каримохун Юсупов** тайинланган.

90. Олтинқўл ҳарбий бўлим мудир **Ф.Е.Суюшев** қизил армияга чақирилиши туфайли вазифасидан озод қилинган.

91. **Андижон область** партия комитети бюросининг 1944 йил 27 декабрдаги йигилишида **Хўжаобод район** Октябрь қишлоқ совети «Коминтерн» колхоз **раиси Исроилов Юсуф** қизил армияга чақирилиши туфайли вазифасидан озод этилган, унинг ўрнига **Расулов Абдужаббор** тайинланган.

92. **Хўжаобод район** халқ маорифи бўлими мудир **И.Қораев** қизил армияга чақирилиши туфайли унинг ўрнига **Ҳошимов Қозихон** тайинланган.

93. ЎзКП (б) **Андижон область** партия комитети бюросининг 1944 йил 20 июндаги қарорига кўра **Андижон район** партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлим мудир **Ботиров Раҳим** қизил армияга кетиши туфайли вазифасидан озод қилинди, унинг ўрнига **Мирзаев Ортиқ** тайинланди.

94. СССР **Молия халқ вазирлигининг** **Андижон области** бўйича назорат-тафтиш бошқармаси катта назоратчиси **А.П.Ким** қизил армияга кетиши туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига шу соҳа бўйича назоратчи-ревизор **М.Турсунов** тайинланган.

95. Область партия комитети бюросининг 1944 йил 1 августдаги қарорига асосан **Андижон шаҳар саноат комбинати** директори **Кудзин** қизил армияга чақирилиши туфайли вазифасидан бўшатишган, унинг ўрнига **Насриддинов Амирҳамза** тайинланган.

96. **Андижон район** Янгиобод қишлоқ совети **Каганович** номли колхоз раиси **Тургунов Со-тиболди** меҳнат армиясига кетиши туфайли унинг ўрнига **Раззоқов Қўзибой** тайинланган.

97. **Марҳамат район** ЛКСМ биринчи секретари **Отахонов Абдулла** қизил армияга чақирилиши



туфайли вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Сотқулов Холмирза** тайинланган.

98. Область партия комитети бюросининг 1944 йил 24 августдаги қарорига асосан Андижон шаҳридаги Уйгур театри партия ташкилотининг секретари **Х.Юсупов** қизил армияга олинганлиги муносабати билан вазифасидан озод қилиниб, унинг ўрнига **Раҳмонов Отамирза Исмоилович** тайинланган.

99. Область партия комитети бюросининг 1944 йил 11 сентябрдаги қарорига асосан Пахтаобод район партия комитети секретари ёрдамчиси **Табак Ихил Яковлевич** қизил армияга чақирилганлиги туфайли ўз вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Ментюков Георгий Данилович** тайинланган.

100. ЎзКП (б) Андижон область партия комитети бюросининг 1944 йил 2 октябрдаги қарорига мувофиқ Пахтаобод районидаги 15-болалар уйининг мудир **Янгилдин** қизил армияга чақирилиши туфайли ўз вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Рудненко Семен Акимович** тайинланган.

101. ЎзКП (б) Андижон область партия комитети бюросининг 1944 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ Марҳамат районидаги промкомбинат директори қизил армияга кетаётганлиги туфайли ўз вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига **Прокулин Владимир Петрович** тайинланган.

ЎЖУЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Қўлимизда 1942 йил 4 – 5 июль кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон области бўйича ташкилий бюроси йигилиши 60-сонли баённомаси. Ҳужжат тепасига «Мутлақо махфий» ибораси ёзилган. Йигилиш ҳозирги Бобур майдони Бобур ҳайкалининг ўнг томонидаги 3 қаватли (у вақтда 2 қаватли эди) бинода бўлиб ўтган.

Йигилишда қатнашганлар: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиблари Усмон Юсупов, Мансур Мирзааҳмедов, ташкилий бюро аъзолари Бакулин, Қосимов, Шустаев, Ҳақназаров, Исломов, Мирзабеков, Мусаев, Шербаков, шаҳар партия комитети котиби Қориев, ташкилий комитет раиси ўринбосари Айтметов, об-

ласть партия комитети бўлимлари мудирлари ва мудир ўринбосарлари Ковазов, Каленюк, Миронова, Бабанин, Попов, Полтавченко.

Областдаги район партия комитетларининг барча котиблари, область газетаси биринчи муҳаррири Пишкин.

Ўзбекистон КП (б) область партия комитети котиблари ёрдамчилари Устинов, Иофина.

Бакулин раислик қилган.

1. Андижон нефть саноати иши тўғрисида

(маърузачилар: Абдуллаев⁹, Масобиров).

Музокарага чиққанлар – Усмон Юсупов, Айтметов, Бакулин.

ЎзКП (б) Марказий Комитети ташкилий бюроси Андижон нефть саноати раҳбарияти ва «Калининнефть» трести раҳбарияти бошқарувчиси Масобиров шахсида 1942 йил 1 июнгача кунига 800 тонна нефть олиш тўғрисидаги ЎзКП (б) Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 28 сентябрдаги қарорини бажармаган, аксинча, июль ойига келиб нефть қазиб чиқаришни кунига 330 тоннадан 270 – 280 тоннага тушириб юборган.

«Калининнефть» трести бошқарувчиси ўрт. Масобиров нефть қазиб чиқаришни кўпайтириш ва бургулаш ишларини авж олдиришда большевикча қатъиятлилиқ эмас, чидаб бўлмас даражада бегамлик кўрсатган, Ўзбекистон Республикасидаги Андижон нефть қазиб чиқарилиши бутун Ўзбекистон Республикасидаги нефть қазилш ишлари камқувватлилиги туфайли ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ва КП (б) Марказий Комитетининг 1942 йили нефть қазиб чиқаришни 210000 тоннага етказиш мумкин эмаслигини таъкидловчи бюрократик кайфиятдаги кишилар таъсирига тушиб қолган.

Бундай антипартиявий кайфият таъсирига тушиб қолиш натижасида «Калининнефть» трести бошқарувчиси ўрт. Масобиров бургулаш ишларини жадаллаштириш масалаларига жинояткорона ёндашиб ЎзКП (б) МК ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 28 ноябрда-

⁹ Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаев – ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари.



ги қарорини бажариш учун ҳеч қандай амалий иш қилмаган.

ЎзКП (б) Марказий Комитети ташкилий бюроси қарор қилади:

1. Ўртоқ Масобировга қатъий ҳайфсан эълон қилинсин ва огоҳлантирилсин, агар нефть қазиб чиқаришни кўпайтиришга ўз муносабатини ўзгартирмас экан ва Андижон нефть саноати ишидаги камчиликларни бартараф этмас экан, унга нисбатан янада қатъийроқ жазо чоралари қўлланилади.

2. Андижон нефть саноати раҳбариятига амалий ёрдам кўрсатиш учун ЎзКП (б) МК секретари ўртоқ Усмон Юсупов кўрсатмасига мувофиқ бир ой муддатга Абдуллаевни (ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари), Айтметовни (Ташкилий комитет раиси ўринбосари) ва Бугровни (ЎзКП (б) МК ташкилий бюроси тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини ўринбосари) хизмат сафарига юбориш, уларнинг зиммасига ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ва ЎзКП (б) МКнинг тегишли қарори билан нефть қазиб чиқаришни кўпайтириш масъулияти юклансин.

3. Бир ойдан сўнг ЎзКП (б) Марказий Комитети ташкилий бюросида бу ўртоқларнинг ЎзССР ХКС ва ЎзКП (б) МКнинг Андижон нефть саноати бўйича қарорлари бажарилиши натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилсин.

2. Пахта трести ва ёғ ишлаб чиқариш заводлари ишлари тўғрисида

(Маърузачилар: ўрт. Салимов, Аҳмаджонов, Шустаев)

Ўз фикрларини билдирган ўртоқлар:

У.Юсупов, Айтметов, Ёдгоров, Ҳақназаров, Бакулин

ЎзКП (б) Марказий Комитети ташкилий бюроси шуни қайд қиладики, Андижон пахта трести 1942 йил биринчи ярмида мутлақо қоникарсиз иш олиб борган, буни уруш оқибатидаги қийинчиликлар билан оқламоқдалар. Пахта трести раҳбарияти буни ёлгон йўллар билан исботламоқчи бўлган. Аслида, бунинг сабаби пахта заводларидаги ишчиларни областдаги пахта тозалаш саноати олдидаги вазифалари-

ни бажариш учун большевикча ташкиллаш ва сафарбар қилишни билмасликларидандир.

3. В.В. Котов тўғрисида (ўрт. Ҳақназаров).

Маърузада иштирок этганлар: Ковазов, Эшмуҳаммедов, Шербаков, Исломов, Қосимов, Мирзабеков, Котов, Бакулин.

«Ишчи-деҳқон қизил армиясига чақирилганларнинг оиласига ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги 1942 йил 20 июндаги ЎзКП (б) МКнинг Андижон области бўйича ташкилий бюроси қарорига қўшимча сифатида ЎзКП (б) МК ташкилий бюроси ЎзКП (б) Хўжаобод район комитети биринчи котиби ўртоқ Котовнинг фронтдагиларнинг оилаларига нисбатан антипартиявий, маъмурчилик, бюрократик муносабати фош этилган деб ҳисоблайди. У область партия комитети ва ЎзКП (б) МК котиби ўрт. Юсуповнинг ёппасига ҳарбий хизматчилар оилаларининг маиший шароитини текшириш ва уларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш учун шошилиш чора кўриш тўғрисидаги директиваларини бажармаган.

Ўртоқ Котов 1942 йил давомида бир марта ҳам район партия комитети бюросида фронт яқинидаги минтақалардан эвакуация қилинган оилалар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ёрдам бериш ҳақида сиёсий масала қўймаган. Натижада область партия комитети аралашуви-га қадар фронтдагиларнинг оила аъзолари ва эвакуация қилинган аҳоли қийин шароитда қолишган. Айрим ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари тўйиб овқат емаслик натижасида шишиб кетганлик ҳолатида яшаётганликларидан ўрт. Котов хабардор бўлса ҳам, уларга ёрдам кўрсатиш учун ҳеч қандай чора кўрмаган.

ЎзКП (б) МК ташкилий бюроси Хўжаобод район партия комитетининг биринчи котиби ўрт. Котовни ҳарбий давр шароитида райондаги қишлоқ хўжалиги ишларида бошқарувни таъминламаганликда, натижада райондаги кўп-лаб колхозларда пахтага ишлов бериш барбод бўлгани, колхоз фермаларидаги ҳайвонлар талон-торож бўлганида айбдор деб ҳисоблайди.

ЎзКП (б) МК Андижон области бўйича ташкилий бюроси ҚАРОР ҚИЛАДИ:



1. Ўртоқ В.В.Котов Хўжаобод район партия комитети биринчи котиблиги вазифасидан бўшатилсин.

2. ЎзКП (б) МКнинг Хўжаобод район партия комитети пленумига 1940 йилдан ВКП (б) аъзоси, партбилетининг рақами №2877854 Охунов Наби аввалги иш жойи – Хўжаобод район партия комитетининг иккинчи котиблигидан озод этилиб, район партия комитети биринчи котиби лавозимига тавсия этилсин.

3. 1932 йилдан ВКП(б) аъзоси, партбилет рақами №1832667 Лев Павлович Кандел ЎзКП (б) Андижон шаҳар партия комитети кадрлар бўлими мудирининг ўринбосарлигидан озод қилиниб, ЎзКП (б) Хўжаобод район партия комитети иккинчи котиблигига тавсия қилинсин.

ЎзКП (б) МКдан ушбу қарорни тасдиқлаш сўралсин.¹⁰

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ БИРИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

1945 йил 25 – 27 февралда Андижон область партия ташкилотининг биринчи конференцияси бўлиб ўтган ва унинг ишида хал қилувчи овоз билан 176 киши, маслаҳат овози билан 26 киши қатнашган, 29 кишидан иборат ишчи ҳайъати сайланган. Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов иштирок этган ва нутқ сўзлаган.

Андижон область партия комитетининг биринчи котиби К.К.Шубладзе **«ЎзКомпартия МК Андижон область партия комитетининг 1941 йил мартдан 1945 йил февралигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида»** маъруза қилган. К.К.Шубладзе Андижон область партия комитети биринчи конференцияси қизил армия бутун фронт бўйлаб голибона ҳужум қилаётган, юқори сифатли жанговар қурол-аслаҳалар билан қуролланган, кетма-кет ҳужумлари натижасида немислар мунофаа бастиони қулаётган бир пайтда ўтаётганлигини қайд этган. Армия ҳар куни совет фронт ортининг

кучли қўллаб-қувватлашини ҳис этаётганлиги, совет халқи «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса галаба учун» шиори остида душманга қақшатқич талафот бераётганлигига алоҳида тўхталган.

Маърузанинг биринчи қисми **«Қизил армия учун инсон ва моддий ресурсларни сафарбар қилиш ва жанговар резерв тайёрлаш»** деб номланган. Унда ҳисобот даврида Ватанни ҳимоя қилиш учун Андижон области бўйича кўп минг кишилиқ, жисмонан соғлом инсонлар, шунингдек, кўплаб машиналар, отлар, тўла жиҳозланган аравалар сафарбар қилингани, 1945 йилда Андижон областида кавалерия дивизияси, ўқчи бригада, автоматчиларнинг алоҳида бригадаси ва алоҳида темир йўлни тикловчи батальонлар тузилгани, фронтга бир неча минг эгарланган отлар, тўла жиҳозланган кўплаб аравалар, юк ва енгил автомашиналар сафарбар қилингани қайд этилган.

Ҳисобот даврида область бўйича кўп миқдорда одамлар саноатда ишлаш учун сафарбар қилинган.

Область меҳнаткашлари Давлат мунофаа комитетининг 1941 йил 17 сентябрдаги умумий мажбурий ҳарбий таълим тўғрисидаги қарорига катта қувонч билан муносабат билдиришган. 55 мингдан ортиқ ёш ўғил-қизлар, шунингдек, катта ёшли одамлар умумий таълим машгулотларига қатнашганлар ва ҳарбий мутахассисликларни эгаллаганлар. Уларнинг кўпчилиги қизил армия сафида немис босқинчиларига қарши жангларда қаҳрамонлик ва мардлик жасоратларини кўрсатишган. Жасур ватандошларимиз – Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Қўчқор Турдиев, Абдулазиз Йўлдошев, Александр Исипин ва бошқалар ўз номларини чексиз шухрат билан беаганлар.

Қизил армия учун ҳарбий резервларни тайёрлаш партия ва совет ташкилотлари учун бундан кейин ҳам муҳим вазифа бўлиб қолиши маърузада алоҳида қайд қилинган. Облаstda умумий ҳарбий таълимни ўтамаган ва ҳарбий хизмат ўташи зарур бўлганлар сони ҳали кўп эканлиги, уларнинг асосий қисми Андижон шаҳрида, Ворошилов, Балиқчи ва Чинобод районларида эканлиги, бу жойлардаги партия ва

¹⁰ ЎзР ПДА Андижон вилояти бўлими. 106-фонд. 1-руйхат, 132-иш. 86 – 91-варақлар.



совет ташкилотлари қизил армия учун ҳарбий резерв тайёрлаш ишларига кам эътибор қаратишганлиги қайд этилган.

ЎЗКП (б) район партия комитетлари, партия ва совет ташкилотлари фаоллари сўнгги вақтда жойларда қизил армия учун кадрларни сафарбар қилиш ишига ўз диққатларини етарли даражада қаратмаётганлари, бу иш атрофида оммавий-сиёсий ишларни кенгайтирмаётганлиги, йигув пунктларига чақирилувчиларнинг ўз вақтида етиб келишларини таъминламаганликлари, чақирилувчилар орасида оммавий-сиёсий ишларнинг қониқарсиз ташкиллаштирилганлиги натижасида айрим ҳолларда шармандали ҳолатлар келиб чиққанлиги танқид қилинган. Районларда қизил армия сафида туришга имконияти борларни аниқлаш яхши йўлга қўйилмагани, бунга сабаб маҳаллий органларнинг узоқни кўра олмасликлари ва бепарволиклари экани уқтирилган. Оқибатда фронтга жўнатилишдан яшириниб юрганлар топилган. Айрим жойларда ҳарбий хизмат ўташга мажбур бўлганларни рўйхатга олиш ишлари яхши йўлга қўйилмагани, айрим ҳолатларда чақириқ ёшидаги инсонлар ҳарбий рўйхатда турмаганлиги ҳақида маълумотлар мавжудлиги қайд этилган.

Андижон областида СССР Халқ Комиссарлари Советининг мактаб ва техникумларда бошлангич ва чақируволди ҳарбий тайёргарлик тўғрисидаги қарори ҳаётга яхши татбиқ этилмаган. Бунинг сабаби мактабларнинг ҳарбий таълим берувчи ходимлар билан таъминланмаганлиги бўлган. Халқ таълими бўлими ўқув муассасаларининг 72 фоизида махсус тайёргарликдан ўтмаган ҳарбий таълим берувчи ўқитувчилар фаолият кўрсатишган.

Фронт учун ҳарбий резервларни тайёрлашда кўнгилли мудофаа ташкилотларининг ўрни катта. Осо-Авиахим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолатда 53 мингдан ортиқ ўқчи, пулемётчи, снайперлар, автоматчилар, миномётчиларни тайёрлаган. Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари фронт учун 2,5 мингдан ортиқ кичик ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаган.

Область меҳнаткашлари қизил армияни техник таъминлашда фаол иштирок этишган,

бунинг учун улар ўзларининг пул жамгармаларини беришган. 1942 йилда улар танк колонналари ва авиаэскадрильялар учун 43 миллион рубль, 1943 йилда 8 миллион рубль ва 1944 йилда Ўзбекистон ССРнинг 20 йиллиги шарафига 13,2 миллион рубль пул топширганлар. Ҳаракатдаги армия учун кўплаб иссиқ кийимлар тўпланган ва жўнатилган.

Маърузада ватан уруши ногиронларига кўрсатилаётган ёрдам ҳақида тўхталиб ўтилган. Облаstda 8 мингдан ортиқ ватан уруши ногиронлари бўлган. Бу инсонлар ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш ишига ўзларининг кучи ва соғлигини берганликлари, улар ҳақиқатда ҳам инсоний гамхўрлик ва меҳрга муносиб эканликлари алоҳида таъкидланган.

Улар учун биз нима қилдик деган савол маърузачи томонидан берилади ва ўзи шундай жавоб қилади: **«Ижтимоий таъминот органлари ватан уруши ногиронлари учун бир марталик ёрдам тартибида 115910 рубль пул бердилар, иккита ногиронлар уйи ташкил этилди. Ватан уруши ногиронларининг таълим олишлари ва ишга жойлаштиришлари учун чоралар кўрилмоқда. Лекин қилинган ишлар етарли эмас. Ватан уруши ногиронларини ишга жойлаштириш қониқарсиз амалга оширилмоқда. Бу ҳақда 1260 нафар ногирон ҳозиргача ишга жойлашмаганининг ўзи етарли маълумот бериб турибди. Ногиронларни ишга қабул қилмаётган ёки уларни сабабсиз ишдан бўшатаётган айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг Ватан уруши ногиронларига нисбатан бепарво, бюрократик муносабатларини ҳам қайд этиш керак. Масалан, «Қизил юлдуз» (Красная звезда) артели раиси Раҳимов, бўш лавозимлар бўлишига қарамасдан, иккинчи гуруҳ ногирони Лендеманни ишга қабул қилишдан қатъий бош тортган, умумий овқатланиш ташкилоти директори Дзиванский ватан уруши ногирони Капустинни сабабсиз ишдан бўшатган.**

Ашаддий бюрократ, қалби тош инсонларгина бундай йўл тутадилар. Ўз жонини аямай, юртимизни фашист босқинчиларидан тозалаган Ватан уруши қатнашчила-

**рини масхара қилиш учун ҳеч кимга рухсат берилмаган».**

Айни вақтда, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига кўрсатилаётган ёрдам ҳолати таҳлил қилинган. Ватан уруши кунларида фронтга кўп инсонлар чақирилгани натижасида совет жамияти, партия ва совет ташкилотлари олдида фронтга кетганларнинг ўрнига муносиб ўринбосар тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш, уларни иш билан таъминлашга гамхўрлик қилиш вазифаси кўндаланг бўлган. Жангчиларнинг оиласи учун шундай шароитларни таъминлаш керакки, улар фронт ортида қолган яқинлари ва қариндошларининг эҳтиёжлари ҳақида ҳавотирга тушмасинлар деб вазифа белгиланган.

Партия, совет, жамоат ташкилотлари ҳарбий хизматчилар оилаларининг маиший аҳволини яхшилаш учун кўплаб ишларни амалга оширган. 1944 йил декабрда областда фронтдагиларнинг 56564 оиласи бор эди, улардан 2284 оила офицерлар таркибига тегишли бўлган. Давлат таъминот бўлими мавжудлигининг икки йили давомида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 91 миллион рубль пул нафақалари ва ёрдам ажратилган.

Областда ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш учун давлат кўмагидан ташқари халқ фондлари ҳам ташкил этилган. Яхши ташкил этилган оммавий-сиёсий ишлар натижасида ҳар бир меҳнаткаш фронтдагиларнинг оиласига ёрдам кўрсатишга ўзининг ҳиссасини қўшишга интилган. Область бўйича бу фондга 1 261 393 рубль пул, 248 000 килограмм буғдой, 18 385 дона саноат товарлари, 7255 жуфт пойабзал, 350 бош йирик ва майда шохли ҳайвонлар ва бошқалар топширилган. Ҳарбий хизматчилардан 29 863 тасининг оиласига томорқа участкалари ажратилган, 1944 йилда фронтдагилар оила аъзоларининг 534 таси уй-жой билан таъминланиб, 11 493 тураржой таъмирланган.

Бу рақамлар биринчи қараганда кўпга ўхшайди. Бироқ ҳарбий хизматчиларнинг оиласига ажратилган ёрдам уларнинг эҳтиёжларига қараганда анча оздир. Кўплаб болаларнинг пойабзали йўқлиги учун мактабга бора олмаётганликларини айтишнинг ўзи кифоя қилади.

Кўп ҳолларда ҳарбий хизматчиларнинг ўта муҳтож оилалари ҳам давлат ижтимоий таъминот органлари томонидан ҳисобга олинмагани ва улар ҳеч қандай ёрдамдан фойдаланмаётганликлари маърузада қайд қилинган. Масалан, Сталин районидаги Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети «Большевик» колхоздаги Қурбонали Мирзаевнинг оиласи давлат ижтимоий таъминот бўлимининг ўта совуққонлиги туфайли узоқ вақт мобайнида ёрдам ололмаган. Андижон консерва заводида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига нисбатан бепарво бўлишган. Фронтдагиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто бу оилаларнинг эҳтиёжларини аниқлаш иши ҳам амалга оширилмаган.

Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун бериладиган имтиёзлар масаласи эътибордан четда қолган. Бунда маҳаллий органларнинг айби катта бўлган. Масалан, Марҳамат районида 16 та ҳарбий хизматчининг оилаларига ажратилган давлат таъминотларига ноқонуний солиқ солинган. Пахтаобод районидаги Жданов номли колхоз раиси фронтдаги ҳарбий хизматчининг аёлига тегишли эчкини гўшт топшириш солиғи учун тортиб олган.

Оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, фронтдагиларнинг оилаларига гамхўрлик қилиш иккинчи ўринга сурилганига сабаб партия ташкилотларидаги ўзбилармонлик, тартибсизликдир.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ишга жойлашишларида ҳам катта муаммолар бўлган.

Сталиннинг «ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига гамхўрлик қилиш қизил армияга гамхўрлик қилишнинг ярмидир» деган сўзига етарли эътибор берилмаган дейилади маърузада. Ваҳоланки, ҳар тарафлама ва ҳар доим ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш керак, чунки бу фронт ортини, жангчиларнинг соглом кайфиятларини, уларнинг маънавий-сиёсий ҳолатини мустаҳкамлашда муҳим омилдир.

Маърузада областдаги саноатнинг ҳолати таҳлил қилинган. Андижон саноати 1941 – 1945 йилларда миқдор ва сифат жиҳатидан анча ўз-



гарган. Уруш бошланган вақтда областда 22 та давлат саноат корхоналари, 48 та ҳунармандчилик ва инвалидлар кооперацияси ҳамда 14 та маиший комбинат мавжуд эди. 1945 йил феврилида эса областда 30 та давлат саноат корхонаси, 64 та ҳунармандчилик артели, 17 та маиший комбинат мавжуд бўлган. Давлат саноати таркибида «Полвонтош», «Жанубий Оламушук», Сталин номли «Строймаш» заводи, Володарский номли тўқув фабрикаси, Хонобод дубилэкстракт заводи, газўтқазгич заводлари бўлган.

Автотрактородеталь, консерва заводлари, Ленин районидаги МТМ, «Коммунар» заводи қисман реконструкция қилинган.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари 1944 йилда 1942 йилга нисбатан 87,2 фоиз ўсган, бу ўсиш асосан нефть саноати, Сталин номидаги завод ҳисобига, ундан кейин тўқимачилик, пахта саноати, консерва, ун саноати ҳисобига юз берган. Ҳисобот даврида саноат соҳасига жуда катта маблағ сарфланган. Асосий маблағ нефть саноатига, Сталин номли заводга, Володарский номли тўқув фабрикасига сафарбар қилинган, 1944 йили газ саноати ва Шаҳрихон ГЭСи қурилишига катта маблағ сарфланган. Пахтачилик саноатига сарфланган маблағ кескин озайган. Саноат корхоналари 4 йил ичида фронт ва фронт орти учун 3,4 миллиард рубллик турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Айниқса, нефть саноати жадал ривожланиб, ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш 3,4 марта кўпайган, Сталин номли заводда металл қайта ишлаш 8,7 марта кўпайган, пахтақоз саноати 3,9 марта, пойабзал ишлаб чиқариш 2,9 марта, консерва ишлаб чиқариш 14,7 марта ўсган. Аммо пахта тозалаш саноати 1941 йилга нисбатан 1944 йилда 24,5 фоизга тушиб қолган. Саноатда ишлаётган ишчилар сони ўсиши натижасида агар 1941 йил саноат корхоналарида 11446 киши ишлаган бўлса, 1944 йилда уларнинг сони 16493 кишига етган, ўсиш 44,1 фоизни ташкил этган.

Меҳнаткашлар ватанпарварлигининг юксалиши, стахановчилик ҳаракатининг авж олдирилиши, ўтказилган социалистик мусобақалар меҳнат унумдорлиги ўсишига кучли таъсир

кўрсатган. 1944 йили 1941 йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги 168,1 фоизга ўсган, металл қайта ишлаш бўйича 300 фоиз, гўшт ишлаб чиқариш бўйича, консерва тайёрлаш бўйича 85,7 фоиз, областнинг бутун саноат ишлаб чиқаришидаги меҳнат унумдорлиги 64,7 фоизга ўсган.

Андижон нефть саноати 1943 йили ишга тушган «Полвонтош» ва 1945 йил январда ишга тушган «Жанубий Оламушук»дан иборат бўлган. Ҳисобот даврида нефть саноатига 36 миллион рубль маблағ сарфланган. Бу харажатлар саноат ва тураржой ва маиший бинолар қуришга, конларни жиҳозлашга, учта нефть қузури қурилишини давом эттиришга, фронт ва фронт ортини юз минглаб тонна қимматбаҳо нефть билан таъминлашга хизмат қилган. Уруш йилларида «Андижон» нефть қонида 49 та кон, «Полвонтош»да 11 та кон, «Жанубий Оламушук»да 3 та кон фойдаланишга топширилган. «Андижон» нефть қазиб олишни 2 марта, «Полвонтош» 3 марта ошириши натижасида давлатга ярим миллион тоннадан кўпроқ нефть маҳсулоти топширилган.

Саноат қурилиши вақтида маҳаллий миллат вакиллариининг сони ортиши натижасида «Полвонтош»да 1943 йилда ишчиларнинг умумий сони 185 киши бўлган бўлса, улардан 111 нафари ўзбеклар эди. 1944 йилда ишчиларнинг сони 352 га, улар орасидаги ўзбеклар сони 219 тага етган.

Сталин номли завод янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашмаган собиқ пахта заводининг биносига жойлаштирилган. Облаstdаги партия, совет ташкилотлари, завод коллективининг кўп маблағи ва меҳнати эвазига фронт учун керакли воситалар ишлаб чиқарувчи бу завод ишга туширилган. Қаттиқ меҳнат ўз самарасини бериб ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1944 йилда 1941 йилдагига нисбатан икки ярим баробардан ортиқча ўсиб, маҳсулотнинг таннарни 22 фоизга пасайган.

Завод уруш вақтида юқори малакали мутахассисларни тарбиялаган. Ишчиларнинг умумий сонидан 37,5 фоизи стахановчилар. Улар орасидан моторист Тождиддин Раҳимов, йигув цехининг мастери ёрдамчиси Ҳасан Муталипов, чилангарлар Болотов, Комил Каримов,



Замураева, инструментчи-токарь Голяндринов ва бошқалар ўз нормаларини 200 – 400 фоизга бажарганлар.

Ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам бўлган. Завод 1944 йилда тракторлар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш планини бажара олмаган.

Пахта тозалаш саноати ҳарбий ҳолат шароитида ўзининг вазифаларини бажара олмасдан 1941 йилга нисбатан ялпи маҳсулотни 31,54 фоиз ишлаб чиқарган.

Заводлар тўрт йилда давлатга режадагидан 88 минг тонна кам ип-калава етказиб берганлар, бу ип-калавадан 10 миллион метр мато тўқилса бўларди. Заводларда маҳсулот ишлаб чиқариш бу даражада камайиб кетганлигининг сабаби ускуналарнинг бузуқлиги туфайли туриб қолиши, хомашё билан таъминланмаганлик, заводлар раҳбариятининг ишни ташкил эта олмаганлигида бўлган.

Пахта тайёрлаш трести ишчилари ва заводлар раҳбарияти тола сифатига етарлича аҳамият бермаганлари натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ёмонлашган.

1944 йилда пахта заводлари ишлаб чиқариш режасини 66,4 фоизга бажарган, лекин 1944 йилнинг сўнгги тўрт ойида улар ўз ишини яхшилаган ва режани 112,3 фоизга адо этган. Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари урушгача бўлган даражага ета олмаган, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннари қиммат ва сифати паст бўлиб қолаверган, 1944 йилги режанинг ҳаммаси ҳам бажарилмаган. Техник уруғлар етишмаслиги ва заводларда иш яхши ташкил этилмаганлиги муносабати билан ёғ ишлаб чиқариш корхоналари режани бажаришда ортида қолган.

Маҳаллий саноат ишлаб чиқариши сезиларли даражада ортиши натижасида область маҳаллий саноат тизими ҳисоб-китобларига кўра 1941 йилга қараганда ялпи ишлаб чиқариш 120 фоизга ошган, промкооперациялар 110,6 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарган, ногиронлар кооперацияларининг маҳсулот ишлаб чиқариши 335,9 фоиз ошган. Янги маҳсулотлар – пахтадан матолар тўқиш, хўжалик совуни, гугурт, трикотаж материаллари, матлар, қишлоқ хўжалиги

инвентарлари, валенкалар, темирдан идиш-товоқлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Лекин бир қатор муаммолар ҳам бўлган, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифати пасайиб, ассортимент бўйича режа бажарилмаган, 1944 йилда 17 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг 5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режасигина бажарилиб, кетмон, ўроқ, гишт тайёрлаш бўйича режалар бажарилмаган.

Кўплаб сифатсиз маҳсулотлар савдога чиқарилган. «Ватан учун», «Красная звезда» артеллари маҳсулот нархини асоссиз кўтарган. Бундан келиб чиқадики, назорат йўқлиги туфайли кўплаб ташкилотлар давлатнинг обрўсини туширган.

Андижон области ҳамиша ёқилги етишмаслигидан азият чеккан. Бу ҳолат саноат корхоналари сони ортиган ҳарбий вақтда, айниқса, кучайган. Шу билан бирга, область ички ресурслар ҳисобидан эҳтиёжларини қондириш учун катта имкониятларга эга бўлишига қарамай, улар етарли даражада сафарбар қилинмаган. 1944 йилда ёқилги тайёрлаш режаси 18,6 фоиз бажарилган. Ўзбекистон ёқилги қўмитаси торф қазиб олиш ва уни ташишга ҳарбий ҳолат шароитида тайёр эмас эканлиги ошкор бўлган, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари бу ташкилотга ёрдам қила олмаган.

Шунингдек, шаҳар саноати ва коммунал-маиший ташкилот ва корхоналарни газлаштириш керак эканлиги қайд этилган.

Областда электроэнергияга эҳтиёж катта бўлган. Ажратилаётган лимит 60 – 70 фоиз эҳтиёжни қондирган, холос. Бу вазиятдан чиқиш учун Шаҳрихон ГЭСи қурилишини тезлаштириш кераклиги, бироқ бу ГЭС қурилиши қонқарсиз ҳолатда эканлиги таъкидланган. Область партия ташкилотининг 1944 йил июндаги қарорига кўра 800 колхозчи ажратилиши ва 170 000 иш кўни ҳисобида иш амалга оширилиши керак эди, лекин 7215 иш кўни миқдорида иш бажарилган, холос. Қурилишни ишчилар, мутахассислар, керакли материаллар, партия ва хўжалик раҳбарлари билан таъминлаш кераклиги маърузада алоҳида таъкидланган.

Яна бир муҳим вазифа қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўлиб, бу соҳада етарли иш-



лар амалга оширилмаганлиги қайд этилган. Область районларида 8 колхозда ГЭС бўлиб, улардан фақат 3 таси ишлаган, қолганлари мутахассис-электриклар билан таъминланмаганлиги учун фаолият кўрсатмаган. Маърузада бу ГЭСларни ишга тушириш ва 1945 йилда яна 40 та ГЭС қуриш кераклиги белгиланган.

Фарҳод ГЭС қурилишида андижонликлар ишлаётганликлари, улар станциянинг энг масъулиятли қисми қурилишида – асосий узелда меҳнат қилаётганлиги, улар томонидан 226 960 куб метр тупроқ ишлари, 44 200 куб метр қоятош ишлари, 27900 тош ва 73100 куб метр бетон ишлари амалга оширилгани қайд этилган.

Колхозчилар режани 110 – 135 фоизга бажаришиб стахановча меҳнат намуналарини кўрсатишган. Улардан кўплари чилангар, моторист, сигналист, гидромонтажчи мутахассисликларини эгаллаган. Лекин колхозчиларни Фарҳод ГЭСга жўнатиш қониқарли даражада амалга оширилмаган.

Тошкент темир йўлининг 6-бўлими томонидан уч ярим йилда юк ташиш ишларини амалга оширишда катта ютуқларга эришилган. Шундай бўлса-да, вагонларнинг туриб қолиши режадаги суткасига 1,32 нинг ўрнига 1,68 га етган.

Областдаги йўллар қониқарсиз аҳволга келиб қолгани ҳам маърузада алоҳида қайд этилган.

Телефон алоқаси ёмон ишлаётганлиги, аппаратура капитал таъмирни талаб қилиши, телеграммаларни, хат жўнатмаларини ва газеталарни етказиб бериш етарли ташкил этилмаётганлиги қайд қилинган.

Маърузада ҳисобот давридаги партиявий-ташкилий ишлар алоҳида талқин этилган.

1942 йил 1 январда Андижон область партия ташкилоти таркибида 1395 коммунист бўлган бўлса, 1945 йил февралига келиб коммунистлар сони 7846 тага етган. Ҳисобот даврида партия номзодлигига 4042 киши, партия аъзолигига 2446 киши қабул қилинган. Фақат 1944 йилнинг ўзида 854 киши партияга қабул қилинган. 1944 йилда партияга қабул қилинганлар миллий таркибининг асосий қисмини ўзбеклар (56 фоиз) ташкил этган. Партияга қабул қилинганлар орасида меҳнат илгорлари кўп бўлган.

Улар қаторида Сталин номли колхоз раиси, Ленин ордени билан мукофотланган Эшонхон Раззоқов, «За трудовое отличие» медали билан тақдирланган фрезерчи-стахановчи Набижон Мамажонов ҳам бор эди.

Уруш йиллари область партия ташкилотлари сони 208 тага кўпайди. Колхоз бошлангич партия ташкилотлари тармоғи ўсди. 1941 йилда уларнинг сони 183 та, 1945 йилнинг февралига эса 297 та бўлган. 636 колхоздан 304 тасида партия ташкилоти тузилган. Кўпчилик колхозларда партия ташкилотлари бўлмаган. Энг яхши колхозчиларни партия ташкилотига олиш амалга оширилган.

Маърузада Тарғибот-ташвиқот ишлари бўлимида 1941/1942 ўқув йили давомида умумий мажбурий таълимга 82,7 фоиз бола қамраб олинган бўлса, 1942/1943 ўқув йилида болаларнинг 87,8 фоизи, 1943/1944 ўқув йилида 85,6 фоизи қамраб олинганлиги таъкидланган. 1945 йилда режа яхши бажарилмаётгани, режа бўйича 115 000 бола умумий мажбурий таълимга қамраб олинishi керак бўлгани ҳолда, амалда 91 000 киши ўқишга жалб қилингани, яъни 79 фоиз бола мактаб таълимига қамраб олингани айtilган.

Областда ўқитувчи кадрларни тайёрлаш асосан Андижон давлат педагогика институтида амалга оширилган, лекин у айрим сабабларга кўра яхши йўлга қўйилмаган.

Таълим-тарбия жараёнини яхшилаш учун мутахассислиги бўйича ишламаётган ўқитувчиларга яхши шароитлар яратиш орқали таълим бериш фаолиятига қайтариш кераклиги айtilган.

Агар 1941 йилда областда 892 стационар койкага эга 21 касалхона бўлса, 1944 йилда 2354 стационар койкага эга 35 та касалхона мавжуд бўлган. Аёллар ва болалар консультация марказлари 18 та, шулардан 14 таси қишлоқда бўлган, 1945 йилда уларнинг сони мос равишда 22 ва 18 тага етган.

Бироқ 1945 йилгача Андижон областида безгак билан касалланиш кўплигича қолган. Бунга шолининг аҳоли пунктларига яқин жойларга экилиши сабаб деб кўрсатилган.



АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ГАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Фронт жангчиларига совға ортилган эшелон жўнатилди

Андижондан махсус вагонларда ватанимизнинг қаҳрамонона ҳимоячиларига 15 вагон совғалар жўнатилди. Фронт жангчилари 47 тонна гуруч, 450 та қўй, 3,5 тонна ун, 10,3 тонна бугдой, 6730 литр вино, 280 килограмм асал, 11635 килограмм қуруқ мева, 19 тонна ҳўл мева, 7,3 центнер сабзавот, 10,5 тонна қовун-тарвуз ва бошқа нарсалар олажаклар.

Андижон (ЎзТАГ) «Ватан учун» газетаси, 1942 йил 29 октябрь, 1-сон

Қонун байроғи остида

Мен чаманзор Фаргонанинг гўзал шаҳри – Андижонда тутилдим ва шу жойда тарбияланиб ўсдим. Илгари лой деворлардан қурилган пастак уйлар ўрнига бу жойда ҳашаматли, баланд, кўркам бинолар қурилган. Бу биноларда мактаблар, клублар, кинотеатр, касалхона, болалар богчаси ҳам яслилари, қизил чойхоналар жойлашган. Кўм-кўк парклар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб туради.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларга Конституциянинг берган самараларидир. Эркин меҳнат қилиш, дам олиш ҳам билим олиш ҳуқуқини олган фуқаролар бу гўзал биноларда стахановча меҳнатдан сўнг роҳат қилиб ҳордиқ чиқарадилар. Бу шаҳарда мен мактабни ҳам билим юртини ўқиб битирдим. Менинг уч синглим ҳам озодлик меваларидан фойдаланиб тўлиқсиз ўрта маълумотли бўлдилар. Ҳозир улар қувноқ болаларни ўқитмоқдалар.

Мен ҳам ўқитувчи эдим. Ёш бўтинларни ватанга берилган кадрлар қилиб чиқаришга бутун қучимни сарфлар эдим.

Бизга барча инсонлик ҳуқуқларини берган қонуннинг топширган бурчи – ватанни муҳофаза қилиш учун кўнгилли бўлиб армия хизматига кетдим. Армияда ҳам кичик командир унвонига эга бўлдим ва орзу қилган тилагимга етдим.

Шу хавфли соатда мен ҳам бошқа ватанпарварлар каби ўз бурчимни бажариб ватанимни ваҳший ёвдан сақлаб қолиш учун урушнинг биринчи кунларида фронтга жўнадим. Мана энди 18 ой бўлди, мен қўлимга қурол олиб душман билан олишмоқдаман. Мен 2 мартаба ярадор бўлган бўлсам ҳам, ҳали душмандан ўч олишга қувватим етади.

Биз душманни шу жойдан қайтарамиз, мактаб, клуб, кинотеатр ва богларимизни душманнынг тепкилашига, вайрон қилишига бермаймиз. Биз немис босқинчиларини янчиб ташлаймиз ва ўз шаҳримизга қайтиб, ўша ўзимиз қурган ҳусндор жойларга эгалик қиламиз.

Старший сержант В.Ашуров (Хотира китобларида В.Ашуров ҳақида маълумот топилмади)

«Ватан учун» газетаси, 1942 йил 6 декабрь, 11-сон

Онтни бузиш – энг оғир жиноят

Онтингга содиқ бўл, ўзбек халқининг номига иснод келтирма

Онтимга содиқман

Мен Андижон области Стрелков қишлоқ советиданман. Хотиним, иккита болам, 75 яшар отам ва 63 яшар онам шу қишлоқда истиқомат қиладилар. Колхоз уларнинг гамхўри. Оиламдан хат-хабар келиб турибди. Улар яхши кун кечиладилар. Кўнглим тинч, ҳавас ва завқ билан ўзимнинг муқаддас бурчимни бажармоқдаман – ватанимни муҳофаза қилмоқдаман.



Яқинда командир мени бир ўртоғим билан постга қўйди. Қоронгу кеча. Биз пистирмада. Узоқдан бир қора кўринди. Мен ўртоғимга:

– Сен жим тур, мен шу келаётганнинг адабини берай, – дедим.

Немислар томонидан келаётган одам рўпарамизга келиб етиши билан чоғлаб туриб тепкини босдим. У ағдарилиб тушди. Бориб кўрсак, немис автоматчиси экан.

Бу галабам немис ўқидан кўрган ярамга даво бўлди. Мен немисларни ўлдиришимни давом қилдиражакман.

Ўз ватанимни мудофаа қилиш учун майдонга отилиб чиқишга доим тайёрман ва армиянинг жанговари сифатида душман устидан тўла галаба қозониш учун ўз қонимни, ҳатто ҳаётимни аямай, ватанимни мардлик, моҳирлик билан, шараф ва номус билан мудофаа қилишга онт ичганман. Шу тантанали онтимга содиқман.

Қизил аскар Савтихон Рўзиев (Хотира китобларида В.Ашуров ҳақида маълумот топилмади)

«Ватан учун» газетаси, 1942 йил 17 декабр, 14-сон

Андижонда янги нефть қувурлари

ТОШКЕНТ. Андижон нефтчилари узунлиги 12 километр бўлган янги нефть қувурини эксплуатацияга бердилар. Бу қувурни қуришда область меҳнаткашлари актив ёрдам кўрсатдилар. Бу қувурлардан Ўзбекистондаги янги очилган «Полвонтош» конининг нефти оқа бошлади.

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 23 март, 19 (102)-сон

Шаҳрихонлик қаҳрамон

Гвардиячи ефрейтор Камолдин Юсупов радистлик қиладиган батарея ҳужум қилаётган бир ўқчи бўлинмани қўллаб туриш ҳақида жанговар буйруқ олди.

Уста радист ўз аппарати билан батарея командири ўрнашган назорат пунктида туриб, жанг майдонини кузатиб батарея командирининг командаларини тўп расчётларига етказиб турди. Унинг берган маълумотларига мувофиқ моҳир артиллериячи Шапаловнинг тўпчилари пиёда жангчиларнинг силжишига ҳалақит бераётган душман ўт очиш нуқталарини тўғри нишонга олиб отиб уларни жим қилиб қўйдилар. Тўп расчётининг ўқ ташувчи гвардиячи оддий аскари Содиқ Худойбердиев чаққонлик билан ҳаракат қилиб тўпчиларга ўқ етказиб турди.

Радист Юсупов, шунингдек, бошқа бир жангда немисларнинг қарши атакасини қайтаришда зўр жонбозлик кўрсатди. У гвардиячи капитан Храбров билан душман орқасига ўтиб батарея билан қисм командирини мунтазам равишда алоқа билан таъмин этиб турди.

Ҳозир бу ёш радистнинг кўкрагини «Қизил юлдуз» ва «Жасурлиги учун» медали безатиб туради. Бу йигит Ўзбекистоннинг Шаҳрихон районидан.

(Ўз мухбириримиздан)

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 9 октябрь, 64 (147)-сон

Қизил байроқни қўлдан бермаймиз

Заводимиз коллективи автозаводчиларнинг чақиригини қизгин маъқуллади. Цех ва якка ишчилар ўртасида мусобақанинг кенг қизитиб юборилиши ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришувимизни таъминламоқда.

Планга мувофиқ биз 9 ой мобайнида 1 миллион 800 минг сўмлик ҳар хил маҳсулот чиқаришимиз лозим эди. Биз 1 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб бердик. Иш яхши бормоқда.



Қуюв цехи биринчи ўн кунлик планини 113 процент, механика-йигув цехи 144 процент бажарди. 1 октябрча муҳим деталлар ишлаб чиқариш юзасидан йиллик программа тугалланади, поршен қалпоқлари чиқариш йиллик плани ҳозирнинг ўзидаёқ ошириб бажарилди. Заводимизнинг коллективи областдаги пахта заводларини янги ҳосилни тозалашга тайёрлаш соҳасида актив қатнашди. Биз улар учун юз мингларча сўмлик ҳар хил ускуна тайёрлаб бердик.

Стахановчилар заводимизнинг фахридир. Токарь Павел Калмиков 3 йилда бажариладиган нормани 7 ой ичида бажарди. Слесарь Чабанов, стерженчи Золотина, қолипчи Кван ўртоқлар ҳам 3 йиллик нормани бажардилар.

Коллективимиз Ўзбекистон тўқимачилик саноати халқ комиссарлигининг кўчма қизил байроғини тўрт ойдан буён ўз қўлида сақлаб келаётир. Коммунарчилар октябрлди кунларида баланд гайрат билан ишлаши ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар қозонишимизга гаровдир.

П.Прядко, Андижондаги «Коммунар»

завадининг директори

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 9 октябрь, 64 (147)-сон

«Сталинчи» колхозининг аёллари

Ҳақиқий иш бошланди. Ўзбекистонда энг йирик ҳисобланган пахтакор колхознинг далаларини қор қоплаган. Колхозда қайнаб турган ҳаёт қаҳратон қиш кунларида ҳам тўхтамайди. Кузги-қишки дала ишларининг суръати кун сайин кучаймоқда. Бу илгор колхознинг 1944 йилда шўҳрат қозониб ишлаган одамлари 1945 йилда янада мўлроқ ҳосил олиш учун маҳкам замин тайёрламоқдалар.

Рақамлар ҳақиқатни исбот қилади. Уруш йилларида колхоз ўн миллион сўмлаб даромад олди. Колхоз далаларида эркаклар билан бирликда 620 аёл ишлайди ва бу ҳал қилувчи куч галаба қозонди. Бу йил «Сталинчи» колхозининг аъзолари Ленин районида энг юқори ҳосил олдилар. 700 гектарнинг ҳар гектаридан 27 центнердан биринчи сорт пахта олинди. Колхоз фақат 1944 йилдагина давлатга қимматли стратегия хомашёсидан 1200 тонна топширди.

Энг яхши стахановчи 60 яшар Меҳрибиби Овулованинг донги колхоздагина эмас, ён-атрофда ҳам маълум. Унинг икки ўгли Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ фронтда жанг қилмоқда.

Кекса Меҳрибиби ўғиллари юзини шувут қилмади. Унинг меҳнат дафтарчасига 625 меҳнат куни ёзиб қўйилган. Меҳрибиби 14 минг килограмм пахта терди. Яқинда колхознинг ишларига яқун ясалгандан сўнг ўғилларига қисқача бундай деб ёзди:

«Ўғилларим! Мен кўпдан бери сизларга хат ёзолмадим, далада иш қизгинлигидан қўл тегмади, энди ҳамма қийинчилик тугагандан кейин, ҳосилни етиштириб, йигиб олиб давлатга топширгандан сўнг сизга колхоз далаларида ишловчи меҳнаткаш аёлларнинг иши тўғрисида ёзмоқчи бўлдим. Маълумки, сиз билан бирга колхознинг энг яхши кетмончилари, отбоқарлари, далачилари ва тракторчилари ҳам фронтга кетган эди. Улар ўрнини босиш лозим эди. Менга ўхшаб юзлаб хотинлар, шонли фронтчиларнинг хотинлари, опа-сингиллари, оналари ишга чиқдилар. Биз сизнинг олдингизда ҳам, Ватанимиз олдида ҳам қарздор бўлиб қолмадик, буни маълум қилиш билан бахтиёрмиз. Фронтчининг хотини Ровзахон Пўлатова 700 меҳнат куни ишлади, 15 минг килограмм пахта терди. Жанг майдонидаги Ҳайитбойнинг қизи ёшгина Санобархон ҳам яхши ишлади. У мактабда ўқишини давом эттириш билан бирга бўш вақтларида далада фидокорона ишлаб, йигим-терим вақтида 13700 килограмм пахта терди. Биз Ўзбекистон йигирма йиллиги шарафига очилган республика виставкасидан бизнинг колхозга республика социалистик мусобақа голиби сифатида кенг ўрин берилганлиги билан фахрланамиз...»

Меҳрибибининг хати барча колхозчиларга ўқиб эшиттирилди ва уни ҳамма маъқуллади.



Қишда далада қилинадиган ишларнинг суръати кун сайин зўраймоқда. Зовурларни тозалаш, далага гўнг чиқариш кенг қизитиб юборилди. Андижон область «Сталинчи» колхозининг аъзолари 1945 йилда 35 центнер ҳосил олиш учун курашадилар.

М.Шерман

«Совет жангчиси» газетаси, 1945 йил 6 февраль, 11 (207)-сон

Колхозчи аёлларнинг шавкатли меҳнати



Эрта баҳорда, республикада пахтачиликни юксалтириш учун умумхалқ юриши ривожланиб кетган пайтда, колхозимизнинг барча аъзолари мусобақага қўшилиб 30 центнердан пахта ҳосили олишга аҳд қилдик.

Жангдагидай меҳнат қиламиз деган шиор бизнинг шартимиз бўлди. Колхознинг энг яхши стахановчи аёлларидан Пўлатхон Усмонова, Ибратхон Толипова, Мутхон Исҳоқова бригадалар ҳамда айрим стахановчилар ўртасида ташаббускор бўлдилар. Буларнинг ҳар бири мавсумда 17 тоннадан пахта терди. Кўклам дала ишлари бошланган даврдаёқ иш аҳиллик билан ва сурункали олиб борилди.

Натижада ваъда қилган 30 центнер ўрнига 40 ярим центнердан ҳосил олдик. Шундай қилиб, йиллик планни икки ҳисса орттириб бажардик. Қариялар маҳаллий гўнг тайёрлаш ва уни далага чиқаришни яхши уюштирдилар. 55 яшар колхозчи Қурбонбой Саидалиев чоллар бригадасига бошчилик қилади, ҳозирда бу бригада кўклам ишларига ерни тайёрламоқда.

Биз ҳар бир колхозчига бир меҳнат куни учун 2 килограмдан дон, 18 сўмдан пул, ҳар 100 меҳнат куни учун 4 килограмдан ёғ, 12 метрдан газлама, 200 килограмдан линтер пахта берамиз. Йил бўйи 500 меҳнат куни ишлаган фронтчининг хотини Санобархон Юнусовага ўхшаганлар бизда анча.

Биз ўз олдимизга фахрли вазифа – 1945 йилда ҳар гектардан 50 центнердан пахта ҳосили олиб давлатга топшириш вазифасини қўйдик ва албатта бунинг уddасидан чиқамиз.

*Ҳидоятхон Холматова, Андижон область Избоскан район
«Қизил юлдуз» қишлоқ советидаги «Қизил октябрь»
колхозининг раиси, орденли
«Совет жангчиси» газетаси, 1945 йил 14 март, 21 (217)-сон*

Исомиддин Арабов пахтакор звенога бошчилик қилмоқда

ИЗБОСКАН. Собиқ пахтакор фронтчи Исомиддин Арабов 1944 йилнинг бошида ўз қишлоғидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига қайтди-да, дарров ишга тушиб, стахановчиларнинг биринчи қаторида бўлди. Исомиддин бир звенода 20 минг 600 килограмм пахта терди. Исомиддин Арабовнинг меҳнатда кўрсатган намунаси катта баҳога сазовор бўлди. Машҳур пахтакор «Ленин» ордени билан мукофотланди.

Энди Исомиддиннинг иши яна ортди. У колхознинг пахтакор звеносига бошчилик қилмоқда. Ёш звеночи Исомиддин Арабов бу йил давлатга камида 30 тонна пахта топшириш учун мажбурийат олди.

Шерман

«Совет жангчиси» газетаси, 1945 йил 24 март, 24 (220)-сон



Ўзбекистон далаларида

Миллион тонна пахта учун

... Андижон область Ленин районидаги Сталин номли колхоз бултур 700 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта олган эди. Колхозчилар бу йил 30 центнердан пахта олиш учун бригада ва звеноларда аҳиллик билан иш олиб бормоқдалар. Ариқлар тозаланиб, уруғ, чигитлар тайёрланмоқда. Колхозчилар Киров қишлоқ советидаги Тельман номли колхозни мусобақага чақириб, унга ёрдам бермоқдалар. Биринчи галда, колхозчиларнинг озиқ-овқати учун 3 тонна буғдой, экиш ишларида фойдаланишга 4 от бердилар. Энг тажрибали пахта билимдонларидан Исмоил Иброҳимов ва Юнусали Содиқовни колхозга боғлаб қўйдилар. Бу ўртоқларнинг «Тельман» колхозидagi бригада ва звеноларда ўз тажрибаларини татбиқ қилиб иш олиб боришлари натижасида аҳвол анча ўзгарди, колхозчилар орасида бу йил гектаридан камида 20 центнердан пахта бериш учун ҳаракат кучайди.

Илгор колхоз, бригада ва звеноларнинг қолоқларга аҳиллик билан ёрдам қилишлари соясида мамлакатга бир миллион тонна пахта беришни таъминлаймиз!

О.Бунакова

«Совет жангчиси» газетаси, 1945 йил 7 апрель, 28 (224)-сон

Ғалаба саломи

Ўзбекистон Андижон область Ленин райони Киров қишлоқ советидаги
«Коммунизм» колхозининг аъзоси Ризвонхон Ғафуровага

Вафодорим Ризвонхонга етиб маълум бўлсинки, гитлер Германиясига қарши олиб борилган ватан уруши майдонларида уруш бошидан буён қўлимдан қуролни қўймасдан фашистларга қарши жанг қилдим...

Харьков учун бўлган жангда бир марта, Будапешт учун бўлган жангда иккинчи марта ярадор бўлдим.

Энг сўнги ва кучли жангни биз Австрия пойтахти – Венада ўтказдик. Бу ерда биздан еган кучли зарбадан сўнг душман кетма-кет маглубиятга учради.

Ватан урушини ғалаба билан тугалладик. Мана шу умумий байрам кунларида, севган ёрим, сени, қизим Санобархон, ўғлим Алимжон ва Маъмуржонни табрик қиламан. Шу билан бирга, колхозимизнинг барча аъзоларини ғалаба байрами билан қутлайман.

Сизларга тинч ва бахтли ҳаёт тилаб саломхат ёзувчи Раҳмонберди Ғафуров.



Избоскан район советидаги Сталин номли колхознинг Кумушхон Қодирова звеносида дам олиш пайтлари газетхонлик билан ўтказилади. Суратда: Комсомол ташкилотининг секретари Рашид Абдуллаев звенога газета ўқиб бермоқда. С.Безносков фотоси

«Совет жангчиси» газетаси, 1945 йил 23 май, 43 (289)-сон



Одесса меҳнаткашларига совга

Андижон многопромсоюз коллективи Украинанинг озод қилинган районларига ёрдамни тобора кучайтирмоқда. Харьков ва Киев аҳолиларига яқинда 4 вагон совга юборилди. Булар орасида 400 метр турли шоҳи кийимлар ва уй-рўзгор асбоблари бор эди. Многопромсоюз коллективи ҳозир Одесса меҳнаткашлари учун совга юборишга тайёрланишмоқда, одессаликларга атаб 4 вагон совга юборишга қарор қилинди.

«Қизил аскар ҳақиқати» газетаси, 1944 йил 6 май, 28-сон

Ватанимизда

Қизил армия 26 йиллиги шарафига

Андижонда янги нефть қувурлари

Тошкент. Андижон нефтчилари Қизил Армия 26 йиллигини катта ишлаб чиқариш галабаси билан қарши олдилар. Бу ерда шонли 26 йилликка совга тариқасида узунлиги 12 километр бўлган янги нефть қувури эксплуатацияга берилди. Бу қувурни қуришда область меҳнаткашлари актив ёрдам кўрсатдилар. Бу қувурлардан Ўзбекистондаги энг ёш – янги «Полвонтош» конининг нефти оқа бошлади.

Андижон нефтчилари 23 февралга пландан ташқари икки маршрут нефть бериш мажбуриятини олган эдилар. Бу мажбурият муддатдан 8 кун илгари бажарилди.

«Ватан шарафи учун» газетаси, 1944 йил 23 февраль, 15 (204)-сон

Пахта далаларида

АНДИЖОН. Избоскан районининг ёш пахтакорлари октябролди социалистик мусобақасида актив қатнашмоқдалар. Район колхозларида 2 минг ёшлар ва қизлардан иборат 186 ёшлар бригадалари ташкил қилинди.

«Зарбдор» колхозининг теримчиси комсомолка Ўгилхон Қурбонованинг шўҳрати бутун районга ёйилган. Ўгилхон икки қўллаб ишлаб ҳар куни 335 килограмдан пахта термоқда.

«Ватан шарафи учун» газетаси, 1945 йил 21 октябрь, 63 (348)-сон

Пахта учун курашда колхоз агитаторларининг иши

Андижон (ЎзТАГ). Илгари қишлоқ хўжалигидан бошқа ишларда банд бўлиб келган пахта усталаридан 500 киши районимиз колхозларига қайтиб келди. Улар агитация ишларини уюштиришни ҳам ўз устларига олдилар. Ёрбоши қишлоқ советидаги Дзержинский номли колхозининг раиси Теша Боймирзаев 12 кишидан иборат колхоз агитаторларининг группасини ташкил қилди. Агитаторлар қизгин ишга киришдилар, улар ҳар куни халқаро аҳвол ҳақида, Ватан уруши фронтларидаги уруш ҳаракатлари ҳақида сўнгги янгиликларни колхозчиларга тушинтириб турадилар. «Жанговар варақалар» чиқармоқдалар. Агитаторларнинг ёрдами билан колхозда маданий чойхона ташкил этилди.



Зовроқ қишлоқ советидаги Сталин номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам оммавий агитация ишлари қизитиб юборилди. Бу ерда сиёсий тўтараклар тартибли ишлаб турибди, колхозчилар ўртоқ Сталиннинг «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши ҳақида»ги китобини ўрганмоқдалар. Районнинг 12 қишлоқ советида агитпунктлар ташкил этилди. Колхозларда 25 маданий чойхона очилди.

Пахтачилик бригадалари ва звеноларида ўнлаб жанговар варақалар чиқарилмоқда. Сиёсий иш кўклам экин ишларининг большевикча муваффақиятли ўтказилиши учун ёрдам бермоқда.

Дадажон Қосимов, ЎзКП (б) Андижон райони комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири

«Жон Андижон» деган фильм яқинда Совет Иттифоқи ва чет эл киноларида кўрсатилади

СССР Халқ Комиссарлиги Совети қошидаги кинематография ишлари комитетида Тошкент киностудияси томонидан чиқарилган «Жон Андижон» деган кинохроника кўриқдан ўтказилган. Бу фильм уйғур колхозчиларининг турмушини ифодалайди. Фильм Совет Иттифоқи ва чет эл киноларида кўрсатилади. Уни инглиз, форси, араб ҳамда бошқа тилларга таржима қилиш бошланди.

(ЎЗТАГ)

Фронт! Ўзбекистонни эшит!

**Андижон область Ворошилов район Ленин номли колхоз аъзоларининг
Н-нчи қисм жангчиларига ХАТИ**

Қимматли жангчилар!

Ҳамқишлогимиз, илгари ўқитувчи, ҳозир гвардиячи сержант Ҳакимжон Иброҳимовнинг Ватан уруши frontiда кўрсатаётган қаҳрамонликлари ҳақида хабарни эшитиб ниҳоят хурсанд бўлдик. Бу хабар бизнинг кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшди. Биз Ленин номли колхознинг эр-аёл колхозчилари улут доҳиймиз ўртоқ Сталиннинг чақириги блан ҳамма бир яқадан бош чиқариб, бутун ишимизни ҳарбий изга солиб, қайта қуриб олганмиз.

Ҳаммамиз гитлеризмни маҳв этиш учун ўзимизни фронт орқасидаги қудратли меҳнат фронтининг жангчилари деб э'лон қилдик.

Биз бу йил пахтадан юқори ҳосил олиш учун доҳиймиз ўртоқ Сталинга ёд қилинган қасамни албатта шараф блан бажарамиз. Биз пахта далаларида фидокорона ишлаб меҳнатда ажойиб қаҳрамонликларни яратдик. Колхозимизда Усмон Холматов, Кенжахон Умарова, Нодирахон Умрзақова ва Холисхон Ашуровалар каби уруш даврининг стахановчилари етишиб чиқдилар, улар ўз нормаларини ошиги блан бажариб, ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Қамчибой Холбекиев, Мамажон Холиқов ва Абдулла Умаров каби қарияларимиз уруш бошлангандан буён фронтга кетган ўз болаларининг ўрнини келиб эгалладилар, уларнинг вазифаларини шараф блан бажармоқдалар.

Мирзақосим ота Содиқовни ҳамма билади. У фронтга кетган 2 ўғлининг нормасини бажариш учун кечаю кундуз меҳнат frontiда жанг қилмоқда. Колхозимизда бундай ватанпарварлар жуда ҳам кўп.



Ҳозир пахталаримиз қийгос очилган. Мўл ҳосилни йигиштириб олиш учун бутун имкониятларни ишга солиб, пахтаминизни бир граммини нобуд қилмасдан йигиштириб оламиз. Октябрь социалистик революциясининг 27 йиллик шонли байрами кунда планиминизни ортиги блан бажариб ватан олдида, улуғ Сталин олдида, сиз, қаҳрамонлар, олдида эришган галабаларимиздан рапорт берамиз. Пилла жуда катта давлат аҳамиятига эга эканини тушунган ўртоқ Иброҳимовнинг оиласи Мўтабархон Иброҳимова бу йил бир қути пилла тутиб, 50 ўрнига 85 килограмм биринчи сорт пилла топшириб колхозда шуҳрат қозонди.

Азиз жангчилар!

Фронт орқасида мардонавор ҳаракат қилаётган ота-оналарингиз, фарзандларингиз ва қайлиқларингизнинг номус-ори учун қуроқларингизни дадилроқ тутингиз. Техникани яна ҳам пухтароқ ўзлаштирингиз. Душманнинг бутун ҳийла-найрангини тез пайқаб оладирган бўлиб, уни ҳар қадамда қақшатингиз. Ана шундагина биз сиздан минг марта она сути ҳурмати розимиз.

Галаба кунларимиз яқин, паровон кунлар яна барқ уриб қанот ёзади. Ана шунда улуғ жангда қаҳрамонлик кўрсатган сиз оташин авлодлар блан биз меҳнат фронтининг жангчилари улут доҳиймиз, саркардамиз ўртоқ Сталин раҳбарлигида янги қувноқ, олийжаноб ҳаётга қараб янада дадил қадам ташлаймиз.

Сталин учун, ватан учун олга!

Ворошилов қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз а'золарининг топширигига мувофиқ:

Ленин номли колхознинг раиси, орденли Ашурали Ҳатамов, колхоз бошлангич партия ташкилотининг секретари Иззатой Тошматова, колхоз ҳосилот совет кенгашининг раиси Қўшақбой

Ҳасанов, илгор звенолардан Тўйчибой Холиқов, стахановчи колхозчилардан Кенжахон Умарова, Усмон Холматов, Холисхон Ашурова, Ленин, Коммунизм номли мактаб директори Мирза

Умаров, илгор ўқитувчилардан Турғунжон Орипова, аълочи ўқувчилардан Манжикхон Қўшақова.

Нашрга тайёрловчилар: Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи ходимлари Рустамбек Шамсутдинов, Жасурбек Иминов, Дилшодбек Хомидов, Омаджон Олимов, Иломиддин Насриддинов, Беҳзод Каримов



УСМОН ЮСУПОВ

Р.Т.Шамсутдинов, Д.И.Хомидов



Усмон Юсупов (1900 – 1966) бутун қалби ва вужуди билан Коммунист-тик партия, советлар ишига, социализм ва коммунизм гояларига ишонган ва амалда алданган, камтарин ва олижаноб ўзбекона фазилатларга эга Ўзбекистоннинг сиёсат ва давлат арбобларидан бўлган. У 1937 – 1950 йилларда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби, 1953 – 1955 йилларда эса Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган.

Усмон Юсупов жуда катта ташкилотчилик қобилиятига эга шахс эди. У урушгача, хусусан, 1939 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва

урушдан кейинги оғир даврлардаги фаолияти давомида ҳаёт синовидан ўтди. Усмон Юсуповнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги 13 йиллик фаолиятига тўғри ва холисона баҳони Коммунист-тик партия мафкураси нуқтаи назаридан у билан партиядош арбоб Н.А.Муҳиддинов берган: **«У халқ билан гаплаша биларди. Республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳеч нарсадан қочирмас, шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг йўлини тўғри амалга оширишга сидқидилдан ҳаракат қилар эди. Энг муҳими, халққа суянардди, ўз вақтида сафарбар этилган халқ нималарга қодирлигини ўз тажрибасидан яхши биларди ва ундан муруватини ҳеч аямасди. Тўғри, ўша йилларда ҳам анча-мунча камчиликлар бўлган. Шу жумладан, Усмон ака ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйган. Лекин бу унинг республика тараққиёти учун қилган меҳнатлари олдида мисқолчадир. У партиявий ишини тўғри йўлга қўйиб, меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эришгани, уларни катта бунёдкорлик (албатта, бу баландпарвоз сўзлар компартия раҳбарига хослигини унутмаслигимиз керак – Р.Ш., Д.Х.) ишларига отлантира олгани аниқ. Ана шу чин юракдан қилган меҳнатлари эвазига ҳам у бутун халқ юрагида қолди. Иззати абадий».**¹

30-йилларда уюштирилган қатагонларда Усмон Юсуповнинг айби йўқ деб бўлмайди. Жумладан, у ўзининг **«Контрреволюцион банда батамом тугатилсин»** деб номланган мақола-сида шундай ёзган эди: «Халқ душманларининг фош этилган бандаси, ярамас контрреволюцион миллатчилар Икромов, Файзулла Хўжаев, Исломов, Болтабоев, Каримов, Шермухаммедов, Турсунхўжаев, Усмонов, Тўрабеков, Сорокин, Ҳасанов, Мирзааҳмедов ва бошқалар партия билети билан ниқобланиб, эгаллаб турган лавозимлари яратиб қўйган имкониятларидан фой-

¹ Муҳиддинов Н. Мангу сабоқ // Ёшлик. 1987. №6.



даланиб ўз ярамаслиги ва тубанлиги бўйича мисли кўрилмаган фитна уюштирдилар. Улар ўзбек ва бутун совет халқларини хоинликка тайёрладилар».² 1937 йил 10 ноябрда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Янги галабалар сари олга!» мақоласида шундай ёзади: «Халқ душманлари, ажнабий давлат жосуслари Файзулла Хўжаев, Икромов, Цехер, Манжара, Р.Исломов, Зелькина, Каримов, Немцович ва бошқалар ўзбек халқига кўп ёмонлик ва ифрослик қилдилар. Улар пахтачиликнинг ривожланишига тўсиқ бўлдилар, алмашлаб экишни буздилар, Ўзбекистондаги ҳаётнинг асосий манбаи – сув хўжалигини емирдилар. Улар саноат, энергетика ва ирригация қурилишига тўсиқ бўлдилар ва буздилар.

Қорамолларни заҳарладилар, юқумли касаллар тарқатдилар, қорақўл сифатини буздилар, қорамолларни қирдилар. Улар ВКП (б) Марказқўми, СССР Халқ Комиссарлари Совети қарорларини ва Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиб, ўн минглаб колхозчилардан томорқа ерларини тортиб олдилар, колхозчиларни сутли сигирларидан маҳрум қилдилар.



Усмон Юсупов Андижонда, унинг чап томонида Тўпахон Ҳакимова, олд қаторда ўтирган Лутфихоним Саримсоқова

Халқ душманлари хўжалик ва маданий қурилишнинг кўп участкаларида зиён етказиш ва ўсишига тўсиқ бўлиш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Баъзи участкаларда ҳали фош қилинмаган уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам зиён етказаётирлар ва зиёнчилик оқибатларини тугатиш тадбирларига саботаж қилмоқдалар».

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи котибининг бу чиқиши республикада ялпи қатагоннинг янада юқори босқичга кўтарилишига йўл очди.

1938 йилнинг баҳорига келиб вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар партия комитетлари котибларининг 60 фоизи қамоққа олинди. Худди шу йилнинг иккинчи ярмида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар партия котибларидан 114 нафари қатагон қилинди.³

Бундай хатти-ҳаракатлар ва фикр-мулоҳазалар 30-йилларда Усмон Юсупов фаолиятида анчагина. Бундай йўлни тутмасдан у ўзининг эгаллаб турган лавозимида ишлай олмас эди. Мабодо «бошқача» йўл тутган тақдирда ҳам унинг қўлидан ҳеч нарса келмаслиги ақли расо ҳар бир ким-

² Комсомолец Узбекистана. 1937 г. 2 сентября.

³ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. – Андижон: Мерос, 1998. – Б.402 – 405.



Усмон Юсупов Андижонда, унинг чап томонида Тупахон Ҳакимова, олд қаторда ўтирган Лутфихоним Саримсоқова

сага кундек аён эди. Усмон Юсупов ҳам қўғирчоқ миллий раҳбарларнинг бири бўлган, холос. Аммо бундан мамлакатда уюштирилган оммавий қатагонларга Ўзбекистон раҳбари бефарқ қараган деб айтиш, албатта, Усмон Юсупов хотирасига нисбатан ҳурматсизлик бўлур эди.

Жумладан, у 1938 йилда шахсан И.Сталин, Андреев ва Маленковга махсус хат билан мурожаат қилди ва унда НКВД (ички ишлар халқ комиссарлиги) ходимлари ҳаддан ошаётганликларини, шу боисдан уларни жиловлаб қўйишни сўрайди: «Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарликлари органлари фаолиятида жуда катта камчилик ва қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда, бу ҳолат НКВД органларига суқилиб кириб олган душманлар, айниқса, Леонов (халқ комиссарининг собиқ ўринбосари) ва Апрессян (собиқ халқ комиссари) томонидан ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиб, ҳатто шунга мажбурлаб келинди. Оммавий қамоққа олишларга зўр берилди, кўп ҳолатлар етарли даражада асосланмади. Ички ишлар халқ комиссарлигида, унинг

районлардаги бўлимларида ҳатто энг кўп қамоққа олиш учун мусобақа эълон қилинди. Бинобарин, НКВД ходимлари фаолиятига баҳо беришда уларнинг ўзлари ҳибсга олган одамларнинг кўрсатмалари ва сони далил бўлиб хизмат қилди. Бу эса етарли даражада асосланмай қамашларга кенг йўл очди».⁴ «Катта қиргин» авжига минган бир шароитда И.В.Сталинга бундай хат билан мурожаат қилиб бор ҳақиқатни ёзганлиги ўта хавфли эди, бу унинг жасоратидан далолат.

Биргина шу ёзилган хат туфайли Усмон Юсуповнинг ҳаёти хавф остида қолди, унинг ўзининг устидан айблов ҳужжатлари тўплай бошладилар. Файзулла Қиличевнинг ҳикоя қилишича, Леонов-Немировскийга нисбатан 1938 йилда қўзгатилган жиноий иш ҳужжатлари орасида Г.Затуловскийнинг кўрсатмаси бўлган. Унда ёзилишича: «Леонов бошчилигида бўлим бошлиги Лисицин томонидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Усмон Юсуповга нисбатан уйдирмалардан иборат материал

⁴ Халқ сўзи. 1991 йил 23 май.



тўплана бошланди. Улар қамокда ётган Ғулом Ёқубов ва Рустам Исломов (иккаласи ҳам республикада раҳбар ходимлар бўлган)лардан минг хил азоблар бериш йўли билан Юсупов, Акмал Икромов тўдасидаги аксилинқилобий ҳаракатда бўлганларнинг фаолларидан эди деб ёздириб олдилар».⁵ Кўриниб турибдики, Усмон Юсупов ҳам қамалиш арафасида эди. Фақат Москвада тўсатдан Ежовнинг қамокқа олиниши Усмон отани қабоҳатли қатағондан сақлаб қолган.⁶

Бу арбобнинг ҳар қанча мақтаса арзийдиган ва элимизга тарғиб этадиган хислат-фазилатлари ниҳоятда кўп. Уруш йиллари республика аҳолисини ва Ўзбекистонга Украина, Белоруссия, РСФСРдан кўчириб келтирилган аҳолини, эвакуация қилинганлар, уруш қатнашчиларининг оилаларини, 200 мингдан зиёд болаларни очликдан сақлаб қолишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Усмон Юсупов уруш йилларида вилоятларда бўлиб, ҳамма нарсани фронтга, ғалаба учун сафарбар қилиш борасида мислсиз фаолият кўрсатган. 1942 йил 4 – 5 июль кунлари Андижон вилоятида бўлиб, область партия комитети бюросида Андижон нефть саноати иши тўғрисида, Пахта трести ва ёғ ишлаб чиқариш заводлари фаолияти тўғрисидаги масалалар бўйича нутқ сўзлаган. 1943, 1944, 1945 йилларда ҳам Андижонга бир неча бор ташриф буюриб, ўша даврнинг муҳим масалаларини ҳал қилишга бевосита ҳисса қўшганлиги ҳужжатларда акс эттирилган.

Усмон Юсупов қўшни республикалар билан яқин ва самимий муносабатда бўлгани ҳужжатларда ўз аксини топган. Масалан, қўшни Қирғизистон Республикасида 1952 йил сентябргача Компартия Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида руслардан бўлган С.Боголюбов фаолият кўрсатган. Усмон Юсупов шахсан И.В.Сталин билан бўлган суҳбатлардан бирида унга бу ҳолатни айтиб қирғизлардан биринчи раҳбар қилиб қўйишликни маслаҳат берган. 1936 йилдан Ўзбекистонда давлат ва партия ишларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётган, 1939 – 1940 йилларда ЎзССР ХКС қошидаги Давлат план қўмитаси раиси, 1940 – 1944

йилларда ЎзССР ХКС раисининг ўринбосари, 1941 – 1944 йилларда Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссари, 1944 – 1945 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби лавозимларида ишлаган Раззоқов Исҳоқ Раззоқовичнинг Қирғизистонда ишлаши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган.

Натижада И.Раззоқов 1945 – 1950 йилларда Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси, 1950 – 1961 йилларда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби лавозимида ишлаган.

Хуллас, Усмон Юсупов қабоҳат тегирмони бор кучи билан айланиб ватандошларимизни ўз домига аждаҳодек тортиб турган энг огир дамларда Ўзбекистонни бошқарган арбоб эди. Бизнингча, Ўзбекистоннинг йирик давлат ва партия арбоби Усмон Юсуповнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ҳолисона ёритиб бериш ва бу сиймонинг шонли ҳаёти, кураши мисолида бутун халқимизни, айниқса, ёшларимизни тарбиялашда унумли фойдаланишимиз зарур. Бу арбоб тўғрисида бадиий ва драматик асарлар, кинофильмлар яратиш, унинг номини абадийлаштириш мақсадга мувофиқдир.



Исҳоқ Раззоқов
(1910 – 1979)

**Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети биринчи секретари Усмон
Юсуповнинг Андижон область партия
комитетининг фаоллар иштирокидаги
бюро йиғилишида пахта тайёрлаш ва
йиғим-терими бўйича нутқи**

Андижон шаҳри

16 октябрь 1944 йил

Пахта тайёрлаш режасини бажариш 1944 йил 1 октябрь ҳолатига 1941 йилга нисбатан 3 фоизга орқада қолди. 1 октябрга қадар пахта тайёрлаш бўйича Иттифокдаги республикалар орасида олдинда эдик – бу шундай бўлиши ҳам керак, чунки Иттифокда пахта тайёрлашнинг истиқболи, аввало, Ўзбекистон билан боғлиқ.

⁵ Қиличев Ф. Зулматдан садолар. – Тошкент: Адолат, 1994. – Б.138.

⁶ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. – Андижон: Мерос, 1998. – Б.586 – 588.



10 октябрда 1941 йил даражасидан 13 фоизга ортида қолдик ва бир қатор республикалар бизга деярли етиб олишди, 15 октябрга келиб уларнинг баъзилари биздан ўтиб кетсалар ҳам ажаб эмас.

Ўзбекистоннинг бундай ортида қолиши ВКП (б) Марказий Комитетини ташвишлантирмай қолмади, МК аппаратидан бир қатор ўртоқлар нега бундай бўлаётганлигини сўраб қўнгиروق қилишди. Кейин, сизга маълумки, пахта тайёрлаш суръатини ошириш учун барча чораларни кўриш бўйича ВКП (б) МКнинг 11 октябрдаги қарори етиб келди.

Умумий кўрсаткич бўйича Андижон вилояти бошқаларга нисбатан ёмон аҳволда. Бугунги кунгача 50% пахта топширилган, республиканинг ўртача кўрсаткичидан 4% пастда.

Октябрда Андижон области районлари пахтанинг 55,5 фоизини топширишлари керак эди, бу 10% ни ташкил этади.

Шундай савол тугилади: ўзи нима бўляпти?

Балки, ҳосил йўқдир? Мен йигилишда сўзга чиққанларнинг гапларини диққат билан тингладим. Уларнинг аксарияти режани ошириб бажариш учун барча асослар бор дейишди.

Демак, ҳосил борлигига шубҳа йўқ. Унда гап нимада, кўриниб турибдики, гап ташкилотчилик ишларининг бўшлиғи, аниқроқ қилиб айтганда, ташкилий лоқайдликда.

Унда шундай савол тугилади: ВКП (б) МКнинг Андижон область партия комитети ҳисоботи бўйича огоҳлантиришдан ўзингиз қандай хулоса чиқардингиз? Унда ташкилий лоқайдлик, юзакилик, негатив раҳбарлик усули ҳақида рўйирост кўрсатилган.

Пахта тайёрлаш бўйича вазиятга ҳолис баҳо бериш билан шундай хулоса қилиш мумкин: Ойим райони секретари, Сталин райони секретари каби бизнинг ташкилотимизнинг сафида бўлган бир қатор ўртоқлар ВКП (б) МК қарорининг тўғрилигини тасдиқлаш билангина кифояланиб, аслида, амалий ташкилий иш ўрнига сафсатабозлик билан чегараланган.

Ўртоқлар менга сиз пахта тайёрлашдаги қониқарсиз аҳволнинг юзага келишига бошқа объектив сабаблар борлигини ҳисобга олмаяпсиз дейишлари мумкин. Қандай сабаблар?

Биринчидан, ўтган 30 кунда ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли пахта очилиши секин-

лашди. Шунга қарамай, район партия қўмитаси, раҳбар ходимлари имкони борича шижоат ва тадбиркорлик кўрсатишлари керак эди. Масалан, айрим қишлоқ советларида, колхозларда пахта очилмаган, бошқаларида эса очилган ёки бўлмаса бир колхознинг ўзида бир бригадада очилмаган-у, иккинчисидан очилган ёки шароит шундайки, пахта оммавий очилмагани билан, айрим жойларда очилган. Бу ҳеч бўлмаса белгиланган режанинг 50 фоизини бажариш имкони беради.

Ўртоқлар тадбиркорлик, шижоат кўрсатиш ўрнига табиат инжиқликларидан кайфияти тушиб, оқибатда иш кескин ортига қараб кетган, далага чиқаётганлар сони камайишига олиб келинган. Шундай қилиб, ўртоқлар қийинчиликларга дуч келишлари билан жиловни қўйиб юборганлар, пахта тайёрлашни ўз ҳолига ташлаб қўйишган.

Асосий сабаб ҳам мана шунда.

Иккинчидан, ҳақиқатдан ҳам, бир неча кун ҳавонинг авзойи бузилди, ёгингарчилик бўлди. Аммо, қаранг, ёмғир томчилай бошладию давлатга пахта топшириш дарҳол тўхтатилди. Кучли ёмғир ёгган кунлари эса фақат ўша кунда эмас, эртаси, индинига ҳам пахта топширилмаган, бу эса бир ҳафта давомида ишнинг сусайишига олиб келган.

Нега шундай бўлди? Шунинг учунки, ўртоқлар кузги қийинчиликларга, уларни бартараф этиб боришга тайёр эмас эдилар. Сентябрьнинг биринчи ярмидаги каби об-ҳаво бўлади деган фикрда юришган. Дастлабки қийинчиликларок уларни саросимага солиб қўйди.

Шундай ҳолга келмасликнинг иложи бормиди? Албатта, бор эди. Кеч куз, қиш келаётганидан бунга астойдил тайёргарлик кўрилса бўлмасмиди? Бўларди. Ана шулар ҳақида ўйланганлар.

Учинчидан, ўртоқларнинг айтишларича, ҳосил мўл, гап шундаки, ишчи кучи етишмасмиш. Ишчи кучи етишмаслиги бор гап. Бироқ бу янги гап эмас, бу аксиома, боз устига, бошқа ишлар ҳам шошириб қўйди. Донни йигиштириб олиш ва бошқа муҳим вазифалар. Шунга қарамай, бир қатор вазифалар бир пайтда юзага келганда уларнинг энг асосийсини маҳкам ушлаш ҳақидаги партиямиз кўрсатмасига амал қилиш



лозим. Бизнинг асосий вазифамиз пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, барча кучларни пахта тайёрлашга сафарбар этиш ўрнига тарқоқ ҳолга келтирилди ва улардан оқилона фойдаланилмади.

Мана шу учинчи сабаб.

Аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак?

Биринчидан, кеч куз келганлиги учун эндиликда пахтанинг гуркираб очилиб кетишини кутиш беҳуда. Очилганини териб олмоқ керак.

Иккинчидан, ишчи кучининг кичик бир қисмини бошқа ишларга жалб этиш. Бошқа ҳаммасини тўлалигича, шу ҳисобдан административ таркибни пахта теримига сафарбар этиш зарур. Бунга мактаб ўқитувчилари, шаҳар ва районлар хизматчилари ҳам жалб этилиши лозим. Шуни ҳисобга олиш зарурки, агар жойларда ҳосилни ўз вақтида, ўз кучи билан йиғиштириб олишлари мумкин бўлса, ўша жойларга ҳам ёппасига ҳашарчиларни юбормаслик керак.

Учинчидан, ишни олиб бориш, аввало, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашни талаб этади. Интизом териб олинган пахта тонналари билан ўлчанади.

Пахта терими бўйича вазият жиддий. Ҳар қандай шароитда ҳам шарманда бўлмаслик, партия ишончини оқлашимиз учун пахта топшириш режасини бажаришимиз, ошириб бажаришимиз зарур.

Энг аввало, раҳбар кадрлар ўртасида жиддий интизомни ўрнатмай, ташкилий лоқайдликни бартараф этмай туриб олдимиздаги барча тўсиқлардан ўтиш мумкин эмас деб ўйлайман.

Мен шуни назарда тутяпманки, графикни ишлаб чиқишда унинг амалга ошишини таъминловчи барча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Область ташкилотлари томонидан жиддий назорат ва ёрдам кўрсатилиши лозим.

Менинг фикримча, графикни тўлдириб бориш учун районда барча ресурслар бўла туриб давлатга пахта топшириш режасини бажармаётган раҳбарларга партия ва давлат органларини алдаётганлар дея қараш керак. Мана шу жиҳатдан қаралганда, область партия комитети уларга нисбатан лавозимидан олиб судга беришгача энг жиддий чораларни кўриши тўғри бўлади. Зеро, биз халқни хижолат ҳолатда қолдиришларига йўл қўймаймиз.

Шундай чоралар кўрибгина сафларимизда интизомни мустаҳкамлашимиз мумкин. Бу, айниқса, ваъдани беравер-у, кейин нима бўлса бўлар қабилда иш тутишдек интизомсизликда чегарадан чиқиб кетаётган ўртоқларга тегишли. Гап режани бажариш бўйича қатъий партия ва давлат интизомини ўрнатиш ҳақида борапти.

Тўртинчидан, тегишли иқтисодий, моддий манфаатдорликлар билан омма кўтаринкилигини ошириш.

Энг аввало, теримнинг меъёрини аниқлаб олишимиз керак. Нормани сентябрнинг бошидаги каби 40, 45, 50 кг эмас, уни бироз пасайтириб 25 – 30 кг қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ: норма теримчиларнинг қизиқишларини ошириши керак.

Пахта йигим-теримида қатнашаётган колхозчилар бошқа ишларни бажараётганларга нисбатан баъзи бир имтиёзларга ҳам эга бўлишсин. Масалан, бошқа ишларни бажараётганлар аванс тариқасидаги 250 грамдан бутдой олаётган бўлса, теримчиларга 300 грамдан берилсин.

Наркомзем, партия ва совет органлари давлат томонидан колхозчи пахтакорлар учун берилаётган нон, ёғ, чой каби маҳсулотлар ўз эгаларига тўлалигича етиб боришлигини қатъий назорат қилишлари зарур. Бунга қўшимча, колхозчиларни теримга оммавий жалб этиш ва нормалар бажариб бориши учун маҳсулотларни шундай тарқатиш керакки, улар асосан пахта теримида иштирок этаётганларга ажратилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, нормани 2 – 3 баробар бажарадиган элликмингчилар сафи кенгайиб борсин.

Бешинчидан, агар биз пахта йигим-теримини ортга сураверсак, аҳвол қийинлашиб бораверади. Ёмгир, қор ёғиши билан, аввалги йилларда бўлгани каби, дастлаб аргамчи билан гўзаларни силкитиб қорини туширгач, кейин пахта теримига тушилади. Бу биз учун гоят ачинарли ҳолат бўларди. Чунки пойабзал, кийим-кечак танқис, теримда асосан хотин-қизлар ва болалар машгул.

Вазиятдан чиқиш учун халқни кўтариш зарур. Ҳосилни нобуд бўлишдан фақат умумхалқ сафарбарлиги қутқариб қолади.



Бухороликлар 6 ноябргача режани бажариш ва режадан ташқари яна 10 фоиз пахта топшириш мусобақасига қўшилдилар. Шундан келиб чиқиб улар барча колхозларда мусобақалашини авж олдиришган.

Ўзбек халқининг ўртоқ Сталинга берган қасамёдининг устидан чиқиши учун мусобақани авж олдиришимиз зарур деб ҳисоблайман. Фаргонада бўлгани каби, буни икки кунда ташкил этишга ваъда берганликларидек мусобақалашини юзаки ёндашишга мен қаршиман. Юзаки ёндашишдан ҳеч нарса чиқмайди.

Пахта топшириш режасини тезроқ бажариш учун курашга халқ ёппасига сафарбар этиладиган ҳақиқий мусобақа ташкил қилиш учун қуйидагилар зарур:

- а) халқ ҳаракатига, энг аввало, партия аъзолари ва номзодларидан йўлбошчилар тайинлаш;
- б) комсомол ташкилотларини кўтариш, бригада ва звеноларга раҳбар этиб қўйиш;
- в) шу билан бирга, нуронийлар, депутатлар каби обрўли инсонларни оёққа тургазиш, халқ оммаси ҳаракатининг бошқаришларини таъминлаш.

Қасамёдда қабул қилинган барча шартларни бажаришдан четда турадиган бирорта ўзбек оиласи бўлмаслиги керак деб ҳисоблайман. Халқ унинг бугунги асосий вазифаси душманни тамоман тор-мор этишни таъминлашга ҳисса қўшувчи пахта тайёрлаш режасини ортиги билан бажариш эканлигини билиши керак.

Олтинчидан, нобудгарчиликка қарши кураш. Агар ҳар бир чанокда бир мисқол пахта қолса, ҳар гектар ердаги нобудгарчилик 40 килограмми ташкил этади. Агар йўллардаги нобудгарчиликни ҳисобласак, ҳар гектардан бир-бир ярим центнердан ҳосил йўқ бўлади.

Ўртоқ прокурор шу ердами? Овоз: «Йўқ, унинг ўринбосари шу ерда». Қарорни чоп этаётиб бизнинг прокуратура, жазоловчи органлар пахта нобудгарчилигига қарши курашга астойдил киришадилар деб умид қилгандик. Бундан чиқди, қонун прокурорларимиз учун ёзилмаган экан-да. Нобудгарчиликнинг айбдорларини топшириш ва уларни бошқаларга ўрнатиб бўладиган даражада жазолаш бўйича бирорта далил йўқ.

Ўртоқ прокурорлар, ўртоқ чекистлар, ишни ўнгланлар, бундай юмшоққўнгилик ярамайди.

Наркомтекстилни аксарият аппарати, органлари бугунги кунда асосий йўллардагина эмас, колхозларда, далаларда нобудгарчилик бўлмаслигига жалб этилиши зарур эди, зеро, пахта давлат монополияси бўлиб, хўжайини – Наркомтекстил тизими. Улар нима қилишяпти? Очиги, айрим маълумотлар бериш билан чекланишмоқда. Ахир: «Агар пахтани тоза ва нобудгарчиликларсиз териб топширмасанлар тегишли мато, чой, ёғ, нонни олмайсиз», – дейишгача сизларга ҳуқуқ берилган-ку. Нега сиз либерал муносабатдасиз?

Наркомзем аппаратининг маълум қисми, низомга кўра, жойларда пахтани тоза термаётган, чаногиди қолдираётган, йўллар, далаларга тўкиб кетаётганларга меҳнат кунлари ҳисобламасликлари керак эди. Бундан ташқари, ўша колхозларнинг меҳнат кунлари учун ҳақни қирқибгина қолмай, колхоз ва совхоз раҳбарлари, бригадирларини ҳам шундай жазолашлари лозим. Наркомзем бу борада ҳеч нарса қилмаяпти.

Партия ташкилотлари нима қилишяпти? Баъзи партия ташкилотларидан пахта нобудгарчилиги бўйича масала бошлангич ташкилотлари ёки комиссияларида муҳокама этилди-ми дея берган саволга баландпарвоз гаплардан бошқа жавоб олмадим. Улар бу ишга жиддий киришадиган вақт келди. Прокуратура органлари, чекистларимиз Наркомтекстил билан биргаликда ўз ҳуқуқларидан фойдаланадиган вақт келди.

Бу нима қилиш зарурлиги бўйича олтинчи масала.

Еттинчидан, ижронинг назорати.

Мен Шубладзегга ВКБ (6) МК, ЎзКП (6) МК қарорлари асосида икки-уч кундан сўнг сизлар қабул қиладиган қарорларнинг амалга оширилишини назорат қиладиган гуруҳ тузишни маслаҳат берган бўлардим.

Сизга, бошқача қилиб айтадиган бўлсам, дирижёрга ўхшаб бошқаришингиз лозим. Бу ерда иккита гуруҳ бўлиши мумкин: бир гуруҳ маҳаллий аҳоли билан, иккинчиси обком аппарати билан мунтазам боғланиб туради.

Мен обкомда шундай тартибни ўрнатган бўлардим: агар Негматшоев Балиқчи райони-га жўнаб кетса, обком олдида ҳисобот берсин. Чунки шундай ҳол содир бўляптики, ўртоқлар



боришяпти-келишяпти. Агар бюро қарори билан жўнаб кетган бўлса, фақат бюро рухсати билан қайтиши керак. Обком партия бюроси бюро қарорларининг ижроси учун ўзлари ёрдамга юборган ходимлар билан янада каттароқ масъулиятга эгадирлар.

Агар Шубладзе обком бюросига шундай назоратини юкласа, бу жиҳатдан Негматшоев бўладими, Семенов бўладими, ҳеч кимдан хижолат тортмайди. Партия назорати, партия тартиби барча учун баробар, у қандай лавозимни эгаллаб турган бўлмасин, мансаб янада катта масъулият юклайди.

Шундай ташкилий режа тузилсинки, яқин кунлар ичида ВКП (б) МК қарори барча бошлангич партия қўмиталаримизда муҳокама этилсин. Шуниси муҳимки, улар қатъий ишлаб чиқилган режа асосида чинакам танқидий, кимлигидан қатъи назар, ўзаро танқид руҳида ўтиши керак деб ўйлайман.

ВКП (б) томонидан икки бор қўпол равишда огоҳлантирилгандан сўнг ҳам шундай камчиликларнинг юзага келиши масъулиятсизлик ва оммадан ажраб қолиш туфайли ташқи ва ўзини ўзи танқид кенг тус олмаганлигининг маҳсулидир.

ра-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш ва амалга татбиқ қилишда юртимиз тарихчилари олдида турган вазифалар юзасидан «Водийнома» (Тарихий мерос) журнали таҳририяти 2018 йил 4-сонида давра суҳбати ташаббускори бўлиб чиқди. Журналнинг бош муҳаррири, профессор Р.Т.Шамсутдинов ва таҳрир ҳайъати аъзолари Ўзбекистон тарихининг тўла очилмаган, атрофлича тадқиқ қилинмаган саҳифалари Иккинчи жаҳон уруши даври учун ҳам тегишли эканлигига ургу беришар экан, «асирлар масаласи» билан боглиқ муаммо ҳамон ўз ечимини топмаганлиги, ушбу масалани ўрганиб, фикр билдириш давр талаби эканлигини қайд этдилар.

Давра суҳбати ташаббускорлари ва бошловчиларининг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини қўллаб-қувватлаган ҳолда Иккинчи жаҳон урушининг фожиали саҳифаси бўлган туркистонлик асирлар мавзусига оид айрим фикр-мулоҳазалар билдирмоқчиман.

Фашислар Германияси 1941 йил 22 июнда СССРга ҳужум бошлаши билан Иккинчи жаҳон урушининг муҳим сиёсий воқеликлари совет-герман frontiда юз бера бошлади. Шунингдек, мазкур тўқнашув урушдаги ҳал қилувчи фронтга айланди.

Уруш бошида ўзининг ҳарбий-стратегик имкониятларига юқори баҳо берган, «блицкриг» – яшин тезлигидаги ҳужум йўлини тутган гитлерчилар Германияси 1941 йилнинг декабрь ойи охирларига қадар совет халқи миллатлари, этник гуруҳлари ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришни, СССРни ичидан бузишни биринчи даражали вазифа қилиб қўймаганди. «Блицкриг» режасининг барбод бўлиши, яъни немис фашистларининг армияси енгилмаслиги тўғрисидаги афсона саробга айланганлиги туфайли совет миллатларига нисбатан психологик таъсир ўтказишга ҳаракат қилувчи ташвиқот ва тарғибот масаласи кун тартибига қўйилган. Адольф Гитлернинг кўрсатмаси билан Шарқ ишлари вазири Альфред Розенберг Шарқ сиёсатини ишлаб чиқишда Шарқ вазирлиги, СС ва Вермахт идоралари ҳамкорлигида СССРдаги миллий масалалар бўйича илмий мутахассислар ҳисобланган профессор Фон Менде, доктор Ольцша ва доктор Арлт маслаҳати асосида иш кўрди. **Биринчидан**, бу сиёсат асосида совет фуқароларининг ижтимоий-сиёсий норозиликлари, марказий ҳукумат билан миллий республикалар ўртасидаги зиддиятлар кабиларни ҳисобга олиш ётади, ушбу жиҳатлар совет давлатининг Иккинчи жаҳон урушига қадар рўй берган фожиали тарихидаги «қизил террор», «коллективлаштириш», «қулоқлаштириш», «катта террор» кабиларда акс этиб, совет жамиятини ичидан бузишга қаратилганди.¹

Иккинчидан, совет-герман frontiда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган зобитларнинг 70 фоизи бир йиллик раҳбарлик тажрибасига ҳам эга эмасди. 1939 – 1941 йилларда армияни кенгайтириш чоралари туфайли

¹ Коренюк Н. Трудно жить с мифами (генерал Власов и русская освободительная армия) // Огонёк. 1990. №46. – С.29.



фронтга ташланган 1 млн нафар қизил аскарлар бир йилдан кам хизмат қилган, ҳарбий тажрибага эга бўлмаган эди. Кўрсатилган йилларда қизил армия жангчилари уч баробар кўпайганди, немис-фашист идоралари эса бу ҳақда тўла маълумотга эга бўлмаган.

Учинчидан, совет-герман тўқнашуви арафасида СССРга қўшиб олинган Ғарбий Украина, Ғарбий Белоруссия, Болтиқбўйи, Бессарабия (Молдавия)нинг асосан деҳқонлардан иборат аҳолисининг бир қисми Германияга қарши қуролли тўқнашувлардан бўйин товлаб, ихтиёрий асирга туша бошлади.

Тўртинчидан, фронтларда жанг қилаётган қизил аскарлар орасида ота-онаси, қавм-қариндоши қатагон ва зўравонликлар қурбони бўлганлар бор эди. Уларнинг совет давлатидан алами йўқ деб бўлмасди. Бундайларни немис тарғиботига тортиш мумкинлигини Вермахт ҳисоб-китоб қилганди.

Бешинчидан, немис-фашистлар оккупация қилинган совет ҳудудларида ўзлари томонга ўтган, улар билан ҳамкорлик қилган аҳоли вакилларида фойдаланиш имкониятини назарда тутганди.

Олтинчидан, Европанинг ўнлаб мамлакатларида СССРдан турли тарихий даврларда (1917 – 1924, 1920 – 1930) муҳожирликка маҳкум этилган турли миллат вакиллари истиқомат қиларди. Улар орасида ҳукумат арбоблари, зиёлилар, ҳарбийлар, сиёсий йўлбошчилар бор эди. Совет муҳожирларидан фойдаланиб совет фуқаролари орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, уларга руҳий таъсир кўрсатиш орқали рақиб мамлакатнинг ичида тартибсизликлар келтириб чиқариш, марказий ҳокимиятга нисбатан норозиликни кучайтириш ҳисобга олинганди.

Еттинчидан, совет давлати XX аср 30-йилларида бошлаган, бутун-бутун халқларнинг бошига кулфатлар олиб келган ва пешонасига «ватан хоини» тавқи лаънاتини ёпиштирган депортация қилиш (бадарга қилиш, мажбуран кўчириш) сиёсати уруш йилларида ҳам давом этди. 1943 – 1945 йилларда фронтларда жанг қилиб турган юз минг нафар қизил аскар ва зобитлар мамлакат ичкарисига қайтарилиб, улар Смерч, НКВД хизматчилари билан биргаликда

месхети турк, чечен, қрим татар, курд, ҳемшил, немис, болқар, ингушларни азалий ерларидан бошқа ўлкаларга мажбуран кўчиришда иштирок этдилар. Бу ҳолат охириги бурда нонни фронтга юбориб турган, эртаю кеч галаба учун меҳнат қилаётган халқларнинг руҳиятига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, руҳий-маънавий қадрияти топталган, ўз юртидан қувилганларни қабул қилган халқларда «Бизнинг юртимиз хоинларни қабул қиладиган замин бўлдимиз?» деган ҳақли саволни юзага келтирди. Ҳолбуки, юқорида номи келтирилган миллат ва элатларнинг фарзандлари Ватан учун жон бериб, жон олаётган эди. Бу мудҳиш воқеаликлар нафақат душман, балки совет давлатининг иттифоқчилари (АҚШ, Англия, Франция) кўз ўнгида ҳам юз бераётган эди.

Саккизинчидан, фашистлар Германияси Шарқ сиёсати (Ostpolitik)ни ишлаб чиқар экан, туркий миллатларни бирлаштиришга қаратилган туркий халқлар бирдамлиги гояларини тарғиб қилиш, ислом оламидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилган.

Немис фашистлари СССРга ҳужум қилган 1941 йил 22 июнда Мустафо Чўқай Франция пойтахти Парижда истиқомат қиларди. Туркистон мухторияти ҳукуматининг собиқ раҳбари, Европада Туркистон миллий комитети (ТМК) ташкилотининг йўлбошчиси М.Чўқайни ўша машғум 22 июнь куни уч нафар немис ҳарбийлари ўз уйидан Компьен қалъасига олиб кетадилар. Мустафо Чўқайнинг беваси Мария Яковлевна Чўқай хонимнинг хотирлашича, у 300 – 500 нафар совет муҳожирлари билан Компьен қалъасида уч хафта (22 июндан 13 июлгача) тутқунликда сақланган.² Мустафо Чўқай бу ерда Туркистондаги ижтимоий-маданий ҳаёт ҳақида маъруза ўқиган ва мунозара кечасида қатнашган немис-фашистлар ундан радио орқали туркистонликларга муражаат қилишни сўрашган. Бироқ узоқни кўрувчи М.Чўқай немис концлагерларидаги совет ҳарбий асирларининг аҳволи билан танишмай ҳар қандай ташвиқот ва тарғибот ишлари билан шуғулланмаслигини айтган. 1941 йил июль ойи охириларида у Польшадаги немис-фашистларнинг ҳарбий

² Чокай Мария. Я пишу вам из Ножана. Воспоминания, письма и документы. – Алматы: Кайнар, 2001. – С.168.



концлагерларида (Сулутск, Чнестахов, Вустрау) ҳарбий асирлар орасида ишлаш учун юборилган.³

Германия ўша йилларда совет кишиларига таъсир ўтказиш учун ўзини ислом эътиқодидаги халқларнинг ҳимоячиси деб кўрсатган. Совет Иттифоқидан келган муҳожирларга мусулмон масжидлари қурилиб, уларда ибодат қилишга эркинлик берилган.

1922 – 1923 йилларда бухоролик талабаларни Германияга ўқиш учун бошлаб борган Олимжон Идрисий (1880 – 1957) Винсдорф шаҳарчасида мусулмонлар масжиди имом-хатиби бўлган. «Туркистон легиони» тузилган пайтда ҳам немис-фашистлар легиончиларга мусулмончилик қонун-қоидаларини бажаришларига тўсқинлик қилишмаган.

Германиянинг Анқарадаги элчихонаси орқали Туркия Республикасидаги таъсирли шахслар воситачилигида совет миллатлари орасида миллий кайфиятни кучайтирадиган гоёлар тарғиботига эътибор қаратилган. 1941 йили Анвар пошшонинг укаси, йирик фабрикант Нури пошшо билан Туркия Республикасидаги герман элчиси Фон Попен ўртасида бир неча бор учрашувлар бўлиб ўтган. Босқинчилар Нури пошшо таъсиридан фойдаланиб татар муҳожир Шукри Ийен Боҳча, бошқирд муҳожир Аҳмад Закий Валидий Тўгон (1890 – 1970), таниқли турколог Аҳмед Чевар, Кобул (Афғонистон)даги турк элчиси Меҳмет Шевкет, Меҳмет Эмин Расулзодани ташвиқот ва тарғибот ишларига тортмоқчи бўлишган.⁴ Фашистлар совет фуқароларининг руҳий кайфиятида тубдан ўзгариш бўлади, охир-оқибатда рус миллати «Озод Россия» давлати тузиш истагида, иттифоқдош республикалардаги миллатлар эса «мухторият» ва «мустақиллик» йўлида бирлашиб Германияга куч-қудрат берадилар деб ўйлашганди.

Немис-фашистларнинг 1941 – 1945 йиллардаги Шарқ сиёсати тўлалигича дарз кетди. Мазкур сиёсатни амалга татиқ этиш учун миллион-миллион маблағлар сарфланмасин, оккупация зоналарига варақа ва даъватномалар ёмгирдек

ёғдирилмасин, миллатлар орасида обрў-эътиборга эга бўлган шахслардан фойдаланишга уринилмасин, легиончилар совет-герман фронтларидаги ҳарбий жангларга ташланмасин, барибир, немис-фашистлар ўз олдиларига қўйган мақсадга эриша олмадилар. Халқ фашистлар Германияси ҳукумати буюк давлатчилик сиёсати ва шовинизмда, зўравонлик ва ваҳшийликда советларнинг тоталитар тузумидан ҳам ўтиб тушганлигини англаган эди.

Уруш арафасида Ўзбекистон ССР аҳолиси 6,5 млн кишини ташкил этган. Уруш тугаган биринчи йилда республика аҳолисининг сони 5,2 млн кишига тушиб қолган. Ўрта Осиё минтақасидан 4,5 млн киши фронтга жалб қилинган бўлса, шундан 1 млн 700 минг киши туркистонлик асирлардир. Бу борада ўзбек (Туркистон) ҳарбий асирлари сони анкетасини аниқлаётган профессор Р.Т.Шамсутдинов ва унинг илмий мактабининг самарали фаолияти ибратли бўлмоқда. Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет қуролли кучлари томонидан 4 млн немис, япон, венгер, румин, италян, фин, австриялик ҳарбийлар асир олинган. Совет Иттифоқидagi немис ҳарбий асирларининг 2/3 қисми, немис-фашистлар томонидан асир олинганларнинг 1/3 қисми омон қолди.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) ҳарбий асирлар сақланган лагерларда тутқунларга бир кунда 600 г. нон, 40 г. гўшт, 120 г. баллиқ, 600 г. картошка, хуллас, энергия қуввати 2533 ккал бўлган маҳсулот берилган.⁵ Ушбу рақамлар бироз шубҳали ва мунозарали бўлиб, совет мафкураси асосида ёзилган адабиётлардан ўрин олган. Немис-фашистлар томонидан совет ҳарбий асирларига бир кунда аксарият концлагерларда 300 – 350 г. миқдорда нон берилган. Совет асирлари ярим оч, юпун ҳолда алоҳида режим асосида сақланган. Улар огир меҳнат қилдирилар, бир кунда 100 г. нон, 50 г. гўшт, 50 г. ёғ, 100 г. қанд бериларди.

1941 йил 16 августда СССР Давлат мудрофаа комитетининг 270-буйруғида совет кишиси асир тушмаслиги, мабодо ҳарбий асирга тушса, бундайларнинг оиласи Ватанни сотган кўпоровчининг оиласи сифатида қамоққа олиниши, дав-

³ Садыкова Б. Мустафо Чокай. – Алматы: Алаш, 2004. – С.78; шу муаллиф. История Туркестанского легиона в документах. – Алматы: Кайнар, 2001. – С.146.

⁴ Муаллифнинг собиқ асир Аҳроп Аъзам билан шахсий мулоқоти. 1993 йил 18 март.

⁵ Husein Ikram Han. Bir Turkistanlinin 2 Dunya Savasi Hatiralari. Bedir. – Istanbul, 1999. – S.27.



лат ёрдами ва тақсимотидан маҳрум этилиши қайд қилинган. Расмий жиҳатдан совет асирлари пешонасига «сотқин», «хоин» тамгаси босилган. Бу билан Совет Иттифоқига ўз фуқаролари керак эмаслиги дунёга маълум қилинганди.⁶

И.В.Сталин 1943 йилнинг баҳорида Қизил ярим ой қўмитасининг раиси Бернадотт билан қилган мулоқотида «Совет асирларининг тақдири нима бўлади?» деган саволга «Рус (совет) асирлари йўқ ва бўлмайди ҳам, рус аскарлари ўлгунча курашади, агар асир тушса, у совет жамиятидан ўчирилади»⁷ тарзида қатъий фикр билдирганди. Давлат ва унинг биринчи раҳбари ўз фуқароларидан воз кечган бир пайтда фашистларга асирлар мутлақо керак эмаслиги ўз ўзидан маълум эди. Совет асирлари немис-фашистларнинг тиканли симлар билан ўралган, очиқ майдонларда жойлашган икки-уч қаватли тахта каравотлардан иборат баракларда санитария-гигиена тартиблари мавжуд бўлмаган аҳволда яшардилар. Концлагерларда уларга ҳайвонлардек муносабатда бўлишар, оч аҳволда 15 – 16 соатлаб ишлатишар, совуқда тик тургизиб қўйишар, қочмоқчи бўлганларни итларга талатишар ва ўша заҳотиёқ отиб ташлашар, айрим асирлар устидан тажриба ўтказишарди. Муҳожир туркистонликлар йўлбошчиси, Туркистон мухторияти ҳукумати бошлиғи, хорижда Миллий Туркистон Бирлиги Қўмитаси (ТМБК) раиси Мустафо Чўқай (1886 – 1941) Сулутск, Чнестахов, Вустрау каби фашистларнинг концлагерларида бўлиб, совет асирларининг аҳволи аянчали ва фожиали эканлигига шахсан гувоҳ бўлган. Унинг кўз олдида фашист қўриқчиларидан бири совет аскарининг кўксига пичоқ уриб, унинг юрагини қўриқчи итига отган. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган М.Чўқай Гитларга хат йўллаб, «немислар дунёда ўзларини маданиятли халқ деб ҳисоблайдилар, бироқ концлагерларда совет асирларига қилинаётган ваҳшийларча муносабатлари билан улар мўғул босқинчиларидан ҳам ўтиб кетдилар» каби фикрларини очиқ баён қилди.⁸

⁶ Приказ Ставки Верховного Главного командования Красной Армии. №270, 16 август 1911 года (без публикации) // Военный исторический журнал. 1988. №9. – С.26 – 28.

⁷ Шаҳобиддин Яссавий. Туркистон аччиқ ҳақиқатлари (араб имлосида, қўлёзма). – Истанбул, 1984. – Б.194.

⁸ Husein Ikram Han. Ўша китоб. – Б.89.

Тўрт томонидан кўтарма ёғоч қоровулхоналар, кузатув нуқталари билан муҳофазаланган ҳарбий асирларнинг лагерларида кўп ҳолларда тутқунлар очиқ ҳавода ётишган, улар орасида тиф, ўлат, ўпка шамоллаши каби юқумли касалликлар кенг тарқалган. Очиқ, қаттиқ толиқиш, совуқ ва касаллик туфайли кечқурун ухлаган асирларнинг кўпчилиги эрталаб уйгонмасди. Қўлларидаги бармоқларини, қулоқ ва бурунларини, юз қисмларини каламушлар еб кетган ва аянчали қиёфага тушиб қолишган. Ўлиб қолганларни немис автомобилларига ёхуд галтакларга 20 – 30 тадан устма-уст қилиб юклашар ва барча мурдаларни олиб бориб катта хандаққа ташлашарди. Очиқ ҳавода қолган асирлар устидан ҳайдалган немис-фашистларнинг танк ва тегач сингари ҳарбий техникаси занжирларида айрим пайтларда одам гўшти тикилиб қолган. Совет ҳарбий асирларини аввал вақтинчалик лагерларда тўплашарди, сўнгра товар ва мол юклайдиган вагонларда 50 – 100 тадан қилиб жойлашарди. Устма-уст юкланган, ҳаво етмаган вагонларда ҳарбий асирларнинг бир қисми ҳаётдан кўз юмган, бундайларни айрим станцияларда вагонлардан тўғри жарликларга улоқтиришган.⁹

Совет армияси томонидан бутун фронт бўйлаб қарши ҳужумга ўтилиши натижасида чекинишга мажбур бўлган фашистлар ўзлари билан бирга салкам 2 млн совет фуқаросини Германияга ҳайдаб кетдилар. Биргина Украинадан мажбуран қул қилиб олиб кетилганлар сони 710 минг кишини ташкил этарди. 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган, меҳнатга яроқлилар билан бирга кексалар, болалар, хотин-қизлар ҳам Германияга олиб кетилди. Улар асосан конларда, огир саноат корхоналарида, кимё заводларида, немис аслзодаларининг хонадонларида 15-16 соатлаб қулдек ишлатилди. Бундай кишиларни калтаклаш, хўрлаш, ҳар қандай азоб-уқубатларга дучор қилиш мумкин эди. Адольф Гитлер немис аёллари меҳнатини енгиллатиш учун шарқий славянлар (рус, украин, белорус)лардан 300 – 400 минг нафар хотин-қизни қул қилиб Германияга олиб

⁹ Катусев Н.Ф., Оппоков В.Г. Движение, которого не было или история Власовского предательства // Военный исторический журнал. 1991. №4. – С.18 – 28.



келишга буйруқ ҳам берганди. Кўплаб ҳайдаб кетилганлар тўғрисида даврий матбуотда қимматли маълумотлар чоп этилган. Асирлик ва қулликка маҳкум этилганларнинг ўз тилидан келтирилган аччиқ хотира парчалари ўша йиллардаги матбуот саҳифаларидан ўрин олган.

1942 йил 8 октябрда немис лагеридagi тутқун қизлардан бири онасига ёзган хатида «Онажон, бу ерда ҳаво салқин, доимо ёмгир ёғиб туради, оёқ кийимим йўқ, ялангоёқ юраман. Кунига 2 маҳалдан 100 грамдан нон берилади, холос. Бедармон бўлиб қолдим, тўйиб ухламайман, тўйиб овқат емайман, 12 соат ишлаймиз, 16 киши битта баракда ухлаймиз. Завод ва бараклардан бошқа ҳеч нарсани кўрмаймиз» каби фикрларни ҳасрат билан баён этади.¹⁰

Германиянинг Хемшиц ва Блатенберг шаҳарларида ишлаган ёш қизлар ота-оналарига шундай мактуб йўллаганлар: «Онажон! Биз 60 киши баракда турамыз. Барак жуда совуқ. Трикотаж фабрикасига ишлаш учун борамиз. Эрта соат 6 дан кечки соат 9 гача ишлаймиз. Эрта билан бир тарелка қайнаган сув ва 50 г. нон берадилар. Иш жойида эрта билан ва туш вақтида 25 грамдан нон берадилар. Бизларни худди қуллардек ишга олиб чиқадилар».¹¹

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет ҳарбий асирлари ва қулликка ҳайдаб кетилганлар билан бирга 7 млн га яқин кишидан уруш охирида бор-йўғи 2 млн киши тирик қолганди. Омон қолган собиқ ҳарбий асирларнинг аксарияти СССРга қайтарилмади. Қайтганларининг ҳам тақдири фожиали кечди. Совет ҳарбий асирларидан 334 минг шимолий ўлкаларга, ГУЛАГ лагерларига юборилди, катта қисми «сотқин» ва «хоин» сифатида отилди.¹²

Интернет орқали тадқиқот мавзусига оид маълумот олиш давомида ноодатий бўлган айрим маълумотларга дуч келинди. 1985 йилда АҚШда «Асирликдаги содиқ хизмати учун» медали таъсис этилиб, бу медаль билан асирликда бўлган ва ҳарбий асирликда ҳалок бўл-

ган мамлакат фуқаролари тақдирланган. 2003 йил 9 апрелда АҚШ президенти «янги давлат байрами кунини» эълон қилди. Америкалик ҳарбий асирларни ёд этиш кунини ҳар йили нишонлаш анъанага айланди.¹³

Ҳарбий асирлар жангга кираётганида ёхуд Ватан ҳимоясига отланганда асирга тушаман деб ўйламаган. Шунингдек, ҳарбий асирлар орасида умуман ўқ отмаган, жангга кирмаганлар ҳам анчагина бўлиб, улар концлагерларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли воқеаларни бошдан кечирганлар. Советлар даврида ҳарбий асирлар ва уруш йилларида қулликка маҳкум этилганлар елкасидан тавқи лаънат олиб ташлаш учун уринишлар, амалий ҳаракатлар бўлмади дейиш тўғри эмас. И.В.Сталин ҳаётлигидаёқ, 1946 йил 16 мартда Латвия ССР Компартияси МК биринчи котиби Я.Э.Колнбердин ва Латвия ҳукумати бошлиғи В.Т.Лацис Москвага мактуб йўллаб: «Немис-фашист босқинчилари Латвия ҳудудини босиб олганларида меҳнаткаш аҳолини зўрлик билан ҳайдаб кетдилар. Уларнинг катта қисмини Германияга турли ишларни бажариш учун сургун қилдилар, бошқаларини немис легионларига аъзо қилиб олдилар, уруш тугаб, озод этилганларидан сўнг бундай кишилар шимолий районларга (ГУЛАГ лагерларига) сургун қилиндилар. Шунинг билан қилиб сўраймизки, немис легионларида бўлмаган бегуноҳ латвияликларни республикага қайтаришга рухсат берилса», – деган эди. Бироқ ушбу хат жавобсиз қолди.

1955 йил 17 сентябрда СССР Олий Совети «Улуғ Ватан уруши йилларида оккупация қилинган районларда немис-фашист босқинчилари билан ҳамкорлик қилган совет фуқароларини афв этиш тўғрисида» фармон чиқарди. Бу фармонни амалга татбиқ қилиш билан ҳеч ким шугулланмади, унинг бажарилишини ҳам назорат қилмадилар.

Фақатгина 1956 йил 29 июнда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Собиқ ҳарбий асирлар ва уларнинг оилаларига нисбатан қўлланилган қўпол қонунбузарлик оқибатларини тугатиш тўғрисида» қарори қабул қилингандан сўнг ўша йили барча собиқ ҳарбий

¹⁰ Акрамова О. Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги асирлар ва уларнинг тарихий тақдирлари. Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Бухоро, 2013. – Б.78.

¹¹ Қизил Ўзбекистон. 1945 йил 25 май.

¹² Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ватан деяр Ватансиз қолганлар. – Бухоро: Бухоро, 2005. – Б.48.

¹³ Муаллифнинг шахсий мулоқот материаллари. 2005 йил 25 август.



асирларнинг ишлари қайта кўриб чиқилди ва уларнинг кўпчилиги реабилитация қилинди.

Халқаро принципга кўра, ҳарбий асирлар уруш тугаганидан сўнг ўз Ватанларига қайтарилиши, уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланиши, шунингдек, ҳарбий асирларни ўзида ушлаб турган мамлакат ҳам халқаро қоида ва меъёрларга амал қилиши шарт. Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар Германияси ҳам, Совет Иттифоқи ҳам ҳарбий асирларга муносабат билан боглиқ халқаро меъёрларни бузган. Охир-оқибатда миллионлаб гуноҳсиз кишилар оламдан бевақт кўз юмдилар. Тирик қолганлар эса ҳўрлик ва зулм, таъқиб ва тазйиқ, қўрқув ва таҳлика остида яшашга маҳкум этилдилар. Уларнинг гуноҳсиз тўкилган қонлари, хазон бўлган умрлари учун бузгунчи гоёларни тарғиб қилиш ва амалда татбиқ этиш йўлида курашган фашизм ва большевизм айбдордир.¹⁴

«Туркистон легиони» тузилганидан сўнг (1941 йил сентябрь – декабрь ойлари) ушбу ҳарбий уюшмани мафкуравий ва бошқа йўналишларда бошқариш учун Миллий Туркистон Бирлиги Комитети (ТМБК) ташкил топди. «Туркистон легиони» 1942 йил баҳорида бевосита ҳарбий ҳаракатларга кирган бўлса, кўп ўтмай ТМБК ҳам ташкил топган. Бошқарув ишларини 1920 йилларда Туркистондан Германияга ўқиш учун юборилган 74 нафар ўқувчи ва талабалардан бири Вали Қаюмхон (1904 – 1993) ўз қўлига олди.

Вали Қаюмхон уруш йилларида Германияда муқим яшаб қолган бирдан-бир туркистонлик собиқ талаба эди. У фашистлар Германияси ҳукумати Шарқ ўлкалари вазири Альфред Розенберг, турколог олимлардан бири, профессор Фон Менде билан яқин муносабатда бўлган.

ТМБК таркибига Иккинчи жаҳон урушидан олдин Ўрта Осиё республикаларида турли соҳаларда фаолият юритган зиёлилар аъзо бўлиб киришган. Улар орасида ҳукумат ва давлат идораларида масъул вазифаларда ишлаган, ўқитувчи, санъаткор, журналист ва шоирлар, врач ва муҳандис, матбаачи ва собиқ ҳарбий зобитлар бўлган.

«Туркистон легиони»нинг сиёсий-идеологик бошқарувини қўлга олган Вали Қаюмхон пре-

зидентлигидаги ТМБК 12 та бўлимдан иборат бўлиб, уларда 4 нафар ўзбек, 4 нафар қозоқ, 3 нафар туркман, 2 нафар қирғиз ва 2 нафар тожик фаолият олиб борган»¹⁵, – деб ёзади ёш тарихчи И.Шомуродов. Бироқ Чагатай Кочар китобида ТМБКда 15 га яқин бўлим бўлиб, энг самарали ишлаган «Миллий тарғибот» бўлимида 30 нафар киши, «Соғлиқ» бўлимида 8 – 10 нафар туркистонлик табиб, «Ташкилий» бўлимда 20 – 26 нафар киши, «Санъат» бўлимида 70 – 80 нафар киши фаолият юритган»¹⁶ мазмунидаги маълумот келтирилади.

ТМБКнинг «Ҳарбий» бўлими легионерларнинг маоши, дам олишлари масалалари бўйича муаммоларини ҳал қилган. Легионерларда миллий руҳни уйғотиш, улар орасида миллий тиллардаги газета ва журналлар тарқатиш, бўш пайтларини мазмунли ўтказишга қаратилган маданий-оқартув тадбирлари уюштириш, соғлиқни сақлаш каби вазифалар билан шуғулланган. Унинг ҳузурида «Миллий Туркистон ёзувчилар бирлиги» ҳам ташкил этилиб, бу уюшма фаолияти доирасига Туркистон минтақасидан етишиб чиққан адибларнинг асарларини чоп этиб, легионерлар орасида тарқатиш вазифаси кирган. Ижодий кучларни ўзида тўплаган бу бўлим хизмати туфайли «Манас» достонининг бир қисми, қозоқ адиби Абай Қўнанбоев шеърий тўплами, туркман адиби Махтумқулининг сараланган шеърлар тўплами, ўзбек адиби Абдурауф Фитратнинг 1920 йилларда ёзган шеърларидан жамланган бир китоб кўп нусхада нашрдан чиқарилиб, легионерлар орасида тарқатилган. Туркистондаги «Қизил қалам» ташкилотидан фарқли ўлароқ, мазкур уюшма 1937 – 1938 йилларда қатагон қилинган ижодкорлар, тарихий шахслар, улар фаолияти ҳақида кўпроқ маълумот бериб борди. Нашрларда туркистонлик миллатлар барчаси учун бир қадар тушунарли бўлган ўзбек тилининг чигатой лаҳжаси қўлланилган. 1943 – 1944 йилларда чоп этилган яхлит бир китоб ҳолидаги асарлардан бири

¹⁵ Шомуродов И. Туркистон легиони // Туркистон тарихи. 2012. №6. – Б.32.

¹⁶ Чагатай Кочар. Ота юрдаги, она юрдаги туркистонликлар (турк тилида). – Анқара, 2009. – Б.122.

¹⁴ Вали Қаюмхон. Тарих тилга кирганда // Эрк. 1990. №16 – 18.

Хушнуд Абдулланинг «Юрак тўлқинлари» шеърий тўплами бўлиб, унинг 7-китоби эканлиги билан боглиқ қайд мавжуд.

ТМБКнинг фаол аъзолари ҳақида архив ҳужжатларида маълумотлар сақланган. 1942 – 1945 йилларда ушбу ташкилотда фаолият кўрсатганлар орасида Боймирза Ҳайит, Рўзи Назар (Умурзоқов), Маҳмуд Мақсудбек, Маҳкам Умарий, Нуриддин Қори, Абдулла Тўлаган, Хусан Икром, Қосим Иноят, Мўминжон Тешабой, Исмоил Тожибой, Жаббор Раҳимий, урушдан кейин бу уюшмага аъзо бўлганлардан Мирзо Пўлат Ҳакимий, Абдулла Чигатой, Рашид Тошкентли, Аҳмад Жасин, Аҳмад Хўжа каби ўнлаб ўзбек миллати вакиллари бор эди.¹⁷

ТМБКнинг фаолияти доирасида матбуотчилик ишлари муҳим ўрин тутди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Берлинда тўрт ҳафта (1 ой) да бир бор чоп этилиб турган «Миллий Туркистон» ва «Миллий адабиёт» журналлари ҳамда «Янги Туркистон» номли ҳафталик газета бўлган. «Миллий Туркистон» журнаlining 1-сони 1942 йил 15 августда нашр этилиб, уни Мустафо Чўқай 1929 – 1939 йилларда Франция ва Германияда (Париж, Берлин) чоп эттирган. Журналга Қаюмхон муҳаррирлик қилган ва нашр ишлари билан боглиқ харажатлар легионер зобит ва жангчилардан ҳар ойда олинадиган 3 рейхмаркадан 15 рейхмаркагача бўлган бадал ҳисобидан қопланган.

Легионерлар рутбаларига қараб 100 – 150 рейхмарка атрофида маош олишган. «Миллий Туркистон» журнаלי Туркистон тарихи ва маданияти ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш, миллий руҳни тарбиялашда, миллий истиқлол гоялари билан улар онгига таъсир кўрсатишда муҳим роль ўйнаган. Уруш йилларида «Миллий Туркистон»нинг 62 та сони чоп этилган. Туркистонликларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида чоп этилган нашрларидан фақат «Миллий Туркистон» кейинчалик ҳам ўз фаолиятини давом эттирган. 1948 йили қайта тикланган журналнинг бош саҳифаси Вали Қаюмхон томонидан ёзилган «62 дан 63 га» деб номланганди. Уруш йилларида «Миллий Тур-

кистон» дастлаб 15 минг нусха, 1943 – 1944 йилларда 80 минг нусхада чиқиб турган.¹⁸

«Миллий адабиёт» журнаלי 1943 – 1945 йилларда Қўбизчи Қўрқут муҳаррирлигида чоп этилган. Вали Қаюмхон нашрнинг вазифасини белгилаб: «Миллий адабиёт» журнаלי ўқувчиларни Ватан озодлигини кўзлаган адабиёт билан озиқлантирмоғи керак ... ёлғиз Ватан тилагини бадий адабиёт орқали етказиш керак. «Миллий адабиёт» турк миллатининг ҳар бир уруги диалектида чиқиши лозим»¹⁹, – деганди. «Миллий адабиётда»да ёзилган мақола, очерк, ҳикоя, шеър, роман, хуллас, наср ва назмдаги ижод намуналари қайси тилда ёзилган бўлса (ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ), ўша тилда босилган. Журнал таҳририятида М.Равшан, С.Бетолман, Сайрон, Хушнуд Абдулла, Қ.Қози, Сир боласи, Жумай, Сагин, Мавлон, Ғойиб, Масрур, Даро, Зорлик, Аллаберди, Ўлмас, Талимаржон каби ижодий кучлар фаолият кўрсатган. Уларнинг аксарияти тахаллуслари билан ижод қилганликлари кўриниб турибди. Ҳақиқий исм-шарифлари, асарлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш учун ТМБК тарихини атрофлича ўрганиш зарур.

«Миллий адабиёт» саҳифаларида чоп этилган материаллар истиқлол учун курашга чорловчи, совет даври қатагон ва қиргинлари, миллий-диний камситиш, зўравонлик сиёсатини очиб беришга қаратилган. Жумладан, ижодкор Равшан (М.Абдуллаев)нинг «Қурбон» романи (1937 – 1938 йиллардаги қатагон қурбони бўлган Қурбон Берегинга бағишлаб ёзилган) журналнинг 1944 йили чоп этилган сонларидан ўрин олган.²⁰ Ҳафтада бир бор чоп этиладиган «Янги Туркистон» газетасига тарихий манбаларда турли номлар билан тилга олинадиган Вали Зуннун (бошқа номлари Абдулла Тўлаган, Абдулла Завқий) муҳаррирлик қилган. У урушга сафарбар қилинишидан олдин Тошкентдаги газеталардан бирида мухбир бўлиб ишлаган. «Миллий Туркистон» журнаלי таҳририяти аъзоси бўлган Вали Зуннун ушбу нашрда ҳам

¹⁷ ЎзР МДА. Р-2822-ф., 1-р., 89-х., 34-в., 88-х., 42-в. Ahror Azamov. Acid hat. – Тошкент, 1977. – Б.14, 37, 40.

¹⁸ Шомуродов И. Туркистон легиони // Турон тарихи. 2013. №1. – Б.25.

¹⁹ Миллий адабиёт. 1944. №2. – Б.5.

²⁰ Каримов Б. «Миллий адабиёт». «Равшан ва Қурбон» // Ёшлик. 2000. №3. – Б.39.



мақолалар чоп эттирган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Мюнхен (Германия)даги «Озодлик» радиосида «Туркистон» бўлими бошлиги бўлган.

ТМБК Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўз фаолиятини бир муддат тўхтатди ва 1947 йили янгидан тиклади. Ушбу ташкилот аъзолари асосан Германиянинг Мюнхень шаҳрида тўпланиб, ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Ташкилот матбуот органи «Миллий Туркистон» журналининг қароргоҳи Дюссельдорф шаҳрида эди. 1975 йилга қадар журналнинг араб ва лотин имлосида ўзбек ва инглиз тилларидаги битта сонини чоп этиш билан боглиқ харажатлар 7 минг АҚШ долларини ташкил этган. ТМБКнинг Саудия Арабистони ва Туркия каби мамлакатларда бўлимлари бўлиб, улар муҳожир туркистонликлардан бадал тўплаб, журнал мунтазам чиқиши мақсадида унинг манзилига маблаг жўнатиб туришган.²¹

1948 – 1950 йилларда ТМБК аъзолари ўз марказларини Гарбий Германиянинг Вестфалия вилоятига қарашли Миндён шаҳрига ҳам кўчиришганди. ТМБК аъзоларига совет даври тадқиқотларида, коммунистик мафкура асосида ёзилган мақолаларда, манба ва ҳужжатларда «ватанфуруш», «ҳарбий жиноятчи», «фашизм ялоқхўри», «жосус ва қўпоровчи», «АҚШ айғоқчиси», «Англия жосуси» каби салбий муносабат билдирилган.²² Бироқ истиқлол мафкураси ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан туриб объектив баҳоласак, улар фаолиятида ижобий аҳамиятга молик қирралар ҳам кўзга ташланади. ТМБК фаол аъзоларидан бири, АҚШга илк бор қонуний йўл билан кириб борган биринчи ўзбек Рўзи Назар: «Мен Ватан хоини сифатида нима иш қилдим? Бошқаларга ўхшаб ўз Ватаним устига қўшин тортиб бордимми? Завод ва фабрикаларни портлатдимми? Дунёдаги энг мусаффо юртлардан бирининг ҳавосини қаттол билан заҳарлайдиган корхоналар қуришга бош-қош бўлдимми? Мен халқимни, Ўзбекистонни, бутун Туркистонни озод ва ҳур кўриш

истагида 40 йил кутдим, ёндим, китоблар ёздим, социалистик жамият қум устига қурилган омонат иморат эканлигини исботлаб беришга уриндим. Менинг барча ёзганларим бутунги кунда ҳақиқатга айланди»²³, – деган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ТМБК фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлган:

– Туркистон (Ўзбекистон) тарихи, иқтисодиёти, сиёсий, маданий, маърифий, миллий муаммоларига қаратилган тадқиқотлар яратиш билан боглиқ самарали ишлар амалга оширилди;

– муҳожир Туркистон ёшлари Европа мамлакатларидаги олий ўқув юртларида таҳсил олишлари учун моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. ТМБК мадади билан Боймирза Ҳайит, Мўминжон Тешабой, Исмоил Тожибой (ўзбек), Карис Канатбай (қозоқ), ака-ука Омон ва Бердимурот Тажимуратовлар (туркман), Олмонбет (қирғиз) Германия олий ўқув юртларида таълим олдилар;

– хориждаги ўзбек (туркистонлик)ларда миллий ўзликни англаш, истиқлолга ишонч, Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтиришда катта тарғибот ишлари олиб борилди. Истиқболда ТМБК фаолияти тарихини ўрганишнинг вазифалари бисёр эканлигини ҳам унутмаслик керак;

– ТМБКда иштирок этган шахслар ва улар тақдирига бағишланган илмий ишлар яратиш билан Иккинчи жаҳон уруши даври тарихини ўрганиш янги саҳифалар билан бойитилган бўларди;

– ушбу ташкилот аъзолари томонидан чоп этирилган нашрлар ва уларда эълон қилинган асар ва мақолаларни жиддий илмий тадқиқ қилиш орқали хориждаги ўзбек миллий матбуоти ҳақида ватандошларимизда яхлит тасаввур шакллантирилади;

– ТМБКнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги фаолиятини хориждаги ўзбек (туркистонлик)ларнинг бошқа уюшма ва ташкилотлари билан қиёсий таҳлил қилишга қаратилган мустақил йирик илмий асарга эҳтиёж мавжуд.

²¹ А.Аъзамовнинг шахсий архиви, 1975 йил 12 апрель, 5-дафтар, 3.0.Туркистоний. Андижоним қолди менинг... – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б.35.

²² ЎзР МДА. Р-2822-ф., 1-р., 4-х., 16-в., 7-х., 94-в., 89-х., 34-в. ва ҳоказо.

²³ АҚШлик ўзбек Рўзи Назар // Халқ сўзи. 1992 йил 15 январь.



МАҲБУС РАСУЛЖОН РАҲИМОВНИНГ АМУР ЛАГЕРИДАН ЙЎЛЛАГАН ХАТИ

Раҳимов Расулжон 1903 йили Қўқон шаҳрида туғилган, 1914 йили отаси вафот этгач, 1919 йилгача болалар уйида тарбияланган, 1919 йилдан ВЛКСМ аъзоси, 1920 йилдан 1922 йилгача Фарғона ВЧКси қошидаги ВЧК қўшинларида кўнгилли бўлиб хизмат қилган, 1920 – 1929 йилларда маъмурий-хўжалик раҳбарлик лавозимларида ишлаган, 1929 йили Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети органи «Қизил Ўзбекистон» республика газетаси таҳририятида ишлаш учун хизматга олинган, қишлоқ хўжалиги, оммавий бўлимга мудир, 1935 йилдан Избоскан МТС сиёсий бўлим газетасига масъул муҳаррир, бўлим тугатилиши муносабати билан туман газетаси муҳаррири, Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг 1935 йил 8 сентябрдаги қарори билан миллий драматург сифатида Андижон давлат драма театрига директор қилиб тайинланган. Унинг «Онтариш», «Хоин» драмалари 30-йилларда Андижон ва Ўш театрларида муваффақият билан қўйилган, «Онтариш» драмаси 1933 йили Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан чоп этилган. 1937 йил 21 август куни Р.Раҳимов Андижон НКВДси 3-сектори ходимлари томонидан ҳибсга олинган. Тергов 5 ноябргача давом этган. Шу куни НКВД Андижон сектори 3-бўлим бошлиги Берг тақдим этган, НКВД Андижон сектори бошлиги ўринбосари Кулиничев тасдиқлаган айблов хулосаси тайёрланган. Унда Андижонда истиқомат қилаётгани, савдогар оиласиданлиги, ўзи хизматчи, оилали, саводли экани, ВКП(б)дан ўчирилгани, судланмагани, халқ душманлари Муҳитдин Қориев, Сулаймонов (Чўлпон) билан яқиндан алоқадалиги, ҳибсга олингунга қадар Андижон шаҳридаги ўзбек давлат театрида директор бўлиб ишлагани қайд қилинган.



ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»га кўриб чиқиш учун тақдим этилган айблов хулосасига асосланиб 1937 йил 13 ноябрда Расулжон Раҳимов 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган.¹

Қуйида Узоқ Шарқдаги ГУЛАГ лагерларидан бирида қамоқ жазосини ўтаётган Расулжон Раҳимовнинг СССР прокурорига йўллаган рус тилидаги шикоятини айнан келтирмоқдамиз.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.397 – 406.

От 5/к. Рахимова Расулджан, 1903г.
Осужд. Мр. ЧК ВЗ. ЧЗД. ССР по ст. 66 и 1?
67 сроком на 10.

Жалоба

Я невиновно - осужденный. Обращаюсь к Вам, как к
высшему органу, осуществляющему революционный за-
конность и осуществляющий Суд и Социалистическую
справедливость. Прошу Вас обратить должное вни-
мание моему жалобе, и я уверен, что Ваша справедливость
вернет меня в свободное от. во. активно строящую ком-
мунизм.

Я сын Кр-на Батрако, родился в 1903г. в. Жоманде.
В 1911г. умер мой отец и я до 1919г. воспитывался в
центризоте. С 1919г. - чл. ВЛКСМ. С 1920 по 1922 служил
добровольцем в 58 эскадроне войск ВЧК при Азербайджан
ОБЧК, там же принимал активное участие по
ликвидации банды басмачество.

С 1922 по 1924г. после ликвидации басмачества работал
на ряде руководящих адм.хоз. группностей.

В 1924г. ЧК КНД Узбекистана был командирован
в редакцию Республиканской газеты "Кышкы Узбе-
кистан" зав. с/х массов. отделом газеты.



С 1934. „35. Работами Ответственной Комиссии
Газеты Узбекстанской ИМЭ и С.В.А.и С.М.В.А.и
Комиссии Ответственной Редакции Газеты
Р-на.

Решением ЦК ИМЭ, Узбекстанской 2/18 1936. Меня, как нацио-
нального драматурга назначили директором Анди-
жанского Гос. драм. театра, где я застаю довольно за-
сереженности аппарата Комит. Револю. Элементов. Вот
коротко мой жизненный путь рядового партийца -
воспитанника Детдома.

Меня коротко осуществило мое „дело“.
Возглавляя художественное руководство театра на
месте главного режиссера долгие годы был в прошлом,
официально состоял в Комит. Революционной партии
„Милли-иттойид“ Искто Наримов, который с по-
мощью театра проводил революционную работу
допускал в постановках К-револю. трагедии мое („Зуль-
Сара“, „Мар-Мар“ и др.)

В театре процветало пьянство, присутствие,
амфиотане, заняты всякой творческой критикой.
Театр работал на убыток.

Необходимо было оздоровить творческий коллектив,
добиться привлечения рабочего зрителя, и сделать
театр Аппокутешини. - вот моя цель, которую

я вместе с другими членами Театрального Комитета
новой дорожки, с контр. реж. Якимом Каримовичем.
За 1936г. нами было рассмотрено 11 заявок из театра
18г. Различившиеся «Актёры». А в Крайне в 1936г. воявшие
контр. реж. Якимову Каримову. Я Мехрабизову. Утраби.
поделили искусство при ОНН Уз. Сер., осматрив Каримову
как брата народа, с поста Худож. Руководителя театра
на что и падали Сошались.

Но первый Секретарь Инженерного Зоркома В.И.С.
Павлов (впоследствии арестован, как брат народа, берет
под свою защиту Каримову и по правому поводу
договаривается с Наркомом об оставлении Каримова на
посту Глав. Режиссера Театра.

В мае 1937г. мною был поставлен доклад Каримова
о его творческой деятельности на Открытом Собрании
Кол-ва Театра.

На собрании Каримов, разоблачается полностью, как
контр. реж. Халтурщик, ведущий творческую деятельность
театра на вред Соц. Строит-ву.

А мною без соизволения с Наркомом приказано снимать
сравнительные режиссера Театра Каримова (см. приказ
от 31.11.37г.)

Борьба с Каримовичем проходила не без трудностей,
но для театра много дала положительных. Так на 1-
мало Января мес. 37г. театр действительно стал

Массового зрителя. Единственный и даже самая дорога-
за что и был я приговорен. Автоматический это по делу
искусств при НК Узб. ССР.

21/VIII-1937 г. Связано с Каримовым. Автоматическое дело
арестовывает и меня и на вопрос Следователя Воймоу-
никович было представлено обвинение в том, что я являюсь
в разговоре с Каримовым выразил отношение. О расстреле
братьев Народа Мухоморова и др.

Где был разговор с Каримовым? Ответил Следоват.
Воймоуникович.

- У вас в Комитете Ростислав в МОисполбюро И. И. И.
С. Прокурор Издаскенский, Мухоморов, Следователи
топик Р. Н. И. И., Мухоморов, Работники Гос. театра
Алиев, актер Асад, Бакитов Работники театро-
ответной Воймоуникович. Проси выехать из этой И. И. И.
и допросить, мою просьбу Следователь оставил без
внимания.

По этому вопросу ни следствия не поставили,
ни отмыч Ставки (враг Каримов) мне не были
даны, но Следовые органы поставили его, мою
брату Каримову поверило.

Был представлен второй обвинитель, то в театре
процветал Зависел Актемиров.

Да такой случай был. В этом же году



Тогда я работал редактором в Узб. рне готовился к показу пьесы «Гульсара». Роль Гульсары была дана еврейке Улясовой. Одновременно роль Гульсары, режиссер Султанов Р. сам репетировал с своей женой, которая и исполняла ее на сцене, а Улясова Султановым была отстранена от исполнения роли.

Узнав об этом я разговаривал Султанова Р., как анти-семитом и приказом от Упр 37. он был снят с работы в театре (впоследствии арестован и осужден).

По моему настоянию была вызвана Улясова, которая подтвердила правильность моих показаний, заявив, что я Ратников, как директор театра борюсь с всякими проявлениями антисемитизма. (см. ее выступление в засед. Каб-ва театра в Упр 37.) Но свидетелем по этому показанию Улясова не признаю никакого значения.

Третье обвинение. В декабре мес. 1937. Нач. Главк. Инспекции театров Искусства Ратниковым был поставлен вопрос в Упр 37. о театре (куда были приглашены и мы работали Узбекского театра) о том что Нарком Горбунов приказал объединить Упр 37. театр с Узбекским: по причине явоча недостаточные помещения для Упр 37. театра.

Здесь же было предложено мне, как директору,

Узбекнинг театри произведение это единение
Я как та же партия, Сущность Это вопрос понимания
иные, А именно Объединение двух Национальных Театров
В единый - Уничтожает Национальную форму того
или иного театра, что противоречит Сталинской
национ. политике " Искусство по форме национальное,
по содержанию Социалистическое ".

В силу этого понимания объединение произведено
Решо на основе Сохранения Специфического творчества
как Уйгурского так и Узбекского театров полностью
сохраная Национальную форму. Иного, как директо-
рам было оказано Большая Материальная помощь
Уйгурскому театру в размере 2000 руб.
а также Декоративные и Реквизитные Оформление
театров.

Материальная по существу Уйгурский театр
получил Большую Помощь от Узбекского театра
сохраняя свою Национальную форму

Но и также Объединение Я считаю Неправильным
противоречащим политике партии - поэтому лично
был представлен вопрос с Горным ВМБ перед Секре-
тарем Волтаевым о том, что даже такое объеди-



Ученые делят национальные театры на две группы:
национальные театры партии в искусстве, и те же
эти театры много раз поставлен и в м. Управлен-
но делами искусств при ЦСР

В результате через 15 дней был разрешен вопрос о
самостоятельном существовании этих двух театров
Такова истинная сущность этого вопроса.

Мне же следователем Войлочникова было пред-
ложено обвинение, что я по заданию врагов народа
Хариева, Ирдунова, якобы, как из Сталинских, прова-
да контр. свое. политику. Обвинение делят националь-
театров в один, что противоречит политике партии
в искусстве.

Как видите и в этом вопросе предъявленное мне
обвинение не основательное но и это не сущность
следователя (Войлочникова) и смысл этого суда?

17 Сутки следствия держали меня на допросе без пере-
рыва (сплошная) принуждая меня подписать заявление и
заявление Клеветы моих братьев Хариева и др

Я был доведен до грани сумасшествия, а морально истощенный был
превращен в извращен. Мыслящего человека (я был человеком суждений)

Я уже не мог бороться с насилием, у меня была подавленная
всякая воля к сопротивлению. У меня была одна мысль -



б/ Солдатлар из Этим Проклятия 4-е Сило Солдатов... в первые Дни Неясного Мыслия Следователи Войлочников...
виза Отвращения у меня Прогноз.

Мен в Купе с истинными Врагами и Антикоммунистами Наркисовыми,
Синицкиными и др. Словом Войлочников. Связан и меня.

Получилось, что вместе из Рабочих, истинно добровольцев,
Синицки, по злому воле Незадачного Следователя, я оказался из
Дружбы, Дикоммунистами.

За что и затем такая жестокая Неправедность? Я истинно
заявляю Вам, что никакой вины, ни на мою, у меня нет. Нет
иной родины и Партии!

Светлые - радостные Дни; в Ратисов, научные Владыки Светелой
вместе и заботы обо мне Партии и в всю свою (Родительскую) силу
и интеллигентность мою отдавая для счастья Партии.
А вот сейчас меня истязают. Связан Врагами народа - враги
народа.

На меня навешено Оранжереи. Ненавистные мне Проклятия
и др. - Коммунистическая!

Еще раз спрашиваю, за что?!

Даже истинно Социалистического правосудия!

Не может быть, что она вернулась Людям типа Следо-
вателя Войлочникова. Нет! Не может быть!

И не смотря на ряд посланий много женой,
на имя Наркома НКВД Берия и Прокурора СССР -



Прокурор Узбекский ССР с Января 1941г. меня извещает,
что жалобы были им рассмотрены и „Осужден Правильно“.


Эта формальная отписка Узбекского Прокурора. Вместо
того, чтоб рассмотреть дела по существу, со всей присущей
последовательностью Вильшевита - он Узб Прокурор не выяснил
каковы были мои отношения с В. Наркомом Горбуновым и
Нариевым и не спросил о деле работников Института
Эстетика, а также работников завода „Кзыл-Узбеки-
стан“, где я работал с 1929 по 1931г.

В моих жалобах ясно были указаны все лица, кото-
рые имели по ним иное отношение к моей судьбе.

И вместо того, чтоб действительно по существу ра-
зобраться в невиновном страдании живого человека - Про-
курор Узб ССР отдает формальную отписку.

Я еще раз прошу Вас обратить главное внимание
к моей жалобе.

Не может быть что-то истинно Социалистического право-
судия если бы потрачено

з/к 

Ст. Водославский 2-й Таваровского края

Инструкция КУЗД, 9 Отделение, Автоподпись № 14



Рафиқаси Раҳбархон ва қизи Фаридахон.
1953 йил. Андижон



Расулжон Раҳимовнинг қизи Фаридахон ая ва унинг турмуш ўртоғи
Исҳоқжон ака фарзандлари ва набиралари билан

Андижон вилоят суди президиуми 1959 йил 6 июнда бу ишни кўриб чиқиб, «учлик» қарорини бекор қилди. Расулжон Раҳимов тўла оқланди.

Андижон вилояти партия комитети бюросининг қарори билан Расулжон Раҳимов вафотидан сўнг партия сафига тикланди. Унинг рафиқаси Раҳбархон опа Раҳимовага шахсий пенсия тайинланди.

Йиллар мобайнида йўл қараб умид билан яшаган Раҳбархон ая 1991 йили ўз жияни Тофуқ Мирзо Холботиоров билан бирга Комсомолск-Амурскка бориб, Расулжон Раҳимов ҳалок бўлган ва жанозасиз кўмиб юборилган жойдан рамзий маънода тупроқ олиб келди. Ҳақсизлик қурбони Расулжон Раҳимов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Андижон шаҳридаги кўчалардан бирига унинг номи берилган.



АМИРИ ЛАШКАР АЛИМҚУЛ ҲАЁТИ ВА ҲАОЛИЯТИ АНДИЖОНДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ ЭКСПОНАТЛАРИДА

Музробжон Абдуллаев, тарих фанлари доктори, доцент

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 31 августда Қатагон қурбонлари хотираси куни муносабати билан ўтказилган маросимдаги суҳбатида Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида университетлар тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш, Қатагон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликларида махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш зарурлигини айтиб ўтган эди.

Бу ташаббус ва таклифга асосан 2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 936-сон қарори қабул қилинди. Қарорда юрт мустақиллиги учун олиб борилган кўп йиллик машаққатли курашларни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириш, мустабид тузум даврида оммавий қатагонлар туфайли қурбон бўлган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш мақсадида барча вилоятларда Қатагон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилиши кўрсатилди. Ушбу қарорга мувофиқ Андижондаги музей Андижон давлат университети тузилмасида ташкил этиладиган бўлди.

Андижондаги музей 2018 йил 15 август куни катта тантана билан очилди. Музейнинг «Россия империяси босқини ва мустамлакачилик зулмига қарши Андижондаги озодлик курашлари тарихи (XIX асрнинг 60-йиллари – 1917 йил)» номли биринчи бўлимида андижонлик

ларнинг Россия империяси босқини даврида кўрсатган қаҳрамонликлари, жасорати, матонати, мустамлака зулмининг Андижон халқи бошига солган кулфатлари, XX аср бошларида Андижонда юз берган маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, маҳаллий халқнинг Россия империяси мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган миллий-озодлик курашлари тарихи кўплаб тарихий ҳужжатлар, қўлёзма асарлар, расмлар ва бошқа тасвирий материалларда ўз аксини топган.

Музейнинг «Россия империяси босқини ва мустамлакачилик зулмига қарши Андижондаги озодлик курашлари тарихи (XIX асрнинг 60-йиллари – 1917 йил)» номли залида Қўқон хонлиги қўшинлари қўмондони, амири лашкар Алимқулнинг Россия империяси босқинчиларига қарши эрк ва озодлик учун олиб борган қаҳрамонона курашини ёритувчи материаллар ҳам ўрин олган.

Россия империясининг Ўрта Осиёга босқини ва мустамлакачилиги даврида эрк ва озодлик учун, мустақиллик учун олиб борилган кураш ва урушларда халқ орасидан кўпгина улугъ сиймолар етишиб чиққанки, улар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни эслаш, хотирлаш ниҳоятда хайрли ва фахрлидир.

Ана шундай халқ қаҳрамонларидан бири андижонлик амири лашкар Алимқулдир. У 1831 йили Андижон ҳокимлигига қарашли Қўргонтепа қишлоғида қирғиз-қипчоқ оиласида дунёга келган. Алимқул икки ёшлигида отаси Ҳасанбой вафот этади ва уни тоғаси мулло Дўст Охун ўз тарбиясига олади. Алимқул 6-7 ёшигача Қўқондаги Бужунбитган қишлоғида тоғаси билан бирга яшаб, шу ерда хат-саводини чиқаради. Кейинчалик Андижон шаҳридаги



Оқ масжид мадрасасида 2 йил таҳсил олади. Алимқул 18 ёшга тўлганида поччаси Тоғайқул додхоҳ унга ҳарбий санъат ва сипоҳлик ишини ўргатади. Алимқул бир муддат Андижон ҳокими бўлиб турган Сўфибек қўлида, сўнгра Маллабекда навқар бўлиб хизмат қилади. 1858 йили Маллахон Қўқон хонлиги тахтини эгаллаганида Алимқулнинг мавқеи ортиб, хонликнинг қўшинлари бош қўмондони – амири лашкари этиб тайинланади. Шу даврдан бошлаб амири лашкар Алимқулнинг чекига Россия империяси босқинчиларига қарши кураш тушди.

Музей экспонатлари орасида Алимқулнинг Россия империяси қўшинларига қарши олиб борган жанглари, тенгсиз курашларда босқинчилар устидан қучган зафарларини ёритувчи ёзма манбалар, тарихий ҳужжат ва расмлар ўрин олган. Жумладан, Алимқулнинг хос мулозими, андижонлик шиговул Мулло Юнусжон Мунший томонидан 1902 йили ёзилган «Тарихи Амирлашкар Алимқул» номли асар қўлёзмасидан намуналар қўйилган. Мулло Юнусжон Муншийнинг бу асари Алимқулнинг ҳаёти ва жанговар фаолиятини ёритувчи қимматли манба бўлиб, муаллиф ўзи бевосита кўрган, иштирок этган воқеалар, жанглар, машваратлар манзарасини жуда аниқ тасвирлаган. Асарда саркарданинг жанговар ҳаёт йўли, эл-юрт учун фидойилиги, Ватан ҳимоясини ташкил этишдаги жонбозлиги мароқли ва ҳаққоний акс эттирилганки, бу асар 1997 йили тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов ва филология фанлари номзоди, доцент Поён Равшанов томонидан «Амирлашкар Алимқул тарихи» номи билан ҳозирги ёзувга табдил этилиб, нашрга тайёрланган ҳамда сўзбоши ва изоҳлар билан китоб ҳолида чоп этилган. Бу китобга Мулло Холбек ибн Мусо Андижонийнинг «Алимқул жангномаси» номли достонидан парчалар ҳам илова қилинган. Мулло Холбек Мусо Андижоний халқ қаҳрамони Алимқул жасоратига бағишлаб «Алимқул жангномаси» достонини битган. Мулло Холбек Қўқон хонлигида юз берган жангу жадаллар иштирокчиси бўлган. У 1873 йили Ўш, Жалолобод, Кўғартда Маъмурбек бошлиқ қўзғолонда иштирок этганликда айбланиб 10 йилга Сибирга сургун қилин-

